

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ХАЛМУХАМЕДОВА МАХБУБА АСЛАНОВНА

**НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ
ВОСИТАСИДА ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Монография

«MALIK PRINT CO»
ТОШКЕНТ – 2022

УДК:

КБК:

Тақризчилар:

Рахимов Баҳтиёр Ҳудойбердиевиҷ – Гулистон давлат университети профессори, педагогика фанлари доктори.

Д.О. Химматалиев – ТВЧДПИ “Педагогика ва менежмент” кафедраси профессори в.б., педагогика фанлари доктори.

- Мазкур монография Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий таълим ривожидаги аҳамияти, жумладан Нақшбандия тариқати илмий меросини олий таълим муассасаси талабаларига ўргатиш орқали уларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга қаратилгандир. Монографияда тасаввуф илми, тариқатлар уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, шунингдек Баҳоуддин Нақшбанд ва у яратган нақшбандия тариқати ҳақида маълумот берилган. Жумладан нақшбандия тариқати вакилларининг бой маънавий мероси ва ушбу мерос орқали талабаларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш усул ва воситалари очиб берилган. Унда баён этилган назарий ва амалий аҳамиятга молик концептуал ғоялар, хуносаларнинг моҳияти ва аҳамиятини, уларни амалга тадбиқ этиш бўйича илмий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифаларнинг маъно-мазмунини ёритиш, аҳоли, хусусан, педагогика олий таълим юрти талабалари ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида тайёрланган.

Монография таълим тизимининг барча босқичларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, талаба ва ўқувчилар, кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

ISBN

СЎЗ БОШИ

Мамлакатимиз ривожланиш тараққиётининг бугунги босқичида олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бўлғуси педагогларнинг ҳар томонлама мукаммал, билимли ва маънан етук этиб тарбиялаш вазифасини қўймоқда. Сўнги йилларда таълим тизимида рўй бергаётган ўзгаришлар бўлғуси педагогнинг малакаси, касбий маҳоратига, унинг маънавий дунёқарашига бўлган талабни янгича талкинда кўриб чиқишини такозо этмоқда. Ушбу вазифани бажариш таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ўзгаришлар киритишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”[1] устувор вазифалари белгиланиб, бу борада касбий компетент-

ликни шакллантиришга йўналтирилган таълим муҳим аҳамият касб этади.

Таълим сифатини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бугунги даврда, етук педагог кадрларни етишириш масаласи жамият тараққиётини белгиловчи омили сифатида эътироф этилмоқда.

“Ислом дини ривожи йўлида бекиёс хизмат қилган буюк муҳаддис боболаримизнинг диний ва илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Самарқандда — Имом Бухорий, Сурхондарёда — Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, Тошкентда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази иш олиб бормоқда. Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази халқимизнинг бой диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялашда бекиёс ўрин тутадиган илм-маърифат марказига айланади.

Биз ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб, бу соҳадаги фаолиятимизни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. **“Маънавият ва ижодни қўл-**

лаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тұғрисида ҳамда “**Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида**” шу йил март ойида қабул қилинган Президент қарорлари айни шу соҳадаги вазифаларни самарали ҳал этишга қаратылғандир.

Яңги Ўзбекистон нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларда барча соҳалар қатори маънавий-маърифий масалаларга оид ташаббусларни ҳам дадил ўртага қўймоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “**Маърифат ва диний бағрикенглик**” резолюциясини қабул қилиш бўйича илгари сурилган ташаббус ҳалқаро жамоатчилик томонидан кенг кўллаб-қувватланди. (2)

Собиқ Шўролар давридаги динсизлик, атеистик тарбия маънавиятимиз ривожланишида катта бўшлиқ ҳосил бўлишига сабаб бўлди. Ушбу даврнинг энг катта инсонлар онгига таъсири ҳам диний илмни дунёвий илмдан ажратиш ва динни инсоннинг энг катта душмани сифатида кўрсатиш бўлди.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан ушбу узок йиллар давомида инсонлар қалбидан юлиб олинган азалий қадриятларимиз, динимизни қайтариш ва азизу-авлиёларимизнинг мақбараларини тиклаш каби жуда савобли ишларга қўл урилди.

Юртимиздан чиққан улуғ алломалар, мутафаккирлар, Шарқ ҳалқлари тафаккурини асрлар давомида нурағшон этиб, ҳалқимизнинг маънавияти ва маърифатига чукур таъсир ўтказған Ислом дини кейинги даврларда ҳам ҳеч қачон ўз қўлида мутлақ ҳокимиятни тўпламаган, балки доимо хукмдорлар ёнида жамиятининг ахлоқий қонуни ролини ўйнаган, маърифий, тарбиялаш ва меҳршавқат, инсонпарварликка даъват қилувчи функцияларни бажарган. Энг биринчи галда эътиқодни, ҳалол турмуш, пок рухият ва илм асосида комилликни ёқлаган, шунга етакловчи куч бўлган.

Хозирги мустақиллик замонида «Яссавия», «Кубровия», «Нақшбандия» каби ўлкамизда (Туркистонда) вужудга келган тариқатлар энди бизда ҳам ҳар томонлама чукур ўрганила бошланди. Хожа Ахмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сингари мутасаввуф донишмандларнинг поклик, тўғрилик, меҳр-шафқат, адлу инсоф, имондорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби илғор умумбашарий фикрлари давримизга ха-

моҳанг бўлиб, келажак учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 24-майдаги ПҚ-2995-сон “ Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017-йил 28-июлда- ги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” ги Қарорлари, жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса кўшган юртимиздан етишиб чиққан мутафаккирларнинг маънавий меросидан хозирги замон фан ва таълим, тарбияни ривожлантиришда кўллаш заруриятини туғдирди. Бунда жумладан, юртимиз ва мусулмон дунёсида жуда катта обрўга эга бўлган нақшбандия тариқати мисолида эришмоғимиз мумкин.

Хозирги кунда диний ва дунёвий билимларни узвий боғлаб, миллий қадриятларимизни унутмаган ҳолда уларни талабаларда касбий компетентликни ривожлантиришга йўналтириш таълим тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Нақшбандия тариқати хозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмади. “Оммавий маданият” бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистонни ҳам қамраб олган бир даврда биз талабаларда миллий қадриятларимиз жумладан, нақшбандия тариқати ҳақидаги билимлар орқали илм олишга, хунар ўрганишга бўлган интилишларини оширишимиз лозим. Диний қадриятлар ёлғиз диний қоидалар, кўрсатмалар, тамойиллардан иборат бўлибгина қолмай, кишилар ўртасида маънавий, аҳлоқий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатларнинг ҳам ифодасидир. Баҳоуддин Нақшбанд ёш авлоднинг меҳнат тарбиясига тўхталар экан, касб-хунар орқали ҳалол лукма топиш лозимлигини алоҳида таъкидлаганлар. Нақшбандия тариқатининг асосий ғояси сифатида инсонни юксакликка элтувчи *ақл-идрок ва меҳнат* ётади. Баҳоуддин Нақшбанд ўзининг тасаввуф таълимоти билан халқимиз маънавиятини ривожлантириш ва мусулмон халқлари маданиятининг таракқиёти ҳамда ривожига улкан ҳисса кўшган пирларимиздан биридир.

Шу сабабли нақшбандия тариқати илмий меросини олий таълим муассасалари талабаларида кенг тарғиб этиш ва бунинг натижасида унинг устоз-шогирд аъаналари, шогирднинг маънавий

ва касбий кўникмаларни ошириш учун тинмай ўз устида ишлашга, баркамол шахс сифатида камол топишига ёрдам бериш нуқтаи назардан ўрганиш зарурати туғилди. Зеро, буюк аждодларимиз бой маънавий-маърифий мероси, улкан тажрибаси, қадрият ва анъаналари ҳозирги давр авлодлари учун буюк мактаб вазифасини ўтамоғи лозим.

І БОБ. ТАСАВВУФ ВА УНИНГ ТАРИХИ. ТАРИҚАТЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ.

1.1. ТАСАВВУФ ИЛМИ УНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖИ.

Маънавий қадриятлар узоқ даврлар мобайнида инсониятнинг маданий юксалиши, ижтимоий, тарихий, иқтисодий тараққиёт натижасида шаклланади ва такомиллашиб боради. Шу тариқа ҳар бир миллатнинг миллий қадриятлари ва маданияти ривожланади. Ушбу ривожланишга буюк алломалар, адиблар ҳамда динимиз равнаки йўлида бекиёс хизмат қилган буюк азиз авлиёлар ўз таъсирини ўтказганлар. Бунинг натижасида ҳалқнинг миллий онги, миллий рухи ва миллий ўзига хослиги шаклланган. Улуғ аждодлари миз Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Абдуҳолиқ Фиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби зотларнинг бизга қолдирган бебаҳо маънавий-маърифий, илмий меросини ёшлиаримизга ва шу жумладан ёш авлодни келгусида таълим ва тарбия бергувчи тала-баларимизга етказишимиз ҳамда кенг оммага ёйишимиз лозимдир.

Даврлар ўтади, инсонлар ўзгаради лекин поклик, ҳалоллик, инсонпарварлик тушунчалари абадийдир. Инсон маънавий олами, дунёкараши ва тарбиясига таъсир этувчи омил сифатида тасаввуф илми ва унинг амалий қисми ҳисобланмиш тариқат ғояларини ўрганиш ва кенг оммага етказиш вақти келди назаримда.

Иzlанишлар жараёнида бизнинг мамлакатимизда тасаввуф илми, жумладан тариқатлар ҳақида аксарият ёшлиаримиз деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигага ишонч ҳосил қилдик. Бу эса ушбу мавзуни янада яхшиrok ўрганиш ва ёшлиаримизга бу борада маълумот бериш фикрини уйғотди.

“Тасаввуф Шарқ маънавияти тарихида муҳим ўрин эгаллаб келган тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёяди. Гап шундаки, ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин мусулмонлар жамоаси ичida бўлинеш юз беради, айниқса, халифа Ҳусмон

розияллоху анху замонларида бойликка ружу қўйиш, кимматбаҳо тухфалар билан қариндош-уруглар, яқин дўст-биродарларни сийлаш расм бўлади. Уммавия халифалиги даврига келиб эса, сарой ҳашамлари, дабдабали безаклар, олтин-кумушга берилиш, хазина тўплаш авж олди. Яъни диний машғулотлар, Худо йўлидаги тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлади. Бу ҳол диний амрларни адо этишни ҳар қандай дунёвий ишлар, бойликлардан устун қўйган эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар орасида ҳадис тўпловчи муҳаддислар, илгаридан қашшоқ бўлиб, уй-жой, мол-мулкка эътибор қилмаган саҳобалар ҳам бор эди. Буларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очиқ курашга отланган бўлсалар, иккинчи қисми эса, қаноат ва зуҳдни («зуҳд» сўзидан «зоҳид» сўзи келиб чиқкан) асосий мақсад қилиб олиб, сарой аҳли ва сарватдорлар, бойлар ахлоқига қарши норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик ғоясини тарғиб этиб, ижтимоий фаолиятдан бутунлай четлашганлар, сурункали тоат-ибодат билан шуғулланганлар.”[5]

Юртимииздан чиққан буюк пирларимиздан Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ”Тасаввуф ҳакида тасаввур” китобида тасаввуф илми ва тариқатлар ҳакида жуда муқаммал маълумот берганлар. Албатта Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф бизнинг замондошимиз бўлганлари учун уларнинг тасаввуф ҳакидаги фикрлари бизга янада тушунарлидир. Шайх Ҳазратлари Бухоро мадрасаларида таълим олиб кейинчалик жуда кўплаб мусулмон давлатларида ишладилар ва Ислом таълимоти ва унинг ажралмас бўлаги бўлмиш тасаввуф илмини тарғиб этишга ҳаётларини бағишилаганлар.

Кишилар ўртасида “Тасаввуф қаердан келиб чиққан?” деган саволга жавоб беришда ҳам жуда кўп қарашлар мавжуд. Бу борада тасаввуф тарихини ўргангандо тоифалар турли фаразларни айтганлар.

Баъзи шарқшунослар: “Тасаввуф аслида юононча “суфис” сўзидан олинган, мусулмонлар юонон маданиятидан кўп нарсаларни, жумладан, тасаввуфни ҳам олганлар”, дейдилар.

Аммо бу гапни нафақат мусулмонлар, балки бошқа шарқшунослар ҳам рад этадилар. Чунки юононча “суфис” “син” ҳарфи билан бошланади, сўфий эса “сад” ҳарфи билан.

2. Бошка бир тоифалар: Мусулмонлар тасаввуфни масийиҳликдан олганлар”, дейишади.

Аммо бу гапнинг ҳам ишончли далили йўқ. Бу гапни айтганлар баъзи бир зоҳирий нарсалардан ўзларича хулоса чиқариб айтганлар, холос.

3. Учинчи бир гурух: “Мусулмонларга тасаввуф мажусийлар ва буддачилардан кириб келган” дейишади. Улар ўзларининг бу фикрларига аввалгига ўхшаб, куруқ тахминларни ва баъзи бир кўзга кўринган тасаввуф намоёндаларининг асли форсдан бўлиб, боболари мажусий бўлганини далил қиласидилар.

Уларга “Бир кишининг аслига қараб катта бир илм ёки мазҳабга баҳо берилмайди, воқеликка қараш керак”, дейилади. Чунки барча исломий илмлар ва мазҳабларнинг кўзга кўринган намоёндалари араб бўлмаган халқларнинг вакилларидир.

4. Тасаввуфга қарши бўлганлар: Бу нарса ҳижрий учинчи асрдан чиккан бидъат, аввалги даврда мутлақо бўлмаган. Қуръону Каримда ҳам, ҳадиси шарифда ҳам “тасаввуф” сўзи бирор марта зикр қилинмаган”, дейишади.

Бундай эътирозларга тасаввуф тарафдорлари батағсил жавоб берадилар. Қуръони Каримда ҳам, ҳадиси шарифда ҳам “тасаввуф” сўзи бирор марта зикр қилинмагани унинг исломий илм эканлигига далил бўла олмайди. Чунки Қуръони Карим ҳадиси шариф луғат қомуси ҳам, илмларнинг таърифини келтирадиган таърифнома ҳам эмас. Қолаверса бошқа исломий илмларнинг номи ҳам бу икки масдарда келмаган. Қуръон ва суннатда номи келмаган нарсани инкор қилаверсак, жуда кўп нарсадан воз кечишимизга тўғри келади.” [6]

“Тасаввуф сулук тарзи бўлиб, унинг асоси нафс пок ва рух олий бўлиши учун содда ҳаёт ва фазилатлар ила зийнатланиб яшамоқдир.

Тасаввуф илми-сўфийлар эътиқод қиласидиган нарсалар ва ўз жамоаларида ҳамда ёлғиз қолганларида ушлайдиган одоблариdir. Сўфий-тасаввуф йўлига эргашган одамдир.”[6]

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Ҳазратларининг ёзишларича, тасаввуф илми тарихини ўргангандан олимлардан Абу Нуъаймнинг “Хулятул авлиё” асарида тасаввуф ила машхур бўлган икки юз кишининг таржимаи ҳоли келтирилган бўлиб, бу та-

тасаввуф илмини мусулмон давлатларида нақадар оммалашганлиги-нинг исботидир.

«Тасаввұфнинг асосий озуқа манбаи Мұхаммад (а.с.)нинг маънавий ботини ва гүзәл ахлоқи ҳисобланади. Тасаввұф инсоннинг маънавий оламини

мукаммаллаштиради. У туфайли одамзод моддий оламнинг ўз шахсига таъсирини заифлаштириб, буюк илохий ҳақиқатта сидқи-дилдан хизмат қилиш ва тұхтөвсиз руҳий камолотта эришиш йўлидан боради. Тасаввұф воситасида инсон қалбидаги имон, сабр, камтарлик, ризолик, таваккул каби ботиний сифатларини юзага чиқара олиши ва муросасизлик, кибр-у ҳаво, шаҳват, хасислик каби яширин нағсоний иллатлари билан кураша олади.

Тасаввұф ислом маданиятини шакллантиришда катта роль ўйнайди. Инсоннинг нажот топиш муаммосини ҳал этувчи ягона йўл сифатида маънавий комиллик ғояси қуруқ шариат қонунидан кўра, самарали бўлиб, мусулмон ҳалқлари маънавий ҳаётининг турли соҳалари ривожига кучли таъсир кўрсатган.

Тасаввұфнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқ. “У ҳазрат Туркистонда тасаввұф дарахтини ўрнатган зотдир.” [36] Унинг дарвешлик мактабидан Ўрта Осиёда дарвешларнинг энг йирик вакиллари етишиб чиқдилар. Юсуф Ҳамадоний Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ва Хоразмда фаолият кўрсатди. Бу ерда ўз тасаввұф мактабига асос солди. Унинг мактабидан келгусида, тўрт машҳур шогирд: Абдулло Барқий, Ҳожа Ҳасан Андоқий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Ғиждувонийлар етишиб чиқдилар. Ва улардан иккитаси кейинчалик Туркистонда машҳур бўлиб, оммавийлашиб кетган “яссавия” ва “ҳожагония” тариқатларининг асосчилари бўлдилар.

1.2. ТАСАВВУФ ТАЪРИФИ ВА МОҲИЯТИ

Тасаввұф ҳақида таърифлардан намуналар:

1. Шаръий китоблар ила зохирда туриб, унинг ҳукмини ботинда кўриш. Шунингдек, шаръий одоблар ила ботинда туриб, унинг ҳукмини зохирда кўришдир. Шунда одобланувчи учун икки ҳукм ила камол ҳосил бўлур.

2. У бир мазхаб бўлиб, максади қалбни Аллоҳдан бошқадан ҳоли қилиш, Холикқа ихлос ила ибодат қилиш ҳамда Ундан бошқасидан ажралиш ила рухни қудсият оламига олиб чиқишидир.

3. Тасаввуф нафсни аҳлоқий жиҳатдан тараққий эттирадиган ҳаётий фалсафа бўлиб, у муайян амалий риёзат воситасида ҳақиқатга айланади ва баъзи вактларда олий ҳақиқатга сингиш хиссига олиб боради.

4. Тасаввуф бир илм бўлиб, у ила нафснинг аҳволи-яҳши ва ёмони, унинг ёмонини поклаш йўли, яххисини зийнатлаш йўли, Аллоҳ таолога томон юриш кайфияти ва Унга томон қочиш услуби ўрганилади. Яъни Ўзидан бошқадан паноҳ сўрамаслик.

5. Тасаввуф ҳар бир ёмондан ҳоли бўлиш, ҳар бир яхшидан ибрат олиш ила қурбатга ва висолга эришишдир. У инсонни қайта бино қилиш ва уни ҳар бир фикр, сўз, иш, ниятда Робби ила боғлашдир. [6]

Тасаввуфнинг асл моҳияти ва мақсади бу руҳий тарбиядир. Тасаввуфда қалб, рух, ақл ва нафс тушунчалари борки уларни тарбият этган ва англаган инсонгина ҳақиқатни англайди. Инсоннинг безаги бўлмиш аҳлоқи, қалб поклиги, нафсни енга олишини тарбиялай олиш тушунчасини ўзигина, тасаввуф илмини ёшларга жумладан талабаларга ўргатиш лозимлигини англатади, зеро ички дунёси гўзал бўлмаган инсон ўзгаларни ҳам тўғри йўлга кола олмайди.

«Абдураҳмон Жомий «Баҳористон»да ёзади: «Шайх Абу Сайд Абулхайдран: «Тасаввуф недур?» деб сўрадилар. У: «Бошингдаги ҳамма нарсаларни чиқариб ташлаш, кафтингдаги бор нарсани бериш, ўзгалардан сенга не ранжу кулфат етса, барига чидаш — тасаввуфдир, деб жавоб берган». Тасаввуф сўзини Кошифий ҳарфма ҳарф шарҳлаган: «Т» — тажрид, яъни ортиқча нарсалардан ҳоли қолиш, беҳуда ишлардан четлашиш; «С» — сидқу сафо; «В» — вафо; «Ф» — фано маъноларини англатади..» [7]

Албаттга тасаввуф барча дин аҳлларига ҳам хуш келмаган. Масалан Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” асарида мисол сифатида Ибн Жавзийнинг (1153 йилда вафот этган) араб тилидаги «Талбис иблис» (Иблис васвасаси) номли китобидида ёзган фикрларини баён этгандар.

“Ибн Жавзий тасаввуф тарихини икки даврга бўлади. Биринчиси – зоҳидлик даври бўлиб, у даврда сўфийлар шариат талаб-

ларига қатый риоя қылғанлар. Иккинчиси – дарвешлик даври бўлиб, бу даврда фикр-у шуурда ислом ақидаларига тўғри келмайдиган қараашлар юзага келган, тариқат қабул қылған расм-руслар ҳам илк исломда йўқ эди, дейди Жавзий. Чунончи, хирка кийиб алоҳида жамоа бўлиб юриш, раксу самоъ мажлислари ташкил қилиш, куй-қўшиқ эшитиш, чилла ўтириш, зикр тушиш ва ҳоказолар исломга хилоф. Сўфийларнинг бу ишлари одамларни йўлдан ура бошлади, деб ёзади Ибн Жавзий, чунки сўфийлар бағоят тақводор кишилар бўлғанлиги сабабли диндорларга таъсир ўтказарди, аммо иккинчи томондан, ўйин-кулгуга берилган дунёпараст кишилар ҳам сўфийларнинг илмини ўрганишдан қўра, каромат ва сеҳрга эътибор берадилар, бу эса шайтоннинг райъига эргашишдир. Ибн Жавзий ёзади: «Кейинги даврларга келиб, Иблис уларнинг ишларига аралашди ва васвасага солди. Уларнинг тобеълари ҳам бу васвасага учдилар. Иблис вассавасасининг моҳияти шундан иборатки, у сўфийларни илм ва донишдан қайтариб, уларга мақсад-муддао илм эмас, балки амалдир, деб кўрсатди. Ва улар учун илм чироғи сўнгандан кейин зулмат ичра қолдилар ва йўлдан адашдилар».

Бу тасаввуфга қўйилган катта айб эди. Амалда Ибн Жавзий сўфийларни билимсиз, нодон кишилар деб таҳқирлаган. Тўғри, тасаввуфда шариат илми ақлий-мантиқий илм сифатида олиб қаралади ва сўфий бу илмнинг ўзи билан чегараланса бўлмайди, у ишқ ва ботиний тараққиёт орқали файбий-ладуний билимлар соҳиби бўлсагина, мақсадга эришади, деган қарааш бор. Бирок буни шайтон вассавасаси ёки нодонлик деб аташ хато. Ахир Нажмиддин Қубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳорори Вали каби улуғ шайхларни шариат илмидан бехабар деб бўладими? Улар бу илмни сув қилиб ичган одамлар эдилар. Уларда ана шу шариат илмидан ташқари яна ботиний-илоҳий илм ҳам жўш уриб турган. Ана шу фазилат билан улар оддий диндорлар, муҳаддису муфасирлардан устун эдилар.”[5]

Марказий Осиёда, хусусан, юртимизда тасаввуфнинг кубравия, яссавия, хожагон-нақшбандия йўналишлари вужудга келиб, аҳолининг турли табакалари ўртасига кириб борди. Нақшбандия тариқатининг вакиллари Марказий Осиёда Темур ва темурийлар, шайбонийлар, кейинроқ Ҳиндистондаги Бобурийлар давлатида катта шуҳрат ҳамда эътибор қозонди. Кўплаб тадқиқотлар тасаввуф

тариҳи, унинг турли ўлкаларда намоён бўлиши, мазмун-моҳияти, тамойиллари, шакл-шамойили, йўл-йўриқлари, шунингдек, фалсафа, адабиёт ва маънавиятга бевосита таъсири каби масалаларга бағишлиланган.» [8]

1.3. ТАРИҚАТЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

“Албатта, бирор бир иш килмоқчи бўлсангиз, шу ишни амалга оширишнинг ўзига хос бир услуби, усули, йўли бўлади. Масалан, алюминий маъдан ҳолидан ажратилиб, соф алюминий хосил қилинади. Маъдандан алюминий ажратиб олиш ҳам ўзига хос бир иш. Унинг турли-туман усуллари кашф этилган. Дарсликларда: “Бир коллеж талабаси алюминийни электр токи воситасида ажратиб олишнинг қандайдир янги усулини топган”,-деб ёзилганини ўқиганман. Бу гапни айтишдан мақсад шуки, бугунча сиз ёш боласиз, лекин ўқисангиз, излансангиз, сиз ҳам ўша талаба сингари кашфиётчи, ижодкор бўлишингиз мумкин.

Барча нарсанинг усули бўлганидек, тасаввуфнинг мақсадига етишиш, комил инсон бўлиш учун қилинадиган ишларнинг ҳам ўз усул ва услублари, яъни тариқатлари бор. ”Тариқат”нинг арабча маъноси “тариқ, йўл” деганидир. Арабистонга, ҳажга борган кишилар билишадики, йўл очишни истаган бирор киши “Тариқ! Тариқ! Тариқ!”, яъни “Йўл бер! Йўл бер! Йўл бер!” деб олдинга тушади.”[9]

Тасаввуф гарчи VIII аср ўрталари ва IX аср бошларида юзага келган бўлса-да, унинг назарияси ва амалиёти X-XIII асрлар давомида тасаввуф адабиётларида ишлаб чиқилиб ўзининг олий босқичига кўтарилиган ва нақшбандия тараққиётида мукаммал ниҳоя топган. Уларда инсон ва унинг Худога муносабати қандай бўлиши кераклиги, Худо ва инсон бирлиги, инсонни Аллоҳ билан қўшилиши ҳақидаги таълимот акс этган. Рухий-маънавий камолотга эришиш йўллари кўрсатиб берилди.

Бу йўллар тўрт босқичдан иборат.

1. Шариат
2. Тариқат
3. Маърифат

4. Ҳақиқат

Хожа Ахрор тариқатга завол билмас баҳт воситаси дея таъриф беради:

«Хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқаларининг ҳосили давоми иқбол туур, бар важжеким, бу иқболда ҳеч кулфат бўлмас».

Ўзи эътиқод қилувчи нақшбандиянинг моҳиятини шундай тушунтиради:

«Бизнинг мўътакидимиз туур бул тариқдин, ул туурким, доимо кўнгил бар сабили завқу лаззат Ҳақ субҳанаҳуға огоҳ бўлсин. Ва бу маънони муносиб

амаллар билан касб этурлар, бидояти шул туур. Ва ниҳояти шул туурким, касбға ҳеч мадхал қолмасдур ва бул маъно нафсға малака бўлуб, мулк бўлур». Бу сўзлар нақшбандия тариқатининг шиори «Дил ба ёру даст ба кор» (Дил Аллоҳда, қўл меҳнатда бўлсин) иборасининг кенгроқ баёни.

Тасаввуфий камолот йўлини, анъанага кўра, уч қисмга – шариат, тариқат ва ҳақиқатга бўлиб, уларга шундай таъриф беради: «Шариат – аҳкоми зоҳирға жорий этмак. Ва тариқат – ботиннинг жамъиятида тааммул ва такаллуф этмак (интилиш). Ҳақиқат шул жамъиятда русух туур» [10]

Шариат. Бунга кўра суфийлик йулини тутган тариқат аҳли аввало, шариатнинг барча талабларига бўйсуниши, уларни бекаму-кўст эгаллаши ва амал қилиши керак.

Тариқатга кўтарилиши мумкин. Бунда муридлар (шогирдлар) ўз пирлари-муршидларга (шайхларга) итоат этиши, ўз шахсий истакларидан воз кечиши шарт. Яъни мурид ўз ихтиёрини бутунлай пир (устоз) ихтиёрига топшириши лозим.

Маърифатга кўтарилиши мумкин. Бунда коинотнинг (борлиқнинг) бирлиги Худога мужассам бўлиши, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлиги ақл билан эмас, балки қалб билан англаб етилади.

Ҳақиқат ҳисобланиб, суфий (зоҳид) «шахс сифатида тугаб» «Ҳақиқат»га, Худога етишади, унга сингиб кетиб абадийликка эришади. Бунга суфийлар маҳсус руҳий ва жисмоний ҳаракатлар-сифиниш ва ибодатлар орқали интиладилар.

“Шариат барча диний қонун-қоидалардан таркиб топиб, уни озиқлантирадиган тегишли манбалар Қуръони Карим, хадислар ва турли туман соф диний китоблардир.

Тариқатда эса агар шариат арбоби уни алоҳида бир босқич билб, тариқат сари йўл олиб, сўфий ёки соликқа айланса-кейинги даражаларга эришишга интилади. Шундан сўнг маърифат эшиги кўрина бошлайди ва комиллик кайфияти туғилади. Кейин озод бўлиш, ўзидан воз кечиш, ўзини йўқотиш, Аллоҳга эришиб қоришиш ва фано бўлиш омиллари юзага чиқади ва ҳакиқат тушунчаси ҳосил бўлади.”[11]

“Шариат билан тариқат орасидаги масала ғоят нозик масаладир. Бу жиҳатни англамаган одам шубҳасиз бирор томонга путур етказиши мумкин. Чинакам мусулмон бўлган, исломни чукур англаб, унинг маърифати, хикмат ва фалсафасидан баҳраманд бўлган, мусулмонликни Аллоҳ ёдида пок яшаш деб билган киши ҳеч қачон тариқатни ўзига ёт деб билмайди. Мусулмонликни факат расм-руслар, одатлар ва бошқа ташки белгилар йиғиндиси деб билувчи киши учун, турган гап, тариқат мавҳум ва ҳатто зарарли нарса бўлиб туюлади. Бу ўринда шуни айтиш керакки, шариат аҳлининг ҳаммасини ҳам тариқат билан курашиб келган, тариқатга мухолиф бўлган деб айта олмаймиз. Кўпгина шариат пешволари тариқат аҳлига ҳурмат билан қараганлар, шайхлар билан дўстлашганлар. Бундан ташқари, дарвеш сулукига кирган фақиҳлар, шайхулисломлар, обидлар бор эди, масжидлар ва хонақолар орасида алоқа бўлиб турарди.” [5]

Ислом тарихида тасаввуфнинг бир неча тариқатлари шаклланди, ёйилди, ўз атрофида тарафдорларни пайдо қилди.

“Тасаввур ва маълумот учун баъзи машхур тариқатларни қисқа-ча зикр қилиб ўтамиш:

1) Рибоғия тариқати

Бу тариқатнинг асосчиси Ахмад бин Али бин Ахмад ар-Рибоғий рахматиллохи алайх бўлиб, У Ирокнинг Басра ва Восит орасидаги Умму Убайда қишлоғида 512 хижрий санада таваллуд топган. Ёшлигига отасидан ажраб етим қолган ва тоғасининг тарбиясини олган. Аввал Шофеъий мазхаби бўйича фикҳни ўрганган, кейин тоғасидан тасаввуф бўйича таълим олган ва унинг ўрнига тариқат шайхи бўлган. Ахмад ибн Ахмад ар-Рибоғий рахматуллохи алайх 578 хижрий санада вафот этган.

2) Шозилия тариқати

Бу тариқат Абул Хасан аш-Шозий рахматуллохи алайхга

нисбатан берилган. У 593 хижрий санада туғилиб 656 хижрий санада вафот этган. Абул Хасан аш-Шозилий рахматуллохи алайх олим, обид, зохид ва машхур сўфийлардан бўлган. У Тунис, Миср, Ироқ ва Макка томонларга кўп сафар қилган. Қоҳиранинг Комилия мадрасасида қози Иёзнинг “Шифо” китобини, “Рисолаи Қушайрия”ни, “ал – Мухараар ал Важийз”ни талабаларга ўқитган. У ўзлотни ва маҳрумлик хаётини ўзига эп кўрмаган. Одамларга аралашиб дунё нэйматларидан баҳраманд бўлиб яшаган.

3) Қодирия тариқати

Бу тариқат ўз муассиси Абу Мухаммад Мухиймиддин Абдул Қодир ал-Жайлоний рахматуллохи алайхнинг номи билан аталган. Абдул Қодир ал-Жайлоний рахматуллохи алайх 470 хижрий санада Боғдодда таваллуд топган ва ўша ерда 562 хижрий санада вафот этган. У машхур факих бўлиб хам шофеъий хам ханбалий мазхаби или фатво берган.

4) Мавлавия тариқати

Мавлоно Жалолиддин Румий рахматуллохи алайхга нисбатан берилган ва бу тариқат Она дўлида кенг тарқалган. Мавлоно Жалолиддин Румий рахматуллохи алайх 604 хижрий санада таваллуд топган. Унинг насаблари ота тарафидан Абу Бакр Сиддиқка, она тарафидан Моварауннахрда хукм сурган хоразмшохлар сулоласига бориб тақалади. У кўплаб сафарлардан кейин Султон Алоуддин Салжуқийлар давлатининг пойтахти Қўния шахрида ўзоқ вақт яшаб, ўша ерда вафот этган.

У шаръий илмларни, кўзга кўринган - ханафий факих бўлган ўз отасидан олган. Мавлоно Жалолиддин Румий рахматуллохи алайх ўз умрининг биринчи даврида мударрис, Воиз ва факих бўлган. Кейин эса суфийлик, шоирлик ва хакамлик билан шуҳрат қозонган.

5) Яссавия тариқати

Бу тариқат улуғ мутасаввиф Ҳожа Ахмад Яссавий рахматуллохи алайхнинг номи билан аталган. У киши 562 хижрий санада вафот этганлар. Ҳожа Ахмад Яссавий рахматуллохи алайх шайх Юсуф Хамадонийнинг халифаларидан бўлганлар. У киши Бухорода таҳсили илм қилганлар. Яссавийлик тариқати силсила жихатидан нақшбандликка алокадордир. Бу тариқатда зикр жаҳрий бўлади.

6) Кубровия тариқати

XII асрда Марказий Осиёда вужудга келган яна бир йирик

тасаввуфий тариқат “Кубровия” мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввиф донишмандлардан бири Шайх Нажмиддин Кубро номи билан боғлиқдир. Унинг тўлиқ исми Ахмад ибн Умар Абдул Жанноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хивақий ал-хоразмий бўлиб 1145-1146 йилда Хивақ шаҳрида дунёга келган. Нажмиддин Кубро ўз даврида “Шайхи ва литарош”, яъни “валилар тарбиялайдиган шайх” номи Билан хам машхур бўлган.

Нажмиддин болалик пайтидаёқ илм истаб Миср ўлкасига равона бўлади. Мисрда у Рўзбекон Вазон ал-Мисрий (1188й вафот этган) исмли олим даргоҳида таълим олади. Ал-Мисрий эса машхур мутасаввиф донишманд Абу Нажиб ас Суҳравардийдан таълим олган ва унинг қўлидан хирқапуш бўлган Исмоил Қасрий (1198й ваф.этган) каби улкан мутасаввиф донишмандлардан тасаввуфга оид кўпгина зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллади.

Унга Мисрдаги Шайх Иброҳим “Нажмиддин” деган ном берган бўлса, Табриздаги Шайх Исмоил Қасрий “Кубро” яъни “улуғ” лақабини беради. Сўнгра у ватани –Хоразмга қайтиб келиб хонақоҳ қуради, шогирдлар тарбиясига киришади. “Кубровия” ёки “Захобия” тариқатига асос солади. Бу тариқат хадис ва шариатга таянган бўлиб, ўз даврида Хурросон, Мавороуннаҳр, Ҳиндистон ва бошқа мусулмон мамлакатлари халқлари орасида кенг тарқалади.

7) Накшбандия тариқати

Бахоуддин Нақшбанд (1318-1389) – нақшбандийлик тариқатининг буюк намоёндаси. Бухорода Касри Ҳиндувон қишлоғида туғилган. Бахоуддин Накшбанд Бобойи Самосий, Амир Кулол, Мавлоно Ориф, Халил ота, Кусам Шайх каби устозлардан сабоқ олган. У икки марта хаж килган. Ғарибона хаёт кечирган, факат ўз меҳнати орқали дехқончилик ва кейинрок мис ва кимхобга нақш солиши билан кун кўрган. Ўз таълимотини яратишида Абдуҳолик Фиждувоний асос солган. «Хожагон» силсиласининг саккиз моддадан иборат қоидасига ўзининг уч қоидаси (талаби) ни қўшиб уни такомилга етказди. Шу тариқа тасаввуф накшбандия тариқатида янада мукаммалликка эришди..” [6]

Хожагон-нақшбандия тариқати тасаввуфнинг энг ҳаётга яқин, дунёвийликни ўзига сингдирган, инсонни жамоа бўлиб яшashi, меҳнат жараёни учун зарурий бўлган реал хислатларни ифодалашга интилган йўналишлардандир. Шу йўналиш-тариқатнинг

шаклланиши ва Марказий Осиёда танилиши Абдухолик Гиждувоний (1103-1179) таълимоти билан боғлиқдир. Сўнгра бу йўналиш нақшбандия деб аталиб (Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғланади -XIV аср).

“Албатта ҳар бир тариқатнинг асли Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи вассалламга бориб тақалади. Шу сабабли унинг томирлари узун ҳисобланади. Аммо маълум шайх номи ила машхур бўлган катта тариқатларнинг аксари бешинчи ва олтинчи ҳижрий асрларга тўғри келади.

Бундан айнан ўша асрларда тасаввуф ўз равнақи чўққисига чиққанини билиб олсак хам бўлади.»[12]

II БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВА УНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

2.1. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИДА АБДУХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙНИНГ ЎРНИ

Хожаи жаҳон – хожа Абдухолик Фиждувоний бутун дунё ҳалқларининг маънавият ва маърифатида, Хожагонлар тариқатида катта из қолдирган ва Накшбандия сулукининг шаклланишига асос солган йирик мутасаввуф шайх ва буюк алломаларимиздандир.

Хожа Абдухолик Фиждувоний 1103 йилда ҳозирги Бухоро вилоятининг Фиждувон туманида туғилганлар. У кишининг оталари Абдужамил асли Румлик бўлиб, масжидда имомлик қилганлар. Имом Абдужамил Имом

Маликнинг аждодларидан ҳисобланади. Имом Малик (712-795) – Исломдаги асосий тўрт мазҳабдан бири, маликия мазҳабининг асосчисидир. Абдухоликнинг оталари ўз замонасининг алломаси – зоҳирий ва ботиний илмларининг олими. Ҳизр алайҳиссаломга сұхбатдош бўлганлар. Бир куни у кишининг тушига Ҳизр алайҳиссалом кириб, Абдухоликнинг туғилиши ҳақида башорат қилган ва шундай деб исм қўйишни буюрган эдилар. Айрим ҳодисотлар сабабли Абдужамил ўз оиласи билан Мовароуннаҳрга келиб, Фиждувонда яшаб қолганлар. Абдухоликнинг оналари ҳам Малик (подшо)лар авлодидан бўлганлар. Хожа Абдухолик Фиждувоний диний оиласи, исломий тасаввуф ва урф-одатлар куршовида униб ўстсан. Тўққиз ёшида Куръони каримни ёд олган, ўн ёшдан бошлиб дарвешларнинг зикр тушишларида фаол иштирок этган. Ҳазрат ёшликларида Бухоро шаҳрига келиб, илм таҳсили билан машғул бўлдилар.

«Фасл ул-хитоб» китобида ёзилишича, ҳазрати Хожаи Абдухоликнинг йўллари тариқатда ҳужжат ҳисобланади. У киши бутун ҳаётларини Аллоҳ йўлига бағишлиб, фарз улуғ ибодатда шуҳрат топдилар ва ўз покиза йўлларини гайрларнинг кўзидан ҳамиша пинҳон тутдилар. Уларга «дил зикри» (юрак орқали хуфя зикр айтиш) ни Ҳизр алайҳиссалом таълим бергандилар ва уларга мазкур сабоққа доимо машғуллик кўрсатдилар. Ҳазрати алайҳиссалом

уларни фарзандликка қабул этиб, уларга: «Ҳовузга туш ва кўнглида: «Ла илоҳа иллалоҳу Мұхаммадур расуллуюх» дегин, дедилар. Ҳожа шундай қилдилар, бу ишга машғул бўлиб, бундан кўп фойдалар топдилар.

Ҳазрати Ҳожа Абдухолик 22 ёшларида машҳур шайх Абу Ёкуб Юсуф Ҳамадоний билан учрашдилар. Ва тез орада у кишининг муридига айландилар.

Ҳожа Юсуф Ҳамадоний Абдухолик қалбида Аллоҳ зикри борлигини билиб, сўфийлар жамоасига олиб киради. Ҳожа Юсуф ва уларнинг шайхларининг йўли «зикри аллония» (зикрини овоз чиқариб айтиш) усули бўйича эди. Ҳожа Абдухолик эса Хизр алайҳиссаломдан «зикри хуфя»ни сабоқ олган эдилар, буни Ҳожа Юсуф билсалар ҳам, бироқ бу йўлни ўзgartиришни буормадилар ва «Сиз улар томонидан шу йўлга буорилибсиз, шу йўлни давом эттираверинг», дедилар. Ҳазрати Ҳожа Абдухолик ўзларининг баъзи китобларида куйидагиларни ёзганлар: «Йигирма икки ёшимда уйгоқ қалбларнинг хожаси – Ҳожа Хизр алайҳиссалом мени шайхи раббоний Юсуфи Ҳамадоний қўлига топширдилар ва мени тарбият қилишга васият этдилар, улар Мовароуннахрда эканлар, мен уларнинг хизматларида бўлдим ва кўп фойдалар олдим».

Ҳожа Юсуф Ҳурсонга кетганларидан сўнг, Ҳожа Абдухолик риёзатга машғул бўлдилар. Ҳол (рухий қувват) ларини доимо пинҳон тутар эдилар. Валийлик қуввати шу даражага етдики, бир намознинг вақтида Каъбага бориб келиш қувватига эга бўлдилар.

Ҳожа Абдухолик Фиждувонийнинг кароматлари ҳақида бир ривоят бор.

Бу ривоят ғиждувонлик Мулло Рўзи бободан ёзиб олинган экан (Ривоят 1967 йил ёзиб олинган). Ривоят қилишларича, ҳазрати Абдухолик Фиждувоний кўрсатган кароматларига ишонмаган бир гуруҳ кишилар у кишининг ҳузурига келиб, бизлар Маккатуллога ҳаж қилмоқчи эдик, сиз ҳам бизларга ҳамроҳ бўласизми? – деб айтганлар. Ҳожа айтганларки, Сизлар азият чекиб, Маккатуллога боришингизнинг ҳожати йўқ. Ҳонайи Каъбани шу ерга чақирамиз, деб жавоб берганлар, бир оз фурсат ўтгач меҳмонларни ўз хужраларидан ташқари олиб чиқсалар, осмонда Ҳонайи Каъба муаллақ турган экан. Дарҳол усталар нарвон (шоти) ўхшатганлар, келган кишилар шу нарвондан чиқиб, Ҳонайи Каъбани зиёрат қилган

эканлар. Шундан кейин бир Шайх: «Бизда ҳам қаромат бор!» дебди. Фиждувон Қалъаси устига чиқиб, чух дейиши билан Қалъа бутун Фиждувонни ҳаракатта келтириб, судрай бошлабди. Шайх: «Мен сизларни бутун шаҳрингиз билан Каъбатуллога элтаман!», дебди. Шунда ҳазрати Абдухолик Фиждувоний ўз муридларидан бирига қараб: «Қалъага лангар отинг!», деб буюрибди. Лангар отилганидан сўнг, қалъа узилиб, шаҳар таққа тўхтаб қолибди. Кейинчалик лангар отган мурид Хожа лангар Ато номи билан машҳур бўлган экан.

Хожа Авлиёйи Кабир Фиждувонийнинг шогирди бўлиб «Одоби тариқат» рисоласида хожагонлар тариқатига янги қадам кўйган солик (мурид)нинг амал қилиши зарур бўлган барча масалаларни ўз ичига олади ва бу насиҳатлар, шубҳасиз, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг издошлари учун ҳам қўлланма бўлиб ҳисобланган.

«Одоби тариқат» рисоласидан

“Эй ўғилгинам, сенга насиҳат қиласын, тақво (пархез)ни ўзингга тумор қилиб ол. Ибодат вазифаларини доимо бажар. Ўзингни ҳамиша кузатувчи бўл.

Илм излашдан бир қадам ҳам узоқлашма. Сармоянг илм олмоқ, либосинг факир (одми), дилинг ҳалим бўлсин. Одамларга чиройли мумомала қил. Халқ билан тортишма. Катта-ю кичикка шафқат кўзи билан қара. Ҳеч кимга ёмон кўз ила боқма. Эгни-бошингни ҳаддан зиёда безамагинки, бу ботиний (ички) харобалик аломатидир. Доимо одобли бўл. Бироннинг мақтovига учма. Бирор сени ёмонласа, хафа бўлма. Ўз юкингни ўзинг кўтар. Кимсани хизматга буюрма, токи у заҳмат чекмасин. Сўзни зарур бўлгандагина гапир.

Кўп кулма. Қаҳқаҳа отиб кулгучи бўлма. Ҳаддан зиёд кулги қалбни ўлдиради.

Дунёга ҳирс қўйган кишилар билан яқинлик қилма. Дунё ва унинг жилва-ю нозлари сени ром этмасин.” [46]

Ҳар кимда бешта ҳислатни кўрмагунингча уни биродарликка қабул қилма. Биринчиси-факирликни бойлиқдан устун қўйган бўлсин. Иккинчиси-илмни дунё ишларидан устун қўйган бўлсин. Учинчиси-хорликни иззатдан юқори қўйган бўлсин. Тўртинчиси-зохир ва ботин амалларини яхши билувчи бўлсин. Бешинчиси-ўлимга тайёр бўлсин. (тариқат одоблари ҳақида)

Ушбу сўзлар замирида Фиждувонийнинг замон ва макон билмас фикрлари накадар пурмаъно касб этишини тан олмасдан иложимиз йўқ.

Фиждувоний ҳаётда ижтимоий жараёнларда фаол бўлиш, инсон, жамият ва давлат ҳаётини факат тушунтириш, изоҳлашгина эмас, балки нисбий маъно, ақл-идрокка мувофиқ йўсинда баҳт-саодат, савоб, эзгулик йўлига чорлаш ҳақида ўйлади. Яъни, нақшбандия-хожагония тариқатининг ҳалол ва пок яшаш каби маънавий-руҳоний қадриятларининг аъло маъно-моҳиятини чукур билб олишда Фиждувоний дунёқарashi, амалий талаблари бевосита назарий асос, гоявий манба ва йўловчилик вазифасини ўтаганлигини аниqlаш, исботлаш имконини беради.

Хожа Абдухолиқ Фиждувоний амалиётига зикри хуфияни олиб кирди ва хожагонлик тариқатининг саккиз раҳҳа-қонун-қоидасини шакллантириб берди. Кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд ушбу тариқатга ўзининг уч раҳҳасини кўшди ва тариқатни тўлдириб уни мукаммаллаштириди. Шундан сўнг нақшбандия ва нақшбандийлар номи машҳур бўлди. Бунинг натижасида Хожагон-нақшбандия тариқати вужудга келди ва кейинчалик бу тариқат нақшбандия тариқати деб атала бошлади.

2.2.БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲАЁТИ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Баҳоуддин Нақшбанд ислом оламида Баҳоуддин Балогардон, Ҳазрат

Баҳоуддин, Шоҳи Нақшбанд, Хожа Баҳоуддин, Имоми Раббоний, Ҳожай Бузруг ва Ҳожа ул Ҳақ ва дин каби шарафли номлар билан машҳур бўлганлар.

Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг исми-шарифи турлича номлар билан зикр этилади. Асослиси «Баҳоуддин Мухаммад ибн Бурҳониддин Мухаммад ал-Бухорий»дир.

Баҳоуддин (диннинг нури, шуъласи, равшанлиги) унга кейинчалик берилган фахрий номдир.

Саййид Мухаммад Баҳоуддин Нақшбанд хижрий 718-йил мезон ойида (бу милодий 1318-йил август-сентябр ойларига тўғри келади) Бухородан 12 чақирим наридаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида косиб оиласида дунёга келади. Баҳоуддин у кишининг фахрий номлари бўлиб, маъноси диннинг нури, динга равшанлик берув-

чи демақдир. Хожанинг «Нақшбанд» кунияси эса арабча «накш», форсча «банд» сўзларининг бирикмасидан ясалган бўлиб, «нақш солувчи, нақш боғловччи» деган маъноларни билдиради. Баҳоуддин Нақшбанд Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг «Анис ут-Толибин»¹ номли қўллэзмаси, шунингдек, Муҳаммад Бокирнинг «Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд» асарига кўра, ҳам «Силсилаи заҳаб», ҳам «Силсилаи насад» 17 ёки 18 авлод орқали Муҳаммад пайғамбаримизга боғланади.

Илоҳий истеъдод соҳиби бўлган бу зот аввал Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, сўнгра Саййид Амир Кулол қўлида тарбияланиб, тариқат одоби, тасаввуф таълимотини эгалладилар. Аммо ул зотнинг ўз эътирофларига кўра, бутун қалблари билан Хожаи Бўзург – Хожа Абдухолик Фиждувоний руҳониятига боғланганлар. Яъни Бобо Самосий ҳазрат Баҳоуддинни “қабул назари” билан кашф этган бўлса, Амир Кулол тариқат одобини ўргатган. Аммо руҳоният жиҳатдан ҳазрат Баҳоуддиннинг пири муршиidlари Абдухолик Фиждувонийдир. Чунки Баҳоуддин Нақшбанд ўзларини хожагон тариқатининг давомчиси деб ҳисоблаб, ушбу тариқат ғояларини ривожлантиришни ўз олдига вазифа килиб қўяди.[13] У зот 1389 йилда вафот этган.

Баҳоуддиннинг Қусам Шайх хизматида 3 ой, Халил Ота хизматида 12 йил, Ориф Дегароний хизматида 7 йил бўлганлиги манбаларда қайд этилган.

Баҳоуддин Накшбанд жуда камтарин инсон бўлганлар ва ҳаётлари давомида мискин, ожиз инсонларга ёрдам берганлар ва бу ёрдамни хифёна амалга оширганлар.

«Мақомот»да зикр қилинишича, «Нақшбандия тариқати пирларининг айримлари увайсийдир. Жумладан, Боязид Бастомий, Абулҳасан Ҳараконий, Ҳазрат Баҳоуддин Накшбанд увайсий ҳисобланадилар. Увайсий сўзининг мазмуни нима? Алишер Навоий ушбу саволга қўйидагича жавоб берганлар: «...ҳар кишики, бу тоифадин зоҳир юзидин пири маълум бўлмаса ва машойихдин бирининг руҳи они тарбият қилган бўлса, они увайсий дерлар». Демак, ўтмиш улуғлардан бирининг руҳи қайси кишини тарбия қилса, ундей шахс увайсий бўлар экан. Баҳоуддин Накшбандга Хожа Абдухолик Фиждувоний руҳлари тариқат сабогини ўргатади. Ваҳоланки, Абдухолик Фиждувоний вафотларидан 139 йил ўтгандан кейин

Баҳоуддин туғилади. [7]

“Кўп йиллик меҳнат, тақво, ҳаракат ва курбат натижаси ўлароқ, Аллоҳ таоло хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига тўрт буюк қутблардан бири бўлиш шарафини насиб қилди. Мазкур қутблар куйидаги зотлардир:

Шайх Абдулқодир Жийлоний қуддиса сирруҳу;

Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳу;

Сайид Аҳмад Рифоъий қуддиса сирруҳу;

Сайид Аҳмад Бадавий қуддиса сирруҳу;

Ҳозирги кунда ҳам дунё бўйлаб энг кўп тарқалган тариқатлар худди шу тўрт зотнинг номларини олган тариқатлардир.”[6]

Баҳоуддин Нақшбанддан: “ Нега сизга хизмат қилувчи қул, ходим йўқ? – деб сўраганларида, у киши – “Хожалик бандалик билан мос келмайди” деганлар.[7]

Баҳоуддин Нақшбанд маърифатни кенг маънода тушунади. У руҳий камолотнинг асосий мақсадини маърифатли бўлишдир, деб билади. Маърифатни-ижмолий (қисқа) ва тафсилий (тўлиқ) деб иккига ажратади ..

Баҳоуддин ижмолий маърифат боскичидан далилу ҳужжат воситаси билан, яъни ақл-у тафаккур ила амал қилиш мумкинлигини айтади. Тафсилий маърифат мартабаси эса кашф ва аёнлик ила, яъни Аллоҳ инояти орқали ҳосил бўлади дейди.[14]

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ

Нақшбандия тариқати юқорида таъкидланганидек тариқатларнинг энг мақбули бўлиб, кўп жиҳатдан энг мукаммали ҳамдир. Комилликка эришиш инсон зотининг энг улуғвор интилишларидан бири бўлиб албатта инсондан жуда катта меҳнатни, билимни, илоҳий Аллоҳга бўлган муҳаббатни ва фидокорликни талаб қиласи. Ушбу ҳислатларга эга инсон ҳеч қачон бирорни дилини оғритмайди, бирорга ёмонликни раво кўрмайди.[6]

Нақшбандия тариқатининг бошка тариқатлардан асосий фарки унда таркидунёчилик, зикру-самоъя қораланиб, инсон жамиятга керакли шахс бўлмоғи лозимлиги таъкидланган. Улар ўртаҳол яшаш тарафдори бўлиб, хунармандчилик, савдогарчилик, дехқончилик,

адабиёт, мусика, файласуфлик, меъморлик, хаттотлик, мусавирилик билан шуғуланиб, ҳалол яшашни тарғиб қилдилар.

15-а.даёқ Накшбандия Эрон, Афғонистон, Миср, Ҳижоз, Шим. Кавказ, Туркияга тарқала бошлади. Айниқса, «ҳазрати Эшон» унвонига мушарраф бўлган Ҳожа Ахрор валий — Носириддин Убайдуллоҳ фаолияти туфайли тариқатнинг обрў-эътибори яна ҳам ошди. Баҳоуддин Накшбанд замонида мансабдор шахслар, шоҳу амирлардан узоқ туриш лозим дейилган бўлса, Ҳожа Ахрор валий даврида Накшбандия сиёсий доираларга кириб борди. Накшбандия 16-а. да Ҳиндистонга тарқалди. Бунда Бобо валий, Ҳожа Ҷоқибиљоҳ (1563—1603), Аҳмад Сирҳиндий (1564—1624) фаолияти яхши самара берган. Айниқса, Аҳмад Сирҳиндий у ерда суннийлик йўналишини мустаҳкамлаш учун Накшбандиядан унумли фойдаланган. Тариқатни Туркияда ёйилишида Мулла Абдуллоҳ Симавий (1490 й.в.э.), Аҳмад Бухорий ва б. шахсларнинг хизмати бор. Накшбандия 16—17-а.ларда Эроннинг Нишопур, Исфаҳон, Язд шаҳарларига тарқалиб, шулар орқали Фаластин, Ирок, Иорданияда кўплаб тарафдорларга эга бўлган. Ҳиндистон орқали у Индонезия, Малайзия, Цейлонга тарқалди. Кейинги асрларда Россия, Босния ва б. Европа мамлакатларига ёйилган. Ҳозирда АҚШ, Канада, Австрияда Накшбандия марказлари, хонақолари, жамғармалари бор.

Накшбандия тариқатининг умуминсоний ғоялар, маънавий камолот, ботиний покликни тарғиб этиши унинг дунёда кенг тарқалишига олиб келди. Унинг муҳлислари бир неча миллион кишини ташкил этади.»[15]

XV асрнинг кўй олим-фозиллари, давлат арбоблари, санъаткорлари Накшбандия таълимотидан кенг фойдаландилар, унга ўта ижобий муносабатда бўлдилар. Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) даврида, ундан кейинги XVI - XVII асрларда бу жараён анча тезлашади. Накшбандия тариқати XVI асрда Ҳожа Муҳаммад ал-Боқий Кобулий (вафоти 1605) Ҳиндистонга боргандан сўнг Ҳинд тупроғида ҳам авж олади. Бу машҳур мутасаввуф олим Афғон ва Ҳинд юртларида Ҳожа Боқибиљо номи билан машхурдир. Унинг шогирди Ҳожа Аҳмад Форуқ Сирҳиндий (1563-1624) эса Накшбандия таълимотининг XVII асрда Ҳиндистонда ёйилишида катта роль ўйнаган. Шундай қилиб, бизнинг табаррук юртдошимиз Ҳазрати Баҳоуд-

дин Нақшбанд томонидан асосланган Нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта ўрин эгаллади. Бу таълимот бошқалар меҳнати билан кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм-истибдодни қатъяян коралайди. Бу таълимот тарафдорлари аскетизмга (таркидунёчиликка) қарши, бой-зода-гонларнинг зулм ва истибдодига қарши бўлганлар, фақат ўз кўл кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга чакиргандар. Нақшбандийлар савдо-сотик, дехқончилик, ҳунарманчилик, бадиий адабиёт, мусика, илм-маърифат, ҳаттотлик, наққошлиқ, миниатюрасозлик, қурувчилик каби барча фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этганлар. Шунинг учун ҳам ўз давридаги илм-маърифатнинг, адабиётнинг йирик намояндларни бўлмиш Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Хушҳолхон Хатак, Аҳмад Шоҳ Дурроний, Маҳдумқули Фироғий сингари юзлаб улкан тараққийпарвар, инсонпарвар шоирлар ва мутафаккирлар Нақшбандия йўлини танлаганлар, ҳаётни ва инсонни авжи баланд пардаларда куйлаб, тинмай баракали ижод қилганлар. Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандни Марказий Осиё халқлари жуда юксак қадрлайдилар. Ҳалқимиз ул Ҳазратга баланд эътиқод қўйиб, «Баҳоуддин — балогардон!» деба беҳад эъзозлайди. “[15]

НАҚШБАНДИЯ ОЛТИН СИЛСИЛАСИ

Нақшбандия манбаларда “ силсилат аз-заҳаб”, яъни “олтин силсила” тарзида тилга олинади.

Бу қуидаги тарзда шаклланган:

Сарвари олам Муҳаммад (соллаллоҳу аліхی васаллам) (570–632).

Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анху) (573–634).

Ҳазрат Салмон Форсий (розияллоҳу анху) (578–657).

Ҳазрат Қосим ибн Муҳаммад (раҳматуллоҳи алайх) (ваф. 605 й.).

Ҳазрат Имом Жаъфари Содик (раҳматуллоҳи алайх) (702–765).

Султон ал-орифин Боязид Бистомий (куддиса сирруҳу) (ваф. 875 й.).

Шайх Абул Ҳасан Ҳараконий (куддиса сирруҳу) (963–1033).

Шайх Абу Али Формадий (куддиса сирруҳу) (962–1055).

Ҳазрат Ҳожа Юсуф Ҳамадоний (куддиса сирруҳу) (1049–1141).

Ҳазрат Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний – Хожай жаҳон (1103–1179).

Ҳазрат Хожа Ориф Ревгарий – Моҳитобон (қуддиса сирруху) (ваф. 1317 й.).

Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий (қуддиса сирруху) (ваф. 1317 й.).

Ҳазрат Хожа Али Рометаний (қуддиса сирруху) (ваф. 1326 й.).

Ҳазрат Хожа Муҳаммад Бобоий Самосий (қуддиса сирруху) (ваф. 1354 й.).

Ҳазрат Хожа Саййид Амир Кулол (қуддиса сирруху) (ваф. 1370 й.).

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий (қуддиса сирруху) (1318–1389

2.3. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Нақшбандия тариқати Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлигигидаёқ кенг шуҳрат қозонди. Уни назарий жиҳатдан ишлаб чиқишида Муҳаммад Порсо, Алоуддин Аттор хизматлари катта бўлди. Бу тариқатга фақатгина оддий халқ эмас, балки

Бухоро ва Самарқанд уламолари, Амир Темур авлодидан бўлган шоҳ ва шаҳзодалар кира бошладилар.[15]

Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафоҳот ул-унс» номли асарида кўрсатишича, Муҳаммад Порсонинг тўлиқ исми Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Хофиз ал-Бухорийдир. «Порсо» унинг лақаби бўлиб, бу лақабни унга Баҳоуддин Нақшбанд берган. «Рашаҳот» муаллифи бунинг тафсилотини қуидагича баён қиласди: «Муҳаммад Порсо кўчада мунтазир ҳолда турардилар. Ногоҳ ичкаридан Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)нинг канизаклари чиқиб қолди. Ҳазрати Хожа канизакдан: «Кўчада турган ким?» — деб сўрадилар. «Бир порсо (диндор) йигит турибди», деди канизак. Ҳазрати Хожа ташқарига чиқиб, Хожа Муҳаммадни кўрдилар ва унга: «Сиз порсо экансиз», дедилар. Шу кундан бошлаб эл орасида у «Порсо» лақаби билан машҳур бўлиб кетди. Хожа Муҳаммад Порсонинг Баҳоуддин Нақшбанд билан бўлган ўзаро муносабат-

лари шу даврда яшаган Мұхаммад Бокирнинг «Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд» номли асарыда мұкаммал баён қилинган. Ҳожа Мұхаммад Порсо «Тұхфат уз-зоириң» китобида күрсатилишича, Баҳоуддин Нақшбанднинг иккінчи халифаси эди. Баҳоуддин Нақшбанд ўзининг бу шогирдига катта умид билан қараган ва унинг тарбиясини ўз назоратига олған.[16]

Ҳожа Мұхаммад Порсо том маңнода нақшбандия тариқатининг назариётчиси хисобланади. Бунга сабаб Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи халифаси ва күёви бўлмиш Алоуддин Аттор билан биргалиқда доимо пирларининг ёнида бўлиб оғзидан чикқан сўзларини ёзиб юргани ва пирлари вафотидан сўнг ушбу калималарни Алоуддин Атторнинг илтимоси или қоғозга туширганликларидир.

Демак бундан шуни тушунишимиз мумкинки, Ҳожа Мұхаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдлари орасида энг иқтидорлиги ва илмлиги саналгани боис бу иш уларга юклатилган. “Рисолай құдсия” асарининг муқаддимасида Ҳожа Мұхаммад Порсо бу асарни Баҳоуддин Нақшбанднинг кейинги ва энг обрўли кишиси, силсила давомчиси Алоуддин Атторнинг күрсатмасига биноан ёзғанлигини маълум қиласи. Унда нақшбандия тариқати, унинг сулук ва одбларининг асослари ҳақида маълумот берилади.

“Рисолай құдсия” Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуф назариясининг энг машҳур фано ва бақо, талвин ва тамкин, зикр ва сифот, вилоят каби истилоҳларининг мазмунини очиб беради.

Нақшбандия тариқати асослари Баҳоуддин Нақшбанднинг издошлари томонидан қўп ёритилган. Улар орасида Алишер Навоийнинг (1441-1501) ёндашуви мухим ўрин тутади. Навоий ўзининг шеърияти ва насрый асарларида нақшбандия тариқати асосларини шарҳлаб ўтган. Бу борада айниқса унинг “Насойим-ул-мухаббат” илмий асарида берилган талқин ўзига хослиги билан ажralиб туради[17].

Навоийнинг фикрича, нақшбандия тариқатининг назарий ва амалий асосларида икки мутафаккир –Ҳожа Абдуҳолик Фиждувоний (XII аср) ва Баҳоуддин Нақшбанднинг (XIV аср) ёндашувлари мухим ўрин тутади [17].Шу жиҳатдан дастлаб Фиждувоний ёндашувлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Навоийнинг таърифига кўра “Фиждувонийнинг равиши та-

рикатда хужжатдир” [17]. Бу фикрнинг маъноси шуки, ўзларини “Хожагон “унвони билан атаган нақшбандия тариқати вакилла-ри Фиждувонийнинг “равиши”ни, яъни дунёкараши, ёндашуви, ва амалий одатларини бу тариқат учун хужжат сифатида қабул қи-ладилар. Улар нималардан иборат? Навоий буларни қўйидагича тушунтиради:

- сидку сафо;
- Пайғамбар алайҳиссалом шариатига тобелик;
- бидъату кибрдан воз кечиш;
- сирларни ошкор қилмаслик[17];

Демак, бу талаблар нақшбандия тариқатининг негизини ташкил этади ва улар педагогик хусусиятга эгалиги билан эътиборни тортади. Унга кўра, бу тариқатга кирган киши садоқат, поклик ва ислом асосларини ўзлаштириш ҳамда бидъат (ёмонлик), кибр ва сирни ошкор қилиш иллатларидан воз кечиши керак. Шу сабабли Фиждувонийнинг “рўзгори (ҳаёт йўли) барча халқ қошида мақбул ва маҳмуд (мақтовга сазовор)” [17].

Энди *Нақшбанд* ёндашувларига дикқатимизни тортамиз. Навоий дейди: Накшбанд ”увайсийдирлар, яъни тарбияни Ҳазрати Хожа Абдухолик Фиждувоний руҳидан топибдурлар” [17]. Тасаввуф назариясига кўра, бирор вафот этган мутафаккирнинг руҳи туш орқали ўзга кишини тарбия қилса, тарбия олган шахс “увасий” (руҳий тарбия олган) унвонини олади. Шу жиҳатдан Навоийнинг хабар беришича, Фиждувоний Ҳазратлари Нақшбанднинг тушига кириб, қўйидагиларга амал қилишни буюрган:

- амру наҳий (яхшиликка интилиш);
- амалиётчи бўлиш;
- Пайғамбар алайҳиссалом суннатларига (одатларига) ва ҳадисларига (сўзларига) риоя қилиш;
- улуғлар йўлларини ўрганиб бориш [17];

Дикқат қилинса, Фиждувоний Ҳазратлари Нақшбандни назария ва амалиёт уйғунлигига даъват қилган. Айнан Нақшбанд тариқатининг *амалий* жиҳатларига қатъий эътибор берган. Шу сабабли Навоийнинг хабар беришича, Нақшбанд *икки принципни* алоҳида уқтирган:

- а) анжуманда хилват (жамиятдан ўзилмаслик);
- б) зоҳиран (ташқаридан) халқ билан ва ботинан (қалбан) Ҳак

билан бўлиш [17].

Биринчи принцип маъносига кўра, нақшбандия тариқати вакиллари ҳамма қатори дунёвий ҳаёт кечириши мумкин;

Иккинчи принципга кўра, дунёвий ҳаёт кечириш халқ билан бирга бўлиш, лекин қалбida Ҳакни унутмасликка асосланади;

Бу икки принцип нақшбандия тариқатининг жахоний тариқатга айланишини таъминлади. Мисол учун, XIV-XV асрларнинг машхур кишиларидан Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Мухаммадризо Оғаҳий кабиларнинг нақшбандия тариқатини танлаганликлари ана шу принциплар билан белгиланади.

Шундай қилиб Алишер Навоий нақшбандия тариқатини ўзига хос тарзда таҳлил қиласди. Бунда икки масалага эътибор бериш керак:

- 1) Фиждувоний амалиёт учун гоя ишлаб чиқувчи;
- 2) Нақшбанд ғояни амалиётга татбиқ этувчи;

Педагогик нуқтаи назардан бу масалалар муҳим бўлиб, технологик таълим йўналиши талabalariга соғлом диний маърифат беришда нақшбандия тариқати асослари билан тушунтиришда муҳим ўрин тутади.

Ушбу тадқиқотларимизни анализ қилиш орқали шундай хуло-сага келиш мумкинки, тасаввуф илми, жумладан, Нақшбандия илмий меросини чукур ўрганиш ва унинг қоидаларини ҳозирги кунга ва жумладан олий таълим муассасалари талabalарининг касбий компетентлигини оширишга қаратмоғимиз лозимдир.

“Комилликнинг олий белгиси Ҳақ йўлидан бориб халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга наъф келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, Ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комилдир.”[18]

ІІІ БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ҮРГАНИШ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

3.1 ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТАРИҚАТ НАМОЁНДАЛАРИ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Онгли инсон пайдо бўлибдики, фикр, фоя, қараш, мафкура, илм, фан, техника ва технология тадрижий (эвалюцион) тарзда ривожланиб келмоқда ва такомиллашиб бораверади.

Юртимизда яшаб ўз маърифатлари билан халқимиз онгини равшан этган буюк пирларимиздан бири Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф Ҳазратлари илм маърифат ва ислом динини қушнинг икки қанотига ўхшатганлар. Иймони бўлса-ю илми ёки бунинг акси илми бўлса-ю иймони бўлмаса бир қаноти йўқ қушга ўхшайди. Зоро қуш бир қаноти билан уча олмайди. Шу сабабли ҳам биз талабаларимизга билим бериш, хунар үргатиш билан бирга уларни маънавиятини оширишимиз, иймон эътиқод, дин-у диёнатни тасаввуф илмини үргатиш орқали сингдиришимиз лозимdir.

Нима учун Накшбандия тариқати? Баҳоуддин Накшбанд бутун умри давомида илм үрганиш, жаҳлдан ўзоқ туришни насиҳат қилганлар. У киши Пайғамбарнинг “Қаерда бўлманг, илм талабидан ўзоклашманг ва агар обу оташ ичра гарқ бўлсангиз ҳам, ғаввос бўлиб кечиб ўтинглар ва илм үрганинглар”-деган ҳадисини доимо уқтирганлар. Накшбанднинг барча муридлари (шогирдлари) бирор бир касб эгаси бўлганлар. Уларга кўйилган асосий шарт бирор бир касб ортидан ҳалол луқма ейиш бўлган. Камтаринлик улуғланиб, ман-манлик, керилиш нуксон ҳисобланган. Шу жиҳатлари учун ҳам Накшбандия тариқати ўз вақтида катта обрўга эга бўлган. Барча ўғитлар энг аввало инсонда яхши фазилатларни тарбиялаш, маънавий комилликка эришиш, аҳлоқ ва исломий иймон мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилгандир. Зоро, иймони мустаҳкам инсонгина комил инсон даражасига этиши мумкин.

Нақшбандия тариқатида инсон барча ишда комилликка эришмоғи фарз саналади. Бу Аллоҳга бўлган кучли муҳаббат бўладими, ўз касбига муҳаббат- ми барча ишда комилликка эришмоқ тариқатнинг асоси хисобланади. Бўлажак педагогларга билим берар эканмиз биз энг аввало уларнинг мутахассислигига оид билимларни берамиз. Лекин бунда биз комилликка эришишга кучли мотиватор бўлган тасаввуф ҳақидаги билимлардан деярли фойдаланмаймиз.

Ҳар қандай фаолият жараёни шу ишни бажараётган инсондан компетентликни талаб қиласди, шу сабабли талаба ўз иш фаолияти олиб борганда ишни мукаммал бажаришга, ўз устида тинмай ишлашга, билимларини ривожлантиришга ҳаракат қилмоғи лозим. Педагогнинг касбий компетентлигини оширишга жуда кўп факторлар таъсири кўрсатади. Ушбу фаолият педагогнинг бевосита ўкувчи билан бўлган муносабати, билим бериш, тарбия бериш, ўзаро тил топишиш, ўзининг билим ва кўникмаларини ўкувчига етказа олиш хусусиятларидан ташкил топади.

Тарбия бериш учун педагогнинг ўзи маънавий баркамол бўлиши лозимдир. Бу борада бўлгуси педагогларга нақшбандия тариқати илмий меросини ўрганиш жуда катта ёрдам беради. Бунга ушбу таълимотнинг асрлар давомида бизгача етиб келган тарбия, маънавий етуклика эришиш, комил инсон даражасига етиш кабиояларини асос қила оламиз.

Бу ғояларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- халол луқма ва қўл меҳнати эвазига яшаш;
- кўнгил дарвешлигининг дунёвий ҳаёт кечиришга тўсиқ бўлмаслиги;
- барчага бағрикенг бўлиш;
- халол кун кўришнинг жоизлиги;

Нақшбандия тариқати жамиятдаги барча табақаларнинг манфатига бирдай мослиги учун XV асрдан эътиборан Мовароуннаҳр ва Хурсондан Қоҳира ва Босниягача, Гансу ва Суматра, Шимолий Кавказдан, Ҳиндистон жанубигача, ҳатто Арабистоннинг Хижоз шахригача етиб борди. Нақшбандия таълимоти Муҳаммад Порсо, Маҳдуми Аъзам, Саъдиддин Қошғарий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Ҳожа Муҳаммад ал-Боқий Қобулий, Ҳожа Аҳмад Фарруҳ Сирҳиндий, имом Раббоний асарларида, қарашларida ҳар томонлама ривожлантирилди.

Бу борада айниқса, Хожа Ахрор Валийнинг(XV аср) ғоявий ахлоқий таъсири юкори бўлди. У ўз асарларида тасаввуфий тарбия методологиясини ва ахлоқий фаолиятида эса ҳалол мулк жоиз эканлигини асослаб берди.

ХОЖА АХРОР ВАЛИЙ

Кўхна тарихимизда шундай шахслар ўтганки, улар ўзларининг сермазмун ҳаёти, ибратли фаолияти, маънавий-маърифий ўгитлари билан эл-юрт манфаатлари йўлида куч-гайратини, керак бўлса, ҳатто, мол-мулкини ҳам аямаган. Ана шундай зоти шарифлардан бири Хожа Ахрор валий (1404-1490) ҳазратлари ҳисобланади.

XV асрга келиб накшбандийлик тарикати ва таълимоти Хожа Ахрор валий фаолиятида ўзининг энг олий нуқтасига кўтарилиганигидан огоҳ бўламиз. «Ҳалқ ғамида ёниб-куймаган юрак оддий мол қалбидан қандай фарқ қилиши мумкин? Ундаи қалбни кесиб олиб итларга ташламок даркор» дея ўта жиддий ҳалқона фикр айтган Хожа Ахрор маънавий ривожланишга катта таъсир кўрсатди.

Хожа Убайдуллоҳ Ахрор валий – накшбандия тарикатининг кўзга кўринган муршиди бўлиш билан бирга ўз замонасадаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий ҳаётида катта из қолдирган арбоблардандир. Ўз даврида унинг шуҳрати фақат Мовароуннаҳрдагина эмас, балки Хоразм, Ҷашти Қипчоқ, Хурросон ва Ҳиндистонгача бўлган кенг жуғрофий минтақада тараалган эди. Алишер Навоийнинг таъбири билан айтганда эса, Шарқий Туркистон (Хитой)дан то Туркиягача бўлган кўп давлатларнинг ҳалқи ва подшоҳлари Ҳазрати Ҳожанинг «маҳқуми ҳукми»да эдилар. [22]

Темурий ҳукмдорлар султон Абу Саъид мирзо ва унинг ўғли султон Аҳмад мирзолар қошида Хожа Ахрорнинг обрў-эътибори шунчалик баланд эдики, улар ўз муршидларининг маслаҳатларидан баҳраманд бўлмай туриб, бирор бир масалани ҳал қилишга шошилмас эди. Шу билан бирга, машҳур мутафаккирлар Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар у зотга нисбатан жуда катта ихлос-у ҳурматда эдилар.

Хожа Носируддин Убайдуллоҳ Ахрор валий 806 ҳижрий йилининг рамазон ойида (1404 йил, мартда) Шош (Тошкент) вилояти

Бўстонлик ноҳиясининг Боғистон мавзеида, машҳур Шайх Хованди Тохур хонадонидан бўлган Хожа Маҳмуд оиласида дунёга келган. [23]

Болалигидан шайхлар хонадонига монанд тарбия кўрган ёш Хожа Убайдуллоҳ 1427-йилда Самарқандга келиб, Мавлоно Қутбиддин Садрнинг кигиз бозорда жойлашган мадрасасида таҳсил кўра бошлайди. Аммо мадраса ўқиши ниҳоясига етмайди. Хожа Убайдуллоҳ қўл олиб иршод ҳуқуқини

берувчи пир ахтариб 1428-йилда Ҳирот шаҳрига бориб, тўртйил машҳур мутасаввуф Сайид қосими Анвор Табризийнинг даргоҳида қўним топади.

Ҳиротдаги фаолияти ҳам уни қониқтирумай, Чагониён мавзеида яшовчи

Мавлоно Якуби Чархий (яъни, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди) билан танишади ва унга қўл бериб, халифа-шогирд тушиди. Она юрти Шошга (Тошкентга) 1432-йилда қайтган Хожа Убайдуллоҳ халқ орасида нуфузи ошиб, тоат-ибодат ва дехқончилик билан машғул бўлади. Халқ орасида анча танилгандан сўнг 1450-йилда Самарқандга келиб, ҳукмдор Абдулло мирзонинг (Улуғбекнинг куёви ва жияни) қабулига кирмокчи бўлади. Хожа унга шариатни мустаҳкамлаш йўлида ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатмоқчи эди. Лекин Абдулло мирзо Хожа душманларининг маслаҳатига кириб, уни қабул килмайди. [24]

Хожа Убайдуллоҳ чорасиз Тошкентга қайтиб кетади. Орадан бир ой ўтгач, Абу Саъид мирзо (Мироншоҳнинг набираси) Туркистондан келиб, Хожа Убайдуллоҳ билан Тошкент ва Паркентда учрашишади. Абу Саъид мирзо Хожанинг маслаҳати ва дуоси ёрдамида Самарқандни босиб олади. Сўнгра Хожа Убайдуллоҳни ҳам расмий равишда Самарқандга таклиф этади. [25]

Ўша вақтда Самарқанд шайх ул-исломи бўлиб турган Хожа Мавлоно ибн Исомиддин бошчилигидаги руҳонийлар Хожа Убайдуллоҳни саройга келганлигидан норози бўлишиб, уни камситишга ҳаракат қиласидилар. Лекин Хожа Убайдуллоҳ ўзининг тариқкӣ зукколиги билан улардан устун эканлигини намойиш этади. Шундан сўнг Хожа Аҳрор валий номини олиб, нафақат Мовароуннаҳрда, балки бошқа юртларда ҳам машҳур бўлади. Шундай қилиб, Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий халқ уни «покиза ва до-

нишманд хожамиз» деб эъзозлай бошлаганидан шундай ном билан машхур бўлган.

Самарқандда диний фаолиятидан ташқари мамлакатнинг сиёсий ва ҳарбий ишларига ҳам халқ манфаати йўлида ижобий таъсирларини кўрсатиб келган.

Нақшбандия тариқатининг буюк муршиidlаридан бири бўлган Ҳожа Ахрор валийнинг нутқи, амру маъруфлари ва ўз ўрнида айтилган рубоиётлари одамларни ром қиласар, шаръий илми фикр соҳасидаги хукмлари хукуқшуносларни лол қолдиравар, Қуръон тафсири ва ҳадисларга доир ривоятларга бой илми ўша давр олим ва тарихчиларини шу даражада таажҷублантирав эдики, мадрасани ҳатто ҳатм қилмаган бу зотнинг шунчалик олимлигини қўрганлар: “Худонинг унга берган иноят-у қарами”, деб билгандар[26].

Ҳазрати Ҳожа Ахрор шахсиятига катта хурмат ва эҳтиромда бўлишган замон муаллифлари унинг таъриф-у тавсифларини катта кўтаринкиликлар билан ёзишганлар. Жумладан, буюк мутасаввувф олим ва шоир Мавлоно

Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафаҳотул-унс» асарида [28], улуғ мутафаккир

Алишер Навоий «Мажолис-ун-нафоис» асарида[29], Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айнил ҳаёт» асарида, Ҳофиз Танишнинг «Абдуллонома» асарида[30], Яссавия тариқатининг муршиди Олим Шайх Азизон ўзининг

«Ламаҳот мин нафаҳот-ул-кудс» асарида[31], темурий буюк шоир ва саркарда

Бобур мирзонинг набираси шаҳзода Доро Шукуҳ ўзининг «Сафинат-ул-авлиё» асарида[32], Носириддин Бухорийнинг «Тухфатуз-зоъирин» асарида [33] ва бошқа муаллифлар асарларида Ҳазрати Ҳожанинг сифатлари ҳақида жуда кенг, ҳар томонлама сермазмун ҳамда илмий аҳамиятга молик сўзларни айтиб ўтишган.

Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор валий кўплаб халифа-ю шогирдларни тарбиялаб, иршодлар бериб халқни тариқкий ҳидоятга бошлашга йўллаган.

Ҳазрати Ҳожа Ахрор валийнинг ўзлари жуда хушсурат ва хулқ-у атвортлари ҳам жуда гўзал бўлган. Тарихчи Абу Тоҳирхожа ибн Абу Саъид Самарқандийнинг “Самария” китобида ёзилишича: “Ҳожа

Ахрорнинг ўзига жалб қилувчи оҳанграбоси шу даражада кучли эдики, унинг шириңсухан сұхбатлари умрбод эсда қоларди” [34].

Ҳазрати Хожа Ахрорнинг Самарқанддаги асосий қароргохи Хожа Кафший деб аталаған мавзенинг шарқий қисмидә бўлиб, бу ерда оиласи билан турадиган ҳовли, хонақоҳ, масжиди бор эди. Шунинг билан бирга Ургутнинг Камонгарон, Оқдарёнинг Лойиш ва Самарқанд туманининг Мотурид қишлоқларида дала ҳовлилари ҳам бўлган.

Хожа Ахрор валий Амир Темур тузган улкан салтанат парчаланаётган, темурий шаҳзодалар ўртасида тож-у тахт учун кураш авж олган таҳликали ва ўта мураккаб даврда яшади. Шиддатли курашлар, хунрезликлар оқибатида эл-улус осойишталиги бузилди. Натижада кўплаб шаҳар ва қишлоқлар ҳаробага айланди, экин майдонлари пайхон бўлди. Мана шундай шароитда

Хожа Ахрор эл-улус ва фуқаролар манфаатини кўзлаб, сиёсий воқеаларда иштирок этишга мажбур бўлди.

Гарчанд Нақшбандия тариқатига мансуб бўлган соликлар сиёсатдан узоқ туришни афзал кўрган бўлсалар-да, Хожа Ахрор бу анъянани бузди. Сиёсий воқеаларга муносабат билдиришга ўзини бурчли ҳисоблади.

Хожа Ахрорнинг султон ва подшоҳлар билан мулокотда бўлиши шунчаки юксак мартаба, шахсий манфаат ва шухрат кетидан қувиш учун эмас, балки оддий фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш, золимларнинг зўравонлиги ва бебошлигини жиловлаш учун зарур эди. Хожа Ахрорнинг фикрича, «мазлум ва муҳтожларга ёрдам бериш, мусулмонларни жабр-зулмдан ҳимоя қилиш учун подшоҳларга йўл топмоқ даркор»[35]. Хожа Ахрор тасаввудаги масалаларни янгича руҳда талқин қилган. У шундай деган эди: «Бизга қадар шайхлар авом ҳалқ ишлари бўйича амирлар ва подшоҳларга илтимос билан мурожаат қилмаганлар. Биз ўз вақтимизни шунга сарфламоқдамиз» [36].

Хожа Ахрор сиёсий фаолиятининг бошланиши ва такомили бир неча йилларни ўз ичига олади. Хожа Ахрорнинг дастлабки ижтимоий-сиёсий фаолиятининг бошланиши 1454 йилга тўғри келади. Ўша иили Абулқосим

Бобур қўшинлари Самарқандга бостириб келганида, шаҳар мудофаасини ташкил қилиш ва душманнинг режаларини барбод

қилишда Хожа Ахрор ўзининг зукко сиёсатдонлигини кўрсатган. Унинг сиёсий донишмандлиги

1470 -йилда Султон Маҳмуд қўшинининг Самарқандга уюштирган ҳужумининг мағлубият билан тугашида тўла намоён бўлди.

Хожа Ахрор бир умр сиёсий ихтилофлар, можаролар гирдобида бўлди.

Эл-улусга меҳр-у муҳаббати туфайли сиёсий воқеалардан ўзини четга олмади, ўз ҳаётини хавф-хатарга қўйиб жанггоҳларда юришга мажбур бўлди. 1485-йилда Хожа Ахрор Аҳмад мирзо, Умаршайх мирзо ва Султон Маҳмудхон ўртасидаги адоватни бартараф этиб, уларнинг тотувликка эришишини таъминлади. Хожа Ахрор Алишер Навоийга йўллаган мактубида вазирдан

Хуросондаги темурийзода шаҳзодалар ўртасидаги адоватларни бартараф этишда саъй-харакатларини аямаслигини сўраган [37].

Хожа Ахрор кескин ва таҳликали ҳолатларда сиёсий донишмандлик салоҳиятига эга бўлган зот эди. Унинг сиёсий фаолиятининг қамрови ниҳоятда кенг бўлган. Хожа Ахрор подшоҳларнинг сиёсат юргизишида, хусусан, солик ва тўловлар масаласида инсоф ва адолат мезон бўлишига тарафдор эди. Хожа Ахрор валийнинг маънавий меросини табаррук кўлёзма манбалар асосида мукаммал ўрганиш натижасида унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига тўла ойдинлик киритилади.

Хожа Ахрор валий XV асрнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида катта из колдирган, нақшбандийлик тариқатининг йирик намояндаси ва назариётчisi бўлган азиз сиймолардан биридир. Ўша даврнинг олим-у уламолари, адиблари Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий, Саъдиддин Кошғарий, Сайд Қосим Анвор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар Хожа Ахрорни «Каъбаи максуд» (муродлар каъбаси), «Муршиди оғоф» (ёруғлик йўлини кўрсатувчи пир, устоз) деб эътироф этганлар, унга бағишлиб, шеърлар, достонлар, рисола ва бошқа асарлар ёзганлар.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳабbat” асарида Хожа Ахрор валийни ҳали тириклик чоғларидаёқ зикр этиб, «Хожа Убайдуллоҳнинг сўзлари шунчалик чукур ва шунчалик буюқдирки, уларни тушуниш учун менинг фаҳмим ва идроким ожизлик қилади»[23], - дея бу кишининг тасаввуфда буюқ эканини таъкидлаган. Алишер Навоий ўз шахсий ҳаёти ва фаолиятида Хожа Ахрор валий тарғиб

этган гўзал ахлоқий фазилатларга амал қилгани у зотнинг нақадар мўътабар инсон бўлганлигини кўрсатади.

Хожа Ахрор валий жуда қатта мол-мулк, ер майдонига эгалик қилган, ўз ихтиёридаги ерлардан дехқон-чорвадорларга фойдаланишлари учун берган, хунармад ва тижорат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилиб қелган, ўз мулкидан халққа солинган соликларни тўлаган, мадраса, хонақоҳ, масжид, шифохоналар қурдирган. Шу билан бирга ушбу ишоотларни таъмирлаш, у ерда ишловчи ва яшовчи муаллим ва толибларни моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида ерларини вакф қилдирган. Унинг ўзи бунинг сабабини қуидагича тушунтиради: «Биз ҳаёт эканмиз, биродарларимиз тирикчилик ташвишини тортмасинлар. Вақф қилинган жойлардан олинадиган даромадларни ейиш-ичиш билан қаноатланиб қолмай, балки хожагон тариқати сирларини ҳам чуқур ўрганиб, бир-бирларини баҳраманд этсалар, токи, ғайб олами асроридан файз топсалар»[9].

Хожа Ахрор валий бадиий адабиёт билан, айниқса шеърият билан яқиндан ошно бўлган. У йирик тасаввуфчи шоир Абу Сайд Абулхайрнинг бир рубоийсига шарҳ ёзиб, уни «Рисолаи Ҳаврория» деб номлаган. У кўпинча сўзлаганда, (сұхбатларидан) фикрини ифодалаш учун ўз бошидан кечиргандарини бадиий ифодалаган, Шарқ шеъриятидан мисоллар келтирган, гоҳо эса уларни ўзи тўқиган. Бундай шеърий парчалар унинг шогирдлари

Фахруддин ас-Сафийнинг «Рашаҳот», Мухаммад қозининг «Силсилат ул-орифин» асарларида кўплаб келтирилган.

Шундай қилиб, Хожа Ахрор валийнинг фаолияти мағзини инсонларга ғамхўрлик қилиш ва хизмат қилиш ташкил этади. У зот мураккаб бир замонда яшаган бўлишига қарамай, эл-юрт манфати ва раъият ташвишини ҳамма нарсадан устун қўйган. Хожа Ахрорнинг эзгуликка йўғрилган умри, дину диёнат ва дунёни баравар назарда тутиб, ободончилик, илму маърифат ривожи учун қилган ишлари, ғоялари биз учун сабоқ ва ибратdir. Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома»сида қуидагича ёзганлари ҳам шу маънода бўлса керак: «Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг муталлиқлариғаким, бурун харж ва таҳмилларда кўп факир ва мискин аларнинг ҳимояти билан зулм ва тааддидин халос бўлурлар эрди». Хожа Убайдуллоҳ ўз ихтиёридаги ер ва мулқдан келадиган

даромадларни халқ бошига солинган ортикча соликларни тўлашга, мадраса, масжид, хонақоҳ ва бошқа қурилишларга сарфларди. Хусусан, Умар Шайх Мирзо Шош (Тошкент) аҳолисидан 250 минг динор ҳажмида солик талаб қилганида, Ҳожа Убайдуллоҳ бу соликнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна қўшимча тарзда 70 минг динорни ҳам солик тўпловчиларга топширган[38]. Буларнинг барчаси меҳнаткаш аҳоли назарида Ҳожа Убайдуллоҳнинг сахий-қўли очик ва покиза шахс сифатида намоён этарди ва уни Ҳожаи Ахрор деб улуғлашарди. Ҳожа Ахрор қаламига мансуб уч рисола бизгача етиб келган. Улардан бири «Факарот ул-орифин» («Орифлар сўзларидан парчалар») номи билан машхур бўлиб, унда Ҳожа Ахрорнинг ва баъзи бошқа тасаввуф намояндадарининг тариқатга оид фикрларидан намуналар келтирилган.

Иккинчи рисола - «Волидия» («Отага бағишлов») деб аталган бўлиб, унда тариқат йўлига кирган кишининг одоб-ахлоқи, фақр ва фано тушунчалари ҳақида сўз боради. Ушбу рисолани Захириддин Мұхаммад Бобур форс тилидан ўзбек тилига шеърий таржима қилган. Учинчи рисола – «Ҳавроия» деб аталиб, машхур мутасаввуф шоир Абу Саъид Абулхайрнинг «Ҳавро»

(«Хурлар» ёки «Фаришталар») сўзи билан бошланувчи бир рунонини шарҳлашга бағишлиланган.

Алишер Навоий Ҳожа Ахрорни ўзининг маънавий устози – пири комил сифатида эҳтиром қилган. Унинг руҳий-маърифий ўйтитларидан илҳомланиб, бу зотга нисбатан ўзининг чексиз хурмати ва ҳайратини “Ҳайрат ул-аброр” достонининг қўйидаги мисраларида баён этган:

Улки бу оғоқ ишида тоқ эрур,

Тоқ некум муршиди оғоқ эрур.

Мана шундай инсоний фазилатлари туфайли Ҳожа Ахрор «яҳшилар кутби», “шайхлар шайхи”, “аҳли тариқат пешвоси” каби сифатлар билан улуғланган. Аксарият манбаларда Ҳожа Ахрор номи “Ҳазрати Эшон” тарзida эҳтиром билан тилга олинади.

Ҳазрати Ҳожа Ахрор 86 ёшда (ҳижрий ҳисобда 89 ёшда) эканидада 1490 йилда Камонгарондаги дала ҳовлисида оламдан кўз юмган. Васиятига кўра, жасади Самарканднинг Ҳожа Кафший мавзеидаги турар жойида дағн этилган. Шундан сўнг бу жой Ҳожа Ахрор номи билан ҳозиргача аталиб келинмоқда.

МАХДУМИ АЪЗАМ

МАХДУМИ АЪЗАМ (асл исми Сайид Аҳмад Ҳожаги ибн Сайид Жалолиддин Косоний Даҳбедий; 1463/64, Косон ш.— 1542) — мовароуннаҳрлик аллома, йирик диний арбоб, нақшбандийлик раҳнамоси. Илк таълимни Косон ш.да олган. Мадрасани битиргач, Шайх Мир Сайид Алига шогирд тушади, сўнг Тошкентга келиб, Ҳожа Ахрорнинг шогирди Муҳаммад Қози (1516 й.в.э.)га халифа бўлади. Устози билан Ҳиротга сафар килади, Абдураҳмон Жомий билан учрашади. 1503 й. Бухорога кўчиб келади. Бир оз вакт ўтгач, Ахсикатга бориб нақшбандийлик тариқатини тарғиб эта бошлайди. Муҳаммад Қози вафотидан сўнг тариқат шайхлари Маҳдуми Аъзамни ўз пешволари сифатида эътироф этишди ва унинг шуҳрати Мовароуннаҳр ҳамда унинг атрофидаги мамлакатларга ёйилди. Бобур Маҳдуми Аъзамга бағишлаб рубойлар ёзди. Маҳдуми Аъзам ҳам шоир ҳақидаги «Бобурия» рисоласини ёзиб, Ҳиндистонга жўнатган.

Шайбоний султонлари ва ҳокимлари Маҳдуми Аъзамни ўзларининг пири деб билганлар. Маҳдуми Аъзам тасаввуф назарияси ва амалиёти, хусусан, нақшбандийлик таълимотини ривожлантириди. Унинг «Асрор унникоҳ» («Никоҳ сирлари»), «Ганжнома» («Бойлик ҳақида рисола»), «Рисолат унсамъийатун» («Самоъ рисоласи»), «Баёни зикр» («Зикр баёни»), «Рисола-и силсила-и Хўжагон» («Хўжагон силсиласига оид рисола»), «Меърож-ул- ошикийн» («Ошиқлар меърожи», «Муршиду-ссоликийн» («Соликлар муршиди»), «Рисола-и Нақшбандийя», «Рисолат ун-вужудийатун» («Вужудлар ҳақида рисола») каби 30 дан ортиқ рисоласи бор. Бу асарларида уламолар, суфий шайхлар ва давлат арбоблари орасидаги муносабатларга тўхталган. Тариқат одоб-у қоидаларида мурид ва шайх муносабатлари ўзаро ҳурмат-иззат асосида қурилмоғи лозимлигини уқтирган. Маҳдуми Аъзам фикрича, тариқат аъзолари халққа якин бўлиб, унинг дардлари ва эҳтиёжларига қайғудош бўлса, бу ҳам тариқатга, ҳам халққа фойдалидир. [19].

«Маҳдуми Аъзам нақшбандия слукуни тизимида Шайх Хованд Тохур ва Ҳожа Ахрордан кейин ижтимоий-сиёсий таъсирининг ортишида ва ижтимоий ҳаётда тутган нуфузининг кенгайишида улкан хизмат кўрсатган мутафаккир эди. У Накшбандия тариқати-

даги асосий унсурлардан унумли фойдаланган ҳолда, пиrimуршид ҳамда инсон камолоти масалаларида янгича ёндашади.

Маҳдуми Аъзам рисолаларининг бош мавзуси “инсон ва унинг акл идроки, ахлоқий қиёфаси яратганинг энг муқаддас кашфи-ётидир”, деган ғояга асосланган. Шунга мувофиқ, Маҳдуми Аъзам ўзининг ижтимоий-ахлоқий қарашларида ўзига хос бўлган инсон инсони комил тамойилини яратди. Унинг тамойили инсонни илоҳийлиги заминидан келиб чиқади. Маҳдуми Аъзамнинг инсони комил тамойилининг асосий мезонлари ҳам инсон илоҳийлиги, муқаддас ва мушаррафлиги асосида келиб чиқиб кўйидаги сифатларга асосланади: “акл билан иш тутиш, аҳд-у-паймонга садоқатлилик, бир-бирига ёрдам бериш, қўлидан келганча яхшилик қилиш, инсонийликнинг илоҳий сифатларини ўзида мужассам қилиш, инсоннинг ўзини ўз англашини, тоат ибодатини инсонга нафи тегадиган ишлар билан бирга қўшиб олиб бориш, ҳалол ризқ учун меҳнат қилиш, поклик, софлик, эътиқодлилик, иймонлилик, тавба, ўз мақсади йўлида жиддий ва дадил ҳаракат қилиш инсоннинг ўз вужудини шариат, тариқат ва ҳақиқат сифатларини сингдириш, инсонларни эзгуликка ундаши олий даража деб билишидир.” Ана шу сифатлар Маҳдуми Аъзам назарида инсонни келгуси авлодлар учун ер юзида халифа бўлишига сабаб бўлувчи сифатлардир.

Маҳдуми Аъзам буюк мутасаввуф мутафаккир Мухаммад Бухорий (Порсо) изидан бориб дин ва муқаддас китоблар инсонни ахлоқий камолотга етказиши учун берилгандир, инсон дин учун эмас, балки дин инсон учун яратилгандир, деган тугалланган фикрга келади. Бу ғоя ўша даврларда ташланган энг жасоратли ғоялардан бўлиб, инсонни ер юзидаи тартиб ва осойишталика шахсан масъул эканлигини алоҳида таъкидловчи, инсонни унинг измига берилган оламни яшнатишга, гуллатишга, поклашга такомиллаштиришга ундовчи, ҳар бир мусулмонни фаолликка чақи-рувчи дайвват эди. Маҳдуми Аъзамнинг ўzlари бу борада шахсан намуна кўрсатадилар. Маҳдуми Аъзам инсон хукмига инъом этилган оламни яшнатиш ғоясини ўзининг эътиқодига айлантириб, ўз ижтимоий – ахлоқий фикрлар тизимини шу ғоя асосида куради. Лекин у бу ғояни амалиёт билан боғлаб, ҳалқ ичидаги юриш килди, унинг дарди, талаб ва эҳтиёжи билан бирга яшади. Ҳалқ манфаати, юрт осойишталиги учун курашиб, ҳар қандай тўқнашув ва жан-

жалларининг олдини олиш учун ташаббускорлик кўрсатади.»[20] Махдуми Аъзам ўзининг “Шархи рубоъийоти Убайдий” (“Убайдий рубоийларининг шарҳи”) рисоласида ўз муриди бўлган Убайдуллохонга кўйидаги мисраларни келтиради:

Султонлик уйида эй кўнгил ўлтурма,
Ўзингга ғаму-ғусса биносин кўрма,
Бойлигу тақаббурлигу шоҳликни,
Дарвешлиги факрдан афзал кўрма.[21]

Махдуми Аъзам тариқатидаги соликлар учун насиҳатларида ички душман, яъни хасис нафс қарокчи шайтон ва шўнга ўхшаш инсоний шайтонлардан иборат бўлган зохирий сухбатдошлар туфайли барча ифлосликларга, нопокликларга, шунингдек, ҳакиқий маҳбубдан узоқда қолишга сабаб бўлишини таъкидлайди. Уларнинг сухбати натижасида солик ўз қалбининг макоми ва мартабаси бўлмиш олий макомдан нафс балоси билан тубанлик даражасига тушишини ҳамда муршид сухбати, унинг шарофатли мулозамати ва хизмати туфайли гарчи солик ушбу тубанликдан нажот топсада, лекин у ўз нафсидан ва инс-у-жин шайтонлари макру-хйлалари билан соликни йўлдан (пир сухбатидан) адаштириб, яна уни нафс балоси ўша тубанникка тушириши мумкинлигини айтади.

Кимки қўлдан берди ўз йўлдошини,
Бекас айлаб, дев ёйдур бошини.
Бир замон қолмоқлик узоқда жамъдин,
Шубҳасиздур макри шайтони лаъин.

Махдуми Аъзам инсонлар аслида ҳар қандай бўзғунчиликлардан пок бўлган одамзод бу дунёдаги нопокликларга ва бўзғунчиликларга мазкур нафс, ёвуз ниятли сухбатдошларнинг сухбати орқали йўлиқкан ва бу сухбатдошларнинг энг ёмони ёмон инсонлардир деб таъкидлайди. Шунинг учун уларнинг ёмонлигидан кўпроқ ҳазар қилиб, комил пир этагини маҳкам тутиш керак. Чунки нафс ва шайтон сухбати ёвузлигидан, пир сухбати ва унинг шарафли илтифотли баракоти туфайли кутилиш мумкин, жумладан, “шайтон Умарнинг соясидан ҳам қочади” ёки “Ҳақ зикридан раҳбар пирнинг сояси афзалдур”.[21]

Махдуми Аъзам фикрича, шайтон қиёфасидаги одамлар ёмонлигидан кутулиш жуда оғирдир. Чунки, ҳар доим улар билан инсоний муносабат юзасидан бирга ўтириб туриш лозим бўлади. Ўти-

риб-туриш ҳар қанча кўп бўлса, нафс ўшанча уларга караб майл қиласи. Уларнинг нафсонияти ғолиб бўлгани учун, нафсни ҳам ўз томонига тортиб олади.

Чунончи, Ҳак субхонаху ва таъоло одамни шунга қобил қилиб яратганки, ҳар бир инсон ким билан ўтиrsa, ундан ранг олади. Бас, солик зарурат юзасидан, шундай ёвуз ниятли сухбатдошларга дуч келиб қолганда ҳам улар қаторига кириб қолмаслик учун иложи борича, ундаи сухбатдошлар ёвузлигидан қочиши кўпроқ лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Махдуми Аъзам ўз даврининг етук устозларидан бўлиб, инсон камолотида устозларнинг ўрни бикиёс эканлигини кўрсатиб берган. Шу боисдан, мамлакатимизда ёшларни баркамол инсон бўлиб тарбиялашда, устоз-шогирд анъаналарини давом этиришда улуғ бобомиз Махдуми Аъзамнинг маънавий мероси муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиздир.

3.2 НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ЎН БИР ҚОИДАСИНИ ҲОЗИРГИ ДАВРДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШГА ТАТБИҚ ЭТИШ

Нақшбандия тариқатини таҳлил этиш энг аввало, унинг қоидалари, яъни рашҳаларини ўрганишдан бошланади. Бу рашҳаларнинг саккизтаси Баҳоуддин Нақшбанднинг увайсий устози саналмиш Абдухолик Фиждувоний Ҳазратлари томонидан ва учтаси Баҳоуддин Нақшбанд томонидан яратилгандир. Ушбу қоидаларни ҳозирги кунга татбиқ этиш ва талабаларнинг касбий компетентлигини ошириш сифатида методологик таҳлил қилиш орқали кўриб чиқиши жоиздир. Фиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ўн бир рашҳада лўнда ифодаланган таълимотни яратгандар.¹

1. «Хуш дар дам». (Огоҳлик) Хуш сўз ақл-хуш, хушёрлик маъноларини, дам эса нафас маъносини билдиради. Бу шиордан ҳар бир олинган ва чиқарилган нафасда хушёр бўлиш, Аллоҳни эсдан чиқармаслик маъноси ўз аксини топган. Яъни суфи ҳар нафасида Аллоҳни ёд этиб туриши лозим. Бу қоидани бўлгуси талабалари-

мизнинг касбий компетентлигини оширишга қаратар эканмиз, ҳар доим хушёр бўлиб ғафлатда қолмасликни, ўз касбий етуклик даражасини оширишда ҳар бир бажараётган ишини мукаммал ўйлаб бажаришни талаб этади. Шунингдек, келажакда ўқувчилар билан ишлаганда ҳам хамиша эътиборли бўлиш уларнинг ҳар дақиқада назардан қочирмасликни, огоҳ бўлишни англатади. Нафасга хушёр бўлмоқ инсонни ўзлигини танишга олиб келадиган эшикнинг қалитидир. Ўзлигини англамаган инсон-ўзгаларни ҳам тушуна олмайди.

2. «Назар бар қадам». (**Хушёрлик**) Қадамга назар солиш қидаси кишининг ҳаётида қўядиган ҳар бир қадами назорат остига олинмоқлигини таъкидлайди. Бу қоида ўзликни танишга, идора этишга қаратилгандир. Бунда инсон ҳар бир қўйилган қадамини, ҳар бир сўзини ва феъли-хаёлини назорат қилиб турмоғи керак. Инсоннинг ўз-ўзини назорат қилиши эса уни комиллика, Ҳаққа етаклайди. Бу қоидага амал қилган бўлғуси педагог ўз касбий фоалияти давомида ўзини доимо назорат килади, ўйламасдан ҳаракат қилмайди, ҳар бир бажарган иши, гапирган гапи, чиқарган қарорини, қадамини ўйлаб босади. Бу ҳозирги кунда педагоглар учун жуда керакли бўлган Зеро педагог ўз маънавияти орқали ўқувчиларга намуна бўлиши лозим, қадами ножоиз бўлмаслиги керак. Ўзини назорат қилган инсонгина комилликка эришмоғи мумкин.

3. «Сафар дар ватан». (**Ватанпарварлик**) Ватанга сафар қилиш бу шиорда ҳар одамда аслига ва Ҳаққа сафар килиш маъноси илгари сурилган, яъни ҳар қадамда асл максадга — Ҳақ томонга юриш. Инсон тирик экан унинг ҳаёт йўли сафардан иборатдир. Бу сафар юриш маъносида ҳам, Ҳақни таниш маъносида ҳам юритилади. Зеро талаба ўз устида тинимсиз ишлаши ва комиллик даражасига етиши учун тинмай изланади. Ҳақни таниш бўлғуси педагог учун билимнинг юқори даражасига етиши ва касбий компетентликка эришиш учун доимий ҳаракатда бўлишни билдиради.

4. «Хилват дар анжуман». (**Жамиятпарварлик**) Унинг оддий ифодаси жамоа ичida яккалик ёлғизлик демакдир. Ҳазратдан «тариқатингизнинг асоси нимадан иборат?», деб сўраганларида, «Хилват дар анжуман ба зоҳир бо ҳалқ ва ба ботин бо Ҳақ», -деб жавоб берганлар. Бу жумла «хилват дар анжуман»нинг мантикий архидир. Ҳалқ орасида Ҳақ билан бирга бўлиш, яъни сўфийнинг

дунёвий иш билан машғул бўлишига қарамай, эл қатори бир инсон сифатида яшаши, шу орқали маънавий ҳолини атрофидагилардан маҳфий тутишини билдирувчи бу қоида нақшбандия тариқатининг шиоридир.”[39] Жамоада, инсонлар орасида бўлса-да юрагида, қалбида ҳамиша Аллоҳга бўлган мухаббати бўлмоғи лозимдир. Ҳозирги кунда бу қоидани талабаларга ҳам қўллаш жоиздир. Зеро талаба доимо ўз устида ишламоғи ўзининг ишида юксак даражага эришиши учун тинмай ўқиши, ўрганиши керак. Ҳис туйғуларини кўрсатмасдан омма орасида ҳам ўз ички кечинмаларини жиловлай олиши ва келажакда устоз бўлганда ҳам ўз муаммоларини ўқувчи-ларга кўрсатмаслиги лозимдир.

5. «Ёдкард» (Онглилик) Ёд эт. Бу шиорда нафасини тутиб туриб тил ва дил билан бирданига тавхид зикрини қилиш кўзда тутилган. Зикрни фақатгина тилида эмас, балки қалби билан айтиш ва буни нафас олмасдан қайтариш лозимлигидир. Бўлғуси педагоглар ҳам устозларидан олган билимларни қунт билан эгаллаб, бу ишга чин кўнгилдан ихлос билан қарашлари, қийинчилликларни сабр ва бардош билан енгишлари лозимдир. Бу уларни албатта келажакда ўз касбининг етук мутахассиси бўлишига олиб келади.

6. «Бозгашт» (Малакалик) - Сўнгра ўт. Бунинг маъноси инсон умрининг фонийлиги, ундан албатта боқий дунёга қайтажаклиги таъкидланади. Бу шиорда мақсад ва матлаб фақатгина Аллоҳнинг ризоси бўлиши кўзда тутилган. Бунда солих зикр қилиб бўлгач “Илохи анта мақсуди ва ризока мақсуди” дейди ва бунинг маъносини ўйлади. Бунинг маъноси эса Илоҳим, Сен мақсудимсан ва розилигинг матлубимдир, деганидир. Талабаларга диний билимларни беришнинг асоси ҳам уларни ҳаёти давомида тўғри яшashi, гуноҳдан тийилиши, нақшбандия тариқатининг асоси бўлган поклик, харомдан ҳазар қилиш каби хислатларни ривожлантириш демакдир.

7.«Нигоҳдошт» (Дикқатлилик) - киши ўзини ҳар қандай шайтоний ёмон йўллардан пок сақлаши кераклигини уқтиришдир. Нигоҳ сол. Бу шиорда қалбни хавотирдан сақлаш кўзда тутилган. Бу орқали қалбга Аллоҳнинг мухаббатидан бошқа нарса керак эмаслиги. Ҳаёл инсон дикқатини ҳар томонга чалғитади. Инсон фикрини кераксиз ҳаёллар билан бузмаслиги ва барча ўй-ҳаёлларини ёмон фикрларидан ҳоли қилишга қаратиши керакдир. Бўлғуси пе-

дагоглар барча ўй-хаёлларини асосий вазифага билим ва кўник-маларни ривожлантиришга қаратиши лозим, маънан ўсиб камолга етиши, ҳамда ташки мухитнинг кераксиз таъсирларидан ўзини эҳтиёт қилиши керакдир.

8. «Ёддошт» (Баркамоллик) - Ёдга ол. Бу шиорда ҳар лахзада Аллоҳ таолони ёдда тутиш зарур. Ҳақ субхонаху ва таолони доимо завқу-шавқ билан ёдда (хотирада) тутиб, огоҳ бўлишдир.

Бу инсон ўз диккатини бошқара бошлаганини кўрсатадиган мухим психологик ҳолат. Ушбу ҳислатлар талабаларда диккатини бошқара олиш ва бор кучини касбий фаолиятини ривожлантиришга қаратиши кераклигига англатади.

Маълумки, нақибандия тариқатида Баҳоуддин Нақибанднинг ўзлари асос солган рашиҳалар алоҳида аҳамият касб этади. Улар учта бўлиб, тариқат нинг 9, 10, 11-рашиҳалари дидир:

9. «Вуқуфи замоний» (Замонавийлик) - Замондан воқиғ бўлмоқ. Бу шиорда солих ўзи яшаган замонни билмоғи ва ундан унумли фойдаланмоғи кўзда тутилган. Бунинг маъноси сўфий ўз умридаги ҳар бир дақиқани, сонияни Аллоҳга шукр айтиш билан ва унинг бандаларига фақат яхшилик қилиш билан ўтказмоқлини билдиради. Ҳозирги талабалар ушбу қоидага амал қилиб замон билан хамнафас бўлиши ва фан-техника янгиликларидан, технологиялардан фойдалана олиши ҳамда ушбу билимларини касбий фаолиятларида кўллай олиши кераклигини кўрсатади.

10. «Вуқуфи ададий» (Узвийлик)- Ададдан воқиғ бўлмоқ. Бу шиорда сўфий зикр қилишда унда талаффуз қилинадиган лафзларнинг ададига алоҳида эътибор бериш кўзда тутилган Ададдан воқиғ бўлмоқ. Бунинг маъноси зикр жараёнида тартиб, сон алоҳида ўрин тутишилигини қайд этишдан иборат. «..ул зикрда ададни риоя этмақдин иборатдур». Муқаддас дуоларни, калималарни зикр қилинишини билиш ва унга риоя қилиш кераклигини уқтиради. Бўлажак педагоглар билим олганда тартиб билан ҳар бир олган билимларни энг бошидан чуқур ўрганмоқликлари, соддадан мураккабига томон қунт билан билимларни ўзлаштиришлари мақсадга мувофиқдир.

11. «Вуқуфи қалбий» (Қалби поклик) - Қалбдан воқиғ бўлмоқ. Бу шиорда қалбни Аллоҳнинг Зикри, фикри ва амри ила машғул қилмоқ хақида сўз боради. Нақшбандия тариқатида зикр маҳфий

бўлади, овоз чиқарилмайди ва бунинг маъноси сўфийнинг зикри қалбан бўлмоғи зарурлигини ифодалайди. Бўлғуси педагоглар ола-ётган билимлари, бажараётган ишларини қалбан ҳис этиш ва чин дилдан бажариш, бу ишга бор куч ва ғайратларини қаратмоғи бу қоидани албатта ҳаётга татбиқ этиш лозимлигини кўрсатади.

3.3 НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВОСИТАСИДА ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ

Жамиятимизда иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар келажакда мамлакатимиз интеллектуал имкониятларини белгилаб берувчи ва уни ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланган таълим тизимиға боғлиқдир. Шу сабабдан ҳозирги кунда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг инновацион потенциалини ошириш, янги ахборот-коммуникацион технологиялар билан бирга азалий кадриятларимиздан фойдаланиш соҳа ривожининг асосий шарти бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва амалий натижалари амалиётга жорий этишининг самарали механизмларини яратиш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш таълим соҳасидаги устувор йўналиш сифатида белгиланди [1].

Олий таълим соҳасини ривожлантиришдан асосий мақсад, бу энг аввало юртимиз учун илмли, билимли, замон талабига жавоб берадиган кадрларни етиширишdir. Ушбу кадрлар энг аввало, ўз соҳасини чукур ўзлаштирган, қобилиятли, малакали ва компетентли бўлмоғи зарурдир.

Касбий компетентлик фақатгина ўз соҳаси бўйича чукур билим ва малакага эга бўлишгина эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларни ўзлаштиришни талаб этади. Шунингдек касбий компетентлик ўз соҳаси бўйича би-

лимларни муттасил бойитиб бориш, янги замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш, янги маълумотларни излаш ва ўз устида тинимсиз ишлашни тақозо этади.

Касбий компетенция деганда муваффакиятли педагогик фаолият учун зарур бўлган касбий ва шахсий фазилатлар йигиндиси тушунилади. Касбий компетентликка эришиш учун талабага ўқиш даврида олган билимлари етарли бўлмайди. Ушбу билимларни эгаллаш билан бирга талаба уларни амалиётда татбиқ этиб бориши керак. Бунда талабага амалиёт даврида мактабларда мустакил дарс бериш билан биргаликда, илмий салоҳиятга эга бўлган тажрибали ўқитувчилардан касб сирларини ўрганиш ва ўз билим ва кўникмалари, ҳамда малакаларини кун сайнин ошириш талаб этилади.

Буюк алломаларимиз, миллатимизнинг фахри бўлган олим-у-уламоларимизнинг хаёт йўлларини ўрганадиган бўлсак уларнинг маънавий камолоти, илм олишга бўлган фидоийлигини, танлаган соҳаларига бор вужудлари билан ўзларини бахшида этганлигини кўришимиз мумкин. Зоро, уларнинг кўпчилиги дунёвий билимлардан олдин диний билимларни эгаллаганлар. Масалан дунёга машҳур Абу Али Ибн Сино 10 ёшида Куръони Каримни ёддан билган ва математика, фалсафа, тиббиётга оид асарлар билан бирга жуда кўп диний асарлар ёзганлар. Нега энди ҳозир биз диний билимлар: шариат, тариқат ҳақидаги билимларни ўрганишни ва уларни талабаларга етказишини лозим топмаймиз?

Ҳозирги кунда дунёнинг жуда кўпгина мамлакаталарида Нақшбандия тариқати чукур ўрганиб келинмоқда. Лекин афсуски бизнинг мамлакатимизда ўзимизнинг юртимиздан чиқсан шундай улуғ авлиё ҳақидаги маълумотларга жуда кам инсонлар эгадирлар. Бунинг сабаби ушбу маълумотлар кенг жамоатчиликка ва унинг бир бўллаги бўлмиш бўлғуси педагогларга ўргатилмаётганидир. Чунки бир оддий инсон олган билим унгагина тегишли бўлади, лекин ўқитувчининг билимидан юзлаб ва минглаб ўкувчилар баҳраманд бўладилар. Келажак авлодни тарбиялаш энг аввало бўлғуси педагог яъни талабани тарбиялашдан бошланади. Талаба олий ўкув юртида касбий билимларини эгаллаш билан бир қаторда маънавиятини ошириши лозим, бу эса дунёвий билимлар билан бирга диний билимларни ҳам эгаллашни тақозо этади.

“Маълумки шариат, тариқат ва ҳақиқат инсонни камолотга ета-

кловчи мақомлардир. Шариат ҳукмлари Аллоҳ томонидан фарз, Пайғамбар алайхиссалом томонидан суннат қилиб берилгандир. Шариат ёнғоқнинг пўсти бўлса, тариқат пўст ичидаги мағиздир, ҳақиқат эса мағиз ичидаги ёғидир. Дарҳақиқат, ёғ мағизсиз, мағиз эса пўстлоқсиз ҳосил бўлмайди. Лекин шариат ҳукмларига амал қилиб икки дунё саодатига эришса бўлади, аммо тўла маънодаги маънавий етукликка эришиш учун Аллоҳ маърифатини ҳар томонлама ўрганмоқ учун янада баркамол бир даражага етмак учун эранлар тариқат йўлига кирадилар.” [40]

Тасаввубуға оид илмий китоблар ва дастурларда тариқат атамалари, мақомот манзилларини тушунтиришга кўп эътибор берилади. «Тариқат» сўзининг маъноси йўл демак. Яъни илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий камолот йўли. Тариқатни тасаввубуғнинг амалий қисми деб таърифлайдилар[41].

Тариқатда камолотга З ҳил йўл билан эришилади. Булар:

1. Муроқаба-ўз-ўзини англаш, фикрлаш;
- 2.Мушоҳада-кўзатмоқ, ҳис этмоқ;
- 3.Мусоҳаба-ўзаро сұхбат қурмоқ;

Ушбу билимларни талабаларда касбий компетентликни ривожлантиришга қаратадиган бўлсак, *муроқаба-ўз-ўзини* англаш, фикрлаш-албатта инсонни ҳар бир бажарган иши, кўйган қадами, гапирган гапини анализ қилиш ва шу орқали ўз устида ишлаш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради. Фикрлашга ўрганган талаба албатта бўлаётган воқеа ва ходисаларни тўғри талкин қиласди ва тўғри баҳолашни ўрганади. Бу эса уни педагогик фаолиятида энг керакли бўлган қобилияtlардан бири ҳисобланади.

Мушоҳада-кўзатмоқ, ҳис этмоқ қобилияти педагогикада зарур бўлган яна бир муҳим хусусиятлардан бири бўлиб, у педагогларда жуда ривожланган бўлмоғи зарур. Чунки ўз фаолияти давомида ҳар бир ўқувчини ички кечинмаларини ҳис этиш, уларни нима ўйлаётгани ва истакларини сезиш ва кўзатиш лозимлигини талабаларга такрор ва такрор уқтириш лозимдир . Зоро ўқитувчи дарс мавзусини чуқур билган ҳолда ўқувчиларни психологияси ва ички кечинмаларига бефарқ бўларкан, демак бу ўқитувчи ҳеч қачон яхши педагог бўла олмайди. Яхши педагог ҳар бир ўқувчи қалбига йўл топа олиши, унинг характеристи ҳамда қизиқишлиарини билиши ва унга ижобий таъсир эта олиши лозимдир. (3.3.1-расм)



3.3.1-расм Тариқатда камолот йўллари.

Ўз-ўзини таҳлил қилиши қобилияти талабада жуда ривожланган бўлмоғи лозим. Талаба муттасил ўз ишини, муносабатини, харакатларини таҳлил қилмас экан у ўз хато ва камчиликларини билмайди ва ўз устида ишламайди. Бу эса унинг иш фаолиятида кўплаб камчиликларга йўл кўйишига олиб келади.

Мусоҳаба-ўзаро сухбат қурмок-педагогнинг ўқувчига таъсир кўрсатиш усусларидан энг самаралиси бу сухбатдир. Ўзаро сухбат орқали ўқувчи онгига таъсир ўтказиб унга таълим ва тарбия бериш мумкинdir.

“Нақшбандияда пир ва мурид орасидаги маънавий орифона сухбатга катта эътибор қилинган. Нақшбандияга кўра, сухбат — анжуман ичра бўлиш, билмаганни билиб олиш, юксалиш, кароматлар сир-у асрори, илоҳиёт олами нурларидан баҳрамандлик бўлса, бунинг акси — хилват эса кишини билимдан, маърифатдан маҳрум қиласи. Нақшбандияда ўзини ўзи назорат килиб бориш, олган билимларини дилда мустаҳкамлаш, умрнинг ҳар бир дамини савоб ишга, ҳар бир нафсни маънавий камолот учун сарфлаш лозим дейилади. «Вуқифи замоний» (муайян вактда тўхтаб ўзини текшириш), «вуқуфи ададий» (ишларини сарҳисоб қилиб текшириш), «вуқуфи қалбий» (қалб амаллари қандай бўлаётганлигини тўхтаб, текшириб бориш) каби шиорлар («кудсий сўзлар») ҳам ана шу назорат усулига киради. Н., шу тариқа, тасаввуфни ислом шариати ва пайғамбар суннати билан янада мустаҳкамроқ боғлади. «Урватул вусқо», яъни барча ишда пайғамбар сўзлари ва ишларига суюниш нақшбандия шиорларидан бирига айланди. Нақшбандияда суфий-

лик истеъдодига ҳам эътибор берилган, яъни баъзи кишиларнинг мен фалон силсиладанман, насл-насадим фалон-фалончиларга бориб тақалади, деган гапларига қарши Баҳоуддин Нақшбанд «гап силсилада эмас», гап Аллоҳнинг жазбасида» деб айтади. Жазба бўлмаса, сўфийликда мақоматларга кўтарилиш қийин.

Ривоят қилишларича кунлардан бир кун Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳузурларига Шоҳ келибти. Бирга таом ейишга ўтирганларида Шоҳ Ҳазратга савол берибдилар:

-О, Дунё сарвари! Сизнинг ҳам муридларингиз менинг сарой аёнларимга ўхшаб ярим ой шаклида ўтирас экан. Айтингчи бунда қандай хикмат бор?

Баҳоуддин ўйлаб шундай жавоб бердилар:

-Шоҳ Ҳазратлари! Сизнинг сарой аёнларингиз қай тартибда ўтирганлигини айтинг, сўнгра мен муридларим қай тартибда ўтирганлигини сизга айтурсен.

“Биринчи қаторда мен яхши муносабатда бўлган инсонлар ўтиради, кейинги қаторда бой ва қудратилар ҳамда элчилар ва қолганлари энг охирги қаторда ўтирадилар”-деб жавоб берибди подшох.

“Унака бўлса менга энг яқин ўтирганлар қулоқлари яхши эшитмайдиганлар, кейинги қаторда фикрини жамлай олмайдиган, билимни қабул қилиши қийин бўлганлар ва энг охирида ақлли ва билимлилар ўтиради”- деб жавоб берган экан Нақшбанд Ҳазратлари.

Ушбу ривоят орқали ҳам Нақшбандия тарикатида муридларга бўлган муносабат уларга билим беришга бўлган методологик қарашларни ҳозирги замон- га ҳам қўллаш лозимлигини кўришимиз мумкинdir.

Ҳар бир бўлажак педагог ўз иш фаолиятида бунга алоҳида эътибор қарат- маги лозимдир, чунки кўп ҳолларда ўқитувчиларни аҳамият бермаслиги сабабли билими яхши, ўқишига қизиқиши кучли бўлган ўқувчилар биринчи партада ўтиради ва бунинг акси билими яхши бўлмаган, ўқишига қизиқиши йўқ ўқувчилар орқа парталарда ўтирадилар. Бунинг натижасида ўқитувчи ўзлаштириши паст бўлган ўқувчига нисбатан эътиборсиз бўлади ва ўқувчида ҳам билим олишга бўлган иштиёқи сўна бошлайди. Бўлғуси педагогларнинг касбий компетентлигини ошириш давомида биз уларга ҳар бир ўқувчига нисбатан алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги-

ни ва унинг феъл-атвори, қизиқиши ва билимларни қабул қилиш даражасидан келиб чиқиб ўқитиш услубини танлаш лозимлигини ўқтиришимиз керак.

Нақшбандия тариқатида устознинг шогирдга назарий жиҳатдан ўргатиб амалиётда шахсий ибрати орқали тарғиб этишини кўришимиз мумкин. Буни биз технологик таълим йўналиши талабаларига йўналтирадиган бўлсак, унда назарий билимларни яхши ва тушунарли етказиш лозимлиги ўқтирилади. Шу билан бирга амалий машғулотларни бажариш давомида ўқитувчи энг аввало, бажараётган буюм технологиясини ўзи яхши бажариш кўникмасига эга бўлиши ва шахсий намунаси ва ишни бажариш кўникмаси ва малакасининг юкорилиги бўйича талабага ибрат бўлиши керак.

Тариқатда муридни тариқат йўли билан босқичма-босқич танишитиради.

Муридга талаблар босқичма-босқич ошириб борилган, бу мурид иродасини шакллантирган, уларни маънавий бой, комил инсон қилиб тарбиялашда мухим рол ўйнаган.

Ушбу методикани таълим жараёнида қўллаганда таълимда соддадан мураккабига, оддийдан қийинга ўтишни мисол қилишимиз мумкин. Бундай усул қўл ишига йўналтирилган технологик таълим йўналиши талабаларида буюм ясашда олдин оддий, содда буюмларни ясашни ўргатиш ва аста-секин-лик билан мураккаб буюмларни бажариш кўникмасига ўтиш лозимлигини исботлайди. Мехнат кўникмаси орқали талабаларнинг маънавиятини ошириш, аҳлоқий фазилатларини юксалтириш мумкинлигини кўрсатади.

Шогирдни тариқатга ўргатиш уни руҳий тайёрлаш – кўниктириш, тартиб-интизомга ўргатишдан бошланган. Худди шундай ҳозирги таълим жараёнида талабаларга ишни бажаришдан олдин тартибга ўргатиш, ўқитувчи берган топширикларни бекаму-кўст бажаришни, интизомни, ишга маъсулият билан ёндошмоқликни сингдирмоқ лозимдир.

3.4 НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВОСИТАСИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЬАНАЛАРИ

Юртимиз қадимдан илм-у маърифат маркази, буюк алломалар, фозил-у-фузалолар юрти бўлган. Буюк цивилизация ўчоғи бўлган малакатимиз дунё илм-фани ва тараққиётига улкан хисса қўшган мутафаккирлар, олим-у уламоларни етиштирган заминдир. Ушбу муборак заминдан шундай алломалар етишиб чиқиши бежиз эмас. Зеро бунинг пойдевори бўлиб улуғ бобокалонларимизнинг диний ва дунёвий билимларни бир-биридан ажратмаган ҳолда ўргангандилиги ва ушбу билимларни эгаллашда устоз-шогирд анъаналари фоят кучли ривож топганидир.

“Устоз” сўзининг маъноси йўл-йўрик кўрсатувчи, тарбияловчи, ўқитувчи, муаллимдир. Устоз номига лойик бўлиш, шогирдларига тўғри йўл-йўрик кўрсатиш, уларни тарбиялаб ўз билимлари ва тажрибаларини етказиш жуда катта маъсулиятни талаб қиласди. Ҳар қандай касб эгаси ҳам устозсиз шаклана олмайди.

Диний ва дунёвий билимларни эгаллашда аждодларимиз томонидан устозга буюк ҳурмат кўрсатиш “устоз-отангдан улуғ” сўзлари замерида якъол кўринади. Халқимиз маънавиятида илм бергувчи инсонга ҳурмат, уни ҳаётга келишига сабабчи отасидан ҳам устозни юқори кўймоқ, устоз-шогирд анъаналарини асрлар оша ҳозирги кунгача етиб келишига сабабдир. Талабаларда устоз-шогирд анъаналарини ривожлантиришда Нақшбандия тариқати меросидан фойдаланиш, ушбу борада тариқатда пир ва мурид яъни устоз-шогирд муносабатларидан ҳар қанча ўрнак олса арзийди. Устоз-шогирд муносабатлари ҳақида Нақшбанд Ҳазратлари “Бу йўлга пирсиз кириш асло мумкин эмас. Амалларга пирсиз киришиш ёш боланинг қўлига “Чакмоқ тош” бериш билан баробар”, [42]дея айтган сўzlари ҳам устоз-шогирд анъаналарини давом этиришда Нақшбандия тариқати меросидан фойдаланиш замон талаби эканлигини кўрсатмокда.

Бугунги кун талабасининг ўз касбий фаолиятидан келиб чиқиб билим олиши учун ҳозирги кунда давлатимиз томондан барча шароитлар яратилмоқда. Талабаларда малакали профессор-ўқитувчилардан таълим олиш, интернет орқали ўзларига керак бўлган

маълумотларни олиб ўз билим ва кўникмаларини ошириш учун барча шароитлар мавжуд. Лекин талабаларга ва айниқса технолого-гик таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентликка эга бўлишида устознинг ўрни бекиёсдир. Бежизга бизда “устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар”- дейилмаган. Агар устоз ўз билим ва тажрибасини ўзидан кейин шогирдларига қолдирмаса у қанчалик буюк билим эгаси бўлмасин, унинг умри бесамар ўтган бўлади. Шогирдлари қанча кўп бўлса, улар қанча кўп муваффақиятларга эришсалар бу устознинг нуфузини янада оширади. Бобо-калонимиз ҳазрат Навоий бу борада қўйидаги мисрани битган эди:

*“Хунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб тупроққаму кетгумдир охир”.*

Устоз-шогирдига фақатгина билим ёки хунар эмас, балки маънавиятини бойитиши, ўз намунаси орқали унга ибрат мактаби бўлиши лозимдир. Талабаларда касбий компетентликни тарбиялаш, уларни ижод қилишга ундаш, изланиш ва мукаммалликка эришишда устоз-шогирд анъаналарини ҳозирги кунга татбиқ этишимиз лозимдир, лекин ушбу анъаналарни буюк алломаларимиз бой меросидан фойдаланган ҳолда бажаришимиз кераклиги, ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бунинг учун ушбу алломаларимиз хаётини ўрганишимиз, жумладан, буюк бобокалонимиз

Бахоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқати давомчилари-нинг бой маънавий мероси, жумладан устоз-шогирд (пир-мурид) муносабатларини талабаларга етказиш орқали уларда касбий компетентликни ошириш мумкин. Тасаввуф таълимотининг маънавий-маърифий, таълимиy, аҳлоқий ва тарбиявий ўрни бекиёсдир.

Шогирдни тариқатга ўргатиш уни руҳий тайёрлаш – кўниктириш, тартиб-интизомга ўргатишдан бошланган. Худди шундай ҳозирги таълим жараённада талабаларга ишни бажаришдан олдин тартибга ўргатиш, ўқитувчи берган топшириқларни бекаму-кўст бажаришни, интизомни, ишга маъсулият билан ёндошмоқликни сингдирмоқ лозимдир.

Бахоуддин Нақшбанд бутун умри давомида илм ўрганиш, жаҳлдан ўзоқ туришни насиҳат қилганлар. У киши Пайғамбаримиз с.а.в.нинг “Қаерда бўлманг, илм талабидан ўзоклашманг ва агар обу оташ ичра гарқ бўлсангиз ҳам, ғаввос бўлиб кечиб ўтинглар

ва илм ўрганинглар”-деган ҳадисини доимо уқтирганлар. Нақшбанднинг барча муридлари (шогирдлари) бирор бир касб эгаси бўлганлар. Уларга қўйилган асосий шарт бирор бир касб ортидан ҳалол луқма ейиш бўлган. Камтаринлик улуғланиб, ман-манлик, керилиш нуқсон ҳисобланган. Шу жиҳатлари учун ҳам Нақшбандия тариқати ўз вақтида катта обрўга эга бўлган. Барча ўғитлар энг аввало инсонда яхши фазилатларни тарбиялаш, маънавий комилликка эришиш, ахлоқ ва исломий иймон мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилгандир. Зеро иймони мустаҳкам инсонгина комил инсон даражасига етиши мумкин.

XV асрнинг йирик тасаввуф арбобларидан бўлган Хожа Убайдуллоҳ Ахрор валий(1404-1490) – нақшбандия тариқатининг қўзга кўринган муршиди бўлиш билан бирга ўз замонасидағи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва мағкуравий ҳаётида катта из колдирган арбоблардандир.

Хожа Ахрор сулук йўлига кирган солик, аввало, шариатга риоя килиши, Аллоҳ ва Расули буюрган амалларни тўқис адо этиши лозимлигини уқтиради.

Бу итоатни назарий жиҳатдан уч қисмга бўлади:

1. Қавл – сўзда итоат этиш.
2. Феъл – иш-амалда итоат этиш.
3. Ҳол – ботиний, руҳий итоат.[8]

Яъни ушбу қоидаларни ҳозирги кунда устоз-шогирд орасидаги муносабатларга жорий этадиган бўлслак:

-1. Қавл – сўзда итоат этиш. Яъни қайсиdir маънода шогирд устозига сўз орқали итоати, устознинг илтимосига лаббай деб жавоби, муоммала маданиятини ҳам тушунишимиз мумкин. Албатта бунинг учун шогирд гўзал хулқга эга бўлиши лозим. Бунинг негизида бизнинг асрий қадриятларимиз устозга нисбатан буюк хурмат ётади.

-2. Феъл – иш-амалда итоат этиш. Бу устоз буюрган ишни сид-кидилдан бажариш, бу орқали ўз касбий кўникмаларини ривожлантириш тушунилади.

3. Ҳол – ботиний, руҳий итоат. Ушбу ҳолат кўпроқ руҳий, диний томондан қаралса-да, шогирднинг руҳий томондан устози билан боғланиш ҳолати замонавий ҳаётимизда ҳам ўз ифодасини топишини инкор этмайди, яъни устоз шогирд учун жуда катта

аҳамиятга эга бўлса, шогирд устоз йўқ пайтида ҳам у билан руҳий боғланган бўлади. Бунда шогирд ҳар бир босган қадамини, айтган сўзини, бажарган ишини устози томондан назорат қилинаётгандек сезади ва устозининг ўгитларига ҳамиша амал қилишга ҳаракат қиласди.

Шуни афсус билан айтишимиз керакки бугунги кунда тасаввуф илми ҳақида талабалар жуда юзаки билимга эгадир. Ҳатто талабаларнинг кўпчилиги тасаввуф ва тариқат сўзлари маъносини ҳам тушунмайдилар. Ҳолбуки тасаввуф илми барча мусулмон давлатларида жуда катта обрў ва ҳурматга сазовордир. Нақшбандия тариқати меросини ўргатиш орқали биз талабаларда устознинг қандай ҳислатларга эга бўлиши ва шогирднинг устозга нисбатан қандай эҳтиромда бўлиши лозимлигини етказишимиз лозимdir. Энг аввало, инсон бўлиш илмини устоздан ўрганмоқ керак. Нақшбанд Хазратлари айтар эдилар: "Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишила, ўзинг қоронгуда бўл".

Ушбу сўзлар замирида буюк инсоннинг накадар ҳокисор ва камтар, камсукум бўлганликларини ва ушбу ҳислатларни ўз шогирдларида ҳам улғайтирганларини кўрамиз. Шунингдек устозининг ҳар бир сўзини қонун деб билмоқ, устозга чукур ҳурмат кўрсатмоқ миллий қадриятларимизнинг асосидир. Лекин устоз ҳам устоз деган номга лойиқ бўлмоғи лозимdir. Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди ва куёви бўлмиш Сайид Амир Кулол: "Бирор киши сизлардан мазҳабга доир савол сўраса-ю, жавоб беролмасангиз, бундан хунукроқ иш бўлмайди" деганлар. Ушбу сўзлар ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Зоро устоз ўз соҳасини билмас экан, унинг шогирдлари олдида ҳам ҳеч қандай обрўси бўлмайди.

Буни ҳозир ҳам устозлар талабаларга такрор ва такрор уқтиришлари лозимdir. Илм олиш ва ўз касбининг етуқ мутахассиси бўлиш учун талабалар тинмай ўз устида ишлиши, устозлар насиҳатларига қулоқ тутиши лозимлиги, бу барча даврлар учун исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлардир. Аждодларимиз қадим замонларда илм олиш ҳозирги кундагидек осон бўлмаган даврларда ҳам, билим олишга ҳаракат қилганлар, ўзларини илмга бағишилаганлар. Буюк инсонларни етиштирган она заминимизда ҳар бир буюк инсон ортида уни илмга чорлаган, илм хунар ўргатган устози туради.

Ота ўз ўғлини устозга шогирдликка бераркан, “эти сизники, сужи бизники” дея лутф қилган. Бу билан устозга ўғлининг келажак тақдирини бус-бутун ишониб топшираётганини билдирган. Устоз ҳам шогирди тақдирига ўзини маъсул деб билиб, бор иқтидор-у хунарини унга юқтиришга уринган. Оилавий муҳитда етарлича талабачанлик кўрмаган болани қатъий тартиб-қоидага кўниктирган.[44]

Афсуски ҳозирги кунда устознинг нуфузи бир оз тушгандай назаримизда. Устознинг обрўсими оширишни албатта бўлғуси педагогларни тарбиялашдан бошлишимиз керак. Талаба устозни кадрлашни ҳам, ўзини устозликка тайёрлашни ҳам ўрганмоғи лозимдир. Устоз деган шарафли номга лойик бўлмоғи даркордир. Бунда албатта диний қадриятлар, аждодларимиз меросидан фойдаланиш лозимдир.

Ривоятда ёзилишича, бадавлат оила фарзанди бўлган Алоуддин Аттор Баҳоуддин Нақшбандга шогирд бўлишни истаган. Нақшбанд ҳазратлари хўқиз ишкамбасининг ичини ташқарига ўтириб, бошига қўйиб келишини буюрганда Аттор бозордагиларнинг ма-ломатига эътибор бермай, устознинг амрини бажо келтирган. Устозга хурмат шу даражада юқори бўлганлиги ҳар қанча тахсинга лойикдир.

Нақшбандия тариқатида пир ва мурид орасида маънавий орифона сухбатга катта эътибор қаратилгандир. Нақшбандия таълимотига кўра сухбат орқали шогирдлар юксалиб, хилватда эса маърифатдан маҳрум бўладилар.

Талабаларда касбий компетентликни ва устоз-шогирд анъаналарини Нақшбандия тариқати воситасида такомиллаштиришга бир канча сабаблар мавжуд. Булар:

- Нақшбандия тариқатида устоз-шогирд анъаналарида устозга буюк хурмат, итоаткорлик, илм олишга бўлган кучли ҳохиш ҳозирги кунда ҳам ўрнак бўлишга лойикдир;

- Нақшбанд ва нақшбандия тариқати аҳлиниңг харом харишдан ҳазар қилиши, диний ва дунёвий илмларни мукаммал эгаллаши талабаларда касбий компетентликни тарбиялашда асосий восита-лардан бири бўлиб хизмат қила олади;

- Нақшбандия тариқати намоёндаларининг барча соҳада мукаммалликка интилиши талабаларда касбий компетентликни ри-вожлантиришга асос бўла олади;

- Устоз-шогирд анъаналарини талабаларда такомиллаштиришда Нақшбандия тариқати намоёндаларининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш орқали эриша оламиз;

- Нақшбанднинг фалсафий, ахлоқий-эстетик қарашларини ўрганиш ва алломанинг илғор таълимотини таълим соҳасига, чунончи касбий компетентликни ривожлантиришга йўналтириш мумкин-дир;

- Тасаввуф таълимотининг маънавий-маърифий, таълимий, ахлоқий ва тарбиявий қарашлари талабаларда касбий компетентликни оширишга хизмат қила олади;

- Нақшбандия тариқати намоёндаларининг адолатли, камтар, камсуқумлиги устоз-шогирд муносабатларида намуна вазифасини ўтайди;

Нақшбандия шайхлари ишсиз, ҳунарсиз инсонларни шогирдликка қабул қилмаганлар. Мұхаммад Бобо Самосий боғбон, Амир Кулол кулол, Баҳоуддин Накшбанд наққош, тўқимачи ва чорвадор, Амир Ҳамза овчи, Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор чорвадор ва савдогар бўлишган.

Ҳожа Ахрор Валий шогирдларига фақатгина мураббий устоз пир бўлибина қолмай, ҳар бир инсонга муносаб ҳалол ва адолатли, қаноатли ҳолда яшаш йўлларини ўргатади. Хусусан, инсонларни тилга эътибор беришлари уларнинг камолот йўли эканлигини қўйидаги ўғитларида баён қиласди:” Одамзод уч бўлакдир: Кўнгил, ва тил ва ўзга аъзолар. Кўнгил Худони бир деб билмоқ учундир ва тил Худони бир деб айтмоқ учундир ва ўзга аъзолар бандалик қилмоқ учундир.” “Кимнинг гапираётганига эмас нима гапираётганига қара.[45]

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев улуғ мутафаккирларнинг бой маънавий меросини ўрганиш, шунингдек ҳозирги кунда устознинг нуфузини ошириш борасида жуда кўп ишларни амалга оширмоқдалар. Аждодларимиз томонидан, жумладан, Нақшбандия тариқати бебаҳо мероси ва унитилаёзган қадриятларимизни қайта тиклаш ва ёшларга ўrnак тариқасида етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.[4]

Маҳдуми Аъзамнинг (асл исми Сайид Аҳмад Ҳожаги ибн Сайид Жалолиддин Косоний Даҳбедий; 1463/64, Косон ш.-1542) — мовароуннаҳрлик аллома, йирик диний арбоб, нақшбандийлик

рахнамоси.) рисоларида устоз-шогирд муносабаларида алохида тўхталиб ўтади. Унинг фикрича, шогирд (солик) маънавияти икки хил кўринишда янада тўлароқ намоён бўлади:

1. Нафсни тийишдан, яъни вужуд талабини инкор эта олишдир;
2. Саховат сахийлик фазилатлари тўла мужассам бўлишлигидан.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Махдуми Аъзамнинг муридлари ичида ҳукмдорлар кўпчиликни ташкил қилган. Шу боисдан, асарларида зоҳирий ҳукмдор бўлса-да, унинг заҳмат-у қийинчиликларидан кутулиб, ички маънавий дунёсини бойитиб, сўфийга хос бўлган завқлар, ҳолатлар, юксак макомларга мушарраф бўлгандан кейин, унинг кўнгли комил пир сухбати ва уларга мансуб бўлган одобни машқлар қилиш орқали нафсни енгиб, соликнинг хитобига ўрин бўлган қалбга айланишини таъкидлайди. У ҳар доим ўз қалбини хушёрикда сақлаб, ҳар қандай дунёвий ва бошқа қайғу-юғам сарчашмаси бўлган зоҳирий шоҳликка такрор қайтмаслиги учун, унга танбех бериб туради. [46]

Устозга буюк ҳурмат намунасини биз ҳаттоки насл-насаби, жамиятдаги мавқеидан қатъий назар устозни хаммадан юкори кўйишни буюк аждодларимиздан ўрганишимиз лозимдир. Чунки буюк Шоҳ ва Султонлар ҳам ўз устозларига итоат этганлар ва хурматини бажо келтирганлар.

Халифа Хорун ар-Рашид ўғилларини Имом Асмаийга илм ва одоб ўргатиш учун шогирд килиб бердилар. Кунлардан бирида Хорун ар-Рашид ўғилларидан хабар олай деб борсалар Имом Асмаий таҳорат қилиб оёғларини юваётган, Хорун ар-Рашидинг ўғиллари эса оёқларига сув қуйиб турган экан. Шунда халифа бир оз маломат килгандек бўлиб: “Мен ўғлимни шунинг учун юборганимидим” - дедилар. Имом Асмаий бу сўзни эшитиб ҳайрон бўлиб турганларида, халифа сўзини давом эттириб: “Нимага ўғлимга бир қўлингда сув қуйиб, бошқа қўлингда оёғимни юв демадингиз? Ахир мен унга илм билан биргаликда одоб ҳам ўргатинг, деган эдим-ку?!?” – дедилар.[47]

Нақшбандия тариқатида устоз-шогирд анъанасининг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, улардан технологик таълим йўналиши талабаларида касбий компетентликни таомиллаштиришда оқилона фойдаланиш мумкин. Бу борада Муҳаммад Боқирнинг “Макомати Ҳожа

Нақшбанд”, Хожа Ахрор Валийнинг “Волидия” ва Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот” асарларида ўзига хос анъаналар таъкидлаб ўтилган. Мазкур устоз-шогирд анъаналарининг қуидаги асосий жиҳатларига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

1. Устозга садоқат. Бу анъанага кўра шогирд ҳар қандай ҳолат ва вазиятларда устозига садоқат кўрсатиши керак. Унга кўра, устознинг камчилик ва хатолари ҳисобга олинмайди. Шу жиҳатдан технологик таълим талабаларида чинакам устозлик хусусиятини таркиб топтириш керак бўлади. Чунки улар келгусида устоз сифатида фаолият юритади ва бунинг учун талабаларнинг ўзлари устозга садоқат кўрсатиш борасида намуна бўлиши керак.

2. Устоз топшириқларини ҳар қандай шароит ва вазиятда бажарии. Мазкур анъанага кўра, устоз шогирдига нотўғри кўрсатма ёки топшириқ бермаслиги керак, шу сабабли шогирд устознинг ҳар қандай топшириғини бажаради. Нақшбандия тариқатида кўп ҳолларда шогирдга устознинг топшириғи нотўғри бўлиб кўринади, бироқ шогирд топшириқни бажариш жараёнида устозининг ҳақ эканлигини тушуниб етади. Шу маънода технологик таълим йўналиши талабаларида топшириқларни тушуниб ижро этиш кўникмасини таркиб топтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Шогирдни устозликка тайёрлаши. Нақшбандия тариқатида шогирдлар нафакат келгуси фаолиятга, балки устозлик фаолиятига тайёрланган. Шу сабабли келажакда ҳар бир шогирд устоз сифатида фаолият кўрсатиб, кўплаб муридларни тарбиялаб вояга етказган. Мазкур анъана тажрибасидан фойдаланиб технологик таълим йўналиши талабалари касбий компетентлигида устозлик малакасини таркиб топтириш кутилган самарани беради.

Манбаларда муриднинг нафакат ижобий хусусиятлари ва эзгу ниятлари кўрсатилади, балки уни қандай ножӯя ишларга аралаш-маслиги ва нималардан ўзини тийиши таъкидланади. Бу хусусда яна Ҳусайн Воизга-мурид ҳақида энг кўп фикрлар баён этган та-саввуфшунос олим сўзларига кулоқ соламиз. Унингча мурид кейинги ўттиз салбий омиллардан холи бўлиши талаб этилади. Булар: “бойликни, мансабни, шуҳратни севиш, гўзалларга нопок ниятлар билан майл қилиш, хирс, ҳasad, макр-у хийла, кибру ҳаво, гина адоват, фиск-фасод, ҳафлат, очкўзлик, ғафлат, шак-шубҳа, такаббурлик, ёлғон, бўхтон, нифок, риё, ҳаромхўрлик, ҳавас, тамаъ, ўй-

ин-кулгу, бадниятгик, тоат-ибодатда қусур кўрсатиш, фаҳш, икки-юзламачилик, айғоқчилик, бирордан айб қидириш, галамисликдан юз ўгириш ”[48]

Шундай қилиб, мурид қанча ҳалол, пок ва тоза бўлса, шунча комилликка йўл топади. У барча ман этилган ишлардан воз ке-чиб, фақат ва фақат яхшилик кўрсатади, яхши хулқ, яхши ният, яхши мақсад муриднинг асосий хислатлари бўлади ва шу тариқа обрў-эътибор ва фазилат топади. Юқорида муридни йўлдан урадиган ва унинг манфаатига мос келмайдиган барча салбий хислатлар саналди. Уларнинг аксарияти одамларда мавжуд ва кўп кишилар шу фазилатлар билан яшайди. Чунончи: бойлик, мансаб, шухрат, фаҳш, такаббурлик, таъмагирлик, ўйин-кулгу каби хислатларни одамлар хатто севишади ва унга интилади. Ёлғон, нифоқ, риёкорлик, ҳаромхўрлик, иккиюзламачилик ва бошқа хусусиятлар хам инсон зотига бегона хусусиятлар эмас.

Нақшбандия тариқатида амалий тажрибадан ўтган устоз-шогирд анъанаси бугунги кунда бўлажак ўқитувчилар учун назарий, методик ва амалий манбаа бўлади. Шу сабабли мазкур анъаналардан технологик таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда оқилона фойдаланишнинг имкониятлари мавжудлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Талабаларда касбий компетентликни такомиллаштиришда устоз-шогирд анъаналарини ривожлантириш ва бу борада Нақшбандия тариқати илмий меросидан фойдаланиш ҳозирги кун талашибидир. Таълим тизимини ривожлантириш олий таълим тизимини ислоҳ қилишдан бошланади. Талабаларимиз ўз устида ишлашни, билимларини бойитишни, илм олиш йўлида ҳар қандай қийинчиликларга бардошли бўлишни буюк аждодларимиздан ўрганмоғи лозимдир. Бу таълим тизимидағи барча ислоҳотларни амалга оширишнинг энг тўғри йўлидир. Зеро аждодларимиз яратган буюк устоз-шогирд мактаби мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантириш ва юқори чўққиларга олиб чиқиши шубҳасиз.

3.5. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИДА КАСБ-ХУНАР ЭГАЛЛАШГА Даъват.

Баҳоуддин Нақшбанд-валий инсон, улуг рухоний мураббий, кўпдан-кўп покиза хислатли одамларни тарбиялаган, янги силсилани вужудга келтирган зот. Шунга қарамай, ниҳоятда камтарона ҳаёт кечирган, тақво, ҳалоллик, ҳакгўйлик, адолатхоҳлиқда намуна бўлганлар. Ўзларига тегишли ерда дехқончилик қилиб, баъзан ота касб-кимхобга нақш солиб, лукмаи ҳалол билан рўзгор ўтказган. Битта сигиримиз бор эди, деб эслайди у киши-ўзим боқардим ва ўзим соғар эдим” [51].

Тасаввупнинг машхур билимдони, атоқли шарқшунос Е. Э. Бертельснинг ёзишича, Нақшбанд таълимотининг асосида ихтиёрий равишдаги факирлик ётади... Шунга биноан, Баҳоуддин Нақшбанд умри бўйи дехқончилик билан кун кечирган, ўз қишлоғида унчалик катта бўлмаган ерига буғдой ва мosh экар экан. У уйида ҳеч қандай мол-дунё ва бойлик сақламаган, кишида қамишлар устида, ёзда эса бўйра устида ётиб кун кечирган. Унинг уйида ҳеч қачон хизматкор ҳам бўлмаган. Ҳазрати Нақшбанд бутун умрини ўз хоҳиши билан фақирлик ва йўқсилликда ўтказган. Зоро, бу тариқатнинг асл ақидаси — «Дил ба ёр-у, даст-ба кор» — яъни «доимо кўнглинг Аллоҳда бўлсин, кўлинг эса ишда», деган гояни илгари суради. У ўз қўл кучи билан кун кўришни ёқтирган, топган-тутганларини — етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган, хукмдорлардан доимо ўзини йироқ тутган, улар олдида ҳеч қачон таъмагирлик қилиб яшамаган.

Маълум бўляптики, Хожа Баҳоуддиннинг касблари кимхобга, яъни матога нақш солиш экан. Чунки тариқат пирлари маълум бир касбни ўрганиб, ҳаёт кечирганлар. Зоро, пайғамбар алайхис-саломнинг: «Қуръонни ўқиб, унга амал қилинглар. Ундан узоклашиб ҳам кетманглар, унинг маъносига чуқур етаман, деб хато ва муболағага берилиб кетманглар, уни тирикчилик воситаси қилиб олиб, мол-у дунё орттиришга ҳам ўтманглар», деган ҳадисларига тариқат пирлари амал қилганлар. «Арқон олиб тоғдан ўтин териб, уни сотиб еб ва садақа қилган одам, тиланчилик билан кун кечиргандан яхшироқдир», деган ҳадис текинхўрлик, таъмагирликка қаршидир.[7]

Ривоят қилинишича, Хирот шохларидан бири ҳазрат Баҳоуддин шарафига зиёфат уюштирибди. Лекин шох зиёфатига қатнашган Баҳоуддин дастурхондан ҳатто нон ушоғини ҳам олиб оғзига солмабди. Бунинг сабабини шох сўраганда: «Жанобларининг касблари не?», дебди. Шох ҳайрон бўлиб: «Ҳазрат, мен шаҳаншоҳмен! Касбим шу!» деб жавоб берганда, Ҳожа Баҳоуддин: «Шоҳлик касб эмас. Довуд алайхиссалом темирчилик қилиб кун кўрган. Сизнинг дастурхонингиздаги ноз-неъматлар пешона тери билан топилгандা эди, ҳалол хисобланарди. Узр, бизга бу дастурхондан овқат тановувул қўлмоқ жоиз эрмас» деб шоҳ зиёфатидан чиқиб кетади.[5]

“Нақшбандия тариқатининг бош шиори янглиғ талқин этиладиган “Дил – ба ёр-у, даст – ба кор” ақидасига кўра, солик моҳиятда, яъни ичida ҳамиша Ҳудога кўнгил кўйиши шарт, аммо ташки жиҳатдан караганда унинг кўли иш билан банд бўлавериши лозим. Бунинг моҳиятга зиёни йўқ. Ёки мавжуд ўн бир ақидадан бири – “Хилват дар анжуман”га диққат қиласайлик. Ўзи-ку тасаввуфда хилват – бош масалалардан бири. Чунки инсон жамиятдан узилиб, ёлғиз ҳолда Аллоҳни ўйласа, нафъ кўпроқ – фикри чалғимайди, бошқа ҳою ҳавасга берилмайди. Умуман, тасаввуфда, Аллоҳ билан бўлиш учун бошқа одам билан сұхбатлашиш ҳам халақит қиласади, деган кучли қараш бор.

Нақшбандия моҳиятан бу ақидаларни ҳеч ҳам инкор этмайди. Бироқ ташки тарафдан анжуман, яъни одамлар даврасида бўлавериш керак. Чунки ҳақиқий Аллоҳ йўлига кирган солик ана шу жамият ичida ҳам хилват қиласаверади. Сабаби – хилватга чекиниш инсоннинг қалбида кечавериши мумкин ҳодиса-ку. Демак, масалаларни зохир ва ботинга бўлиш нақшбандияга Аллоҳга интилиш йўлининг кўнгилда кечадиган жиҳатларини бирламчи қилиб кўйиши имконини берди. Бора-бора нақшбандияда ҳатто соликнинг очик-ошкор, яъни намойишкорона хилватга чекинишининг ўзига ҳам эътиroz пайдо бўлди. Ахир, ошкора хилват ҳам соликнинг ўзини кўз-кўз қилиши, яъни шу тариқа бошқалардан устундек бўлиб туришдек туюлмайдими?

„Нақшбандия тариқати ўзининг моҳияти, диний-фалсафий ғояларининг теранлиги, мусулмон мамлакатларидаги ижтимоий фикрга кўрсатган таъсири жиҳатидан тасаввуф фалсафасининг бошқа кўринишларидан устун туради. Баҳоуддин Нақшбанд таъ-

лимотида асосий ўрин тутган ғоя – кишиларни халол мөхнат қишишга, хунар ўрганишга, ўз мөхнати мөвасидангина баҳраманд бўлишга чақиришдир“[54]

Шариат конун-коидаларига амал қилиш ҳамманинг, авомнинг ҳам вазифаси. Тасаввуф эса – хос, шунга иқтидори-ю истеъоди бор, айрим танланган кишилар йўли. Лекин нақшбандия – ана шу танланган кишилар ўзининг тасаввуфга кирганини авомдан ажратиб кўрсатишига тамоман қарши.

Нақшбандия тариқатининг энг асосий тарбия усули – сұхбат. Чунки нақшбандийлар, сұхбатнинг фойдаси – кўп, сұхбат орқали инсон қалбига кириб бориш мумкин, деб ҳисоблашган. Алишер Навоий Баҳоуддин Нақшбанд сўзларидан келтириб, шундай ёзади: “Ва дер эрмишларки, бизинг тариқимиз сұхбатдур ва хилватда шұхратдур ва шұхратда оғат, хайрият жамъиятдадур ва жамъият сұхбатда, бу шарт билаки, бир-бирига нафй бўлулғай ва улча ул бузург буюрубтурки: “Кел, бир соат иймон келтирайлик”. Ишорат ангадурки, агар жамъи бу йўл соликлари бир-бири била сұхбат тутсалар, анда кўп хайру баракатдур”.

Бундан маълум бўладики, нақшбандия тариқатида сұхбат – муҳим шартлардан. Шуни ҳам унутмаслик лозимки, хожагон-нақшбандия тариқати ҳар қандай анжумандаги сұхбатни тарғиб қила-верган эмас. Шаҳобиддиннинг “Мақомоти Мир Кулол”ида ўқиймиз: “Билингки, нодонлар сұхбати сизни Аллоҳ таолодан йироқ этур. Раққослар мажлисига ҳозир бўлманг (тарона билан соҳта зикр тушувчи кишилар назарда тутиляпти), улар сұхбатига яқинлашманг, чунки бу тойифадагилар юракни ўлдиради, яна улар аҳли ҳол эмас (сунъий жазавага тушади). Соҳиби ҳол улдурки, баданига пичноқ санчсалар ҳам, бундан унга пашиба чаққанчалик таъсир қилас. Мана бундай одамларнигина соҳиби ҳол деса бўлур”.

Баҳоуддин Нақшбанд наздида хилватда шұхрат бор. Яъни хилватга чекинган одам элдан ажралади, сўфиyllигини элга ошкора кўз-кўз қиласди, унинг бошқалардан ўзгача йўлда экани ҳақида-ги гап ҳаммага аён бўлади. Шундай қилиб, у шұхрат қозонади. Шұхрат қозонилган ерда эса оғат бор. Буни ҳаёт деярли ҳар куни исботлаб турибди.

Демак, жамият, яъни кўпчилик ичида хайрият, яъни хайру бара-ка бор. Жамият эса сұхбат орқали пайдо қилинади. Аммо Абдурах-

мон Жомий келтирган ва Алишер Навоий ўзбекчага таржима қилган бу матнда бир шарт ҳақида ҳам гап боради. Бу – сұхбат чоғида соликларнинг бир-бирига нафй бўлиши масаласи. “Нафй бўлиш” дегани бир-бирининг фикрини инкор этиш, деган маънони беради. Бу ерда шу тариқа сўфийлар бир-бирининг хатосини тузатиши кўзда тутилган. Чунки бир руҳий ҳақиқат шундаки, ҳар қандай гурунг охир-оқибат сұхбатдошларни бир-биридан узоклаштиради ҳам. Ахир, ҳар кимнинг фикрлаш тарзи, қарашида фарқ бор-ку. Шунинг ўзи ҳам, аслида ботинан хилват сари яқинлашиш эмасми? Мантиқан шунинг ўзи ҳам Аллоҳга явуқлашиш сари етакламайдими?

Айтмоқчи, илгариги сўфиёна тариқатларда ҳам хаёлан Аллоҳ билан ва бевосита ҳалқ билан сұхбат масалалари бор эди. Аммо уларнинг ҳар бирида бу масала ҳар турли ҳал этилган. Масалан, Абу Бакр Сайдалоний шундай деган: “Ҳақ била сұхбат тутунг ва агар тута олмасангиз, ул киши била тутунгки, ул Ҳақ била сұхбат тутар, то аниңг сұхбати баракоти сизни Ҳаққа еткургай”.

Шайх Абу Бакр Сайдалонийнинг бу ақидаси нақшбандия шиорига яқин келади. Лекин жиддий фарқ ҳам бор. Нақшбандияда жамият билан – эл билан сұхбат кўзда тутилган, Сайдалонийда эса фақат Аллоҳ билан сұхбат тута оладиган киши билан сұхбатлашиш тарғиб этилган. Чунки бу шайх Тангри билан кўп бўлиб, ҳалқ билан оз бўлиш тарафдори. Ҳолбуки, тасаввуфдаги кўп қарашлар бўйича, хилват ўта мухим масалалардан. Абу Бакр Сайдалоний яна айтган: “Тенгри таоло била кўп бўлунг ва ҳалқ била – оз”.

Аммо шаҳарлик косиб ё савдогар, қишлоқлик дехқон бу ақидага қандай амал қиласин? Улар хилватда машғул бўлиши учун касбнинг баҳридан ўтиши керакми? Охири бу таълимотни қабул килмай қўйиши ҳам мумкин. Чунки тирикчилик масаласи ҳам бор-да. Демак, бундай кишиларга тасаввуфни бевосита яссавия йўли билан сингдириш жуда қийин. Шундай йўл излаш керакки, ҳар куни иш билан машғул одамлар ҳам, яъни деққон-у косиб-у тужжор ҳам тасаввуф шуглига бошласин.

“Дил – ба ёр-у, даст – ба кор” шиори тасаввуфни айни ана шундай ижтимоий табакалар учун ҳам мос бир тариқатга айлантиради. Демак, хилват масаласи ҳам нақшбандияда бошқача – худди шу “Дил – ба ёр-у, даст – ба кор” ақидасидан келиб чиқиб ҳал қилин-

ди. Хожагон жамоасида илгаридан амал қилиб келинган бу шиорни Баҳоуддин Нақшбанд шундай тушунтиради: “Яна (у кишидан. – С. О.) сўрдиларки: “Сизинг тариқингиз биноси не ишгадур?” Дедиларки: “Анжуманда хилват – зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ субҳонаху таоло била”. Бу – зоҳирсан, яъни юзаки қараганда, халқ билан бирга бўлиш, унинг йифинлари – тўй-маъракасига ҳам бориш, лекин қалбида – ботинан хилват қилиш, яъни ҳамиша кўнгилда Худо билан бирга эканликни унутмаслик», дегани. Устахонасида ишлаётган косибга ҳам, дўконда ўтирган савдо-гарга ҳам, мактабда болаларга таълим берадиган муаллимга ҳам мос келадиган ақида эди бу.

Нақшбандияда меҳнатга муносабат масаласи ҳам бошқача ҳал этилди. Баҳоуддин Нақшбанднинг муридликка келган ҳар бир шогирддан аввал: “Нима касб-у коринг бор? Кўлингдан қандай иш келади?”, деб сўраши, агар ҳеч бир касби бўлмаса, тариқатга киришдан аввал бориб бирон касбни ўрганиб келиши учун қайтариб юборгани ҳақида ҳикоят-у ривоятлар бор. Бу бежиз эмас эди. Нақшбандия дунёвий ишлардан ажралмаган ҳолда ҳам сўфий бўлишнинг йўлини тутган тариқат эди.

Нақшбандиянинг бошқа айрим шиорлари ҳам ана шундай таркидунёчилик бўлиб туюлган, таъбир жоиз бўлса, тасаввуфнинг ўта кескин йўлларини мўътадиллаштиргани билан дунёвийлик касб этди. Шу тариқа у тасаввуфни ҳаётга яқинлаштириди, уни меҳнат кишилари шароитига мослаштириди.” [53]

Нақшбания тариқати ва унда инсонни комиллика етакловчи куч сифатида ҳалол пок меҳнат билан кун кўриш, касб-хунар ўрганиш, барча шароитда ҳақгўй ва камтар бўлиш каби ҳислатларини талабалар онгига сингдиришимиз лозимдир. Бу маълумотлар дарсдан ташқари вактларда ёки бошқа фанларнинг ичидаги олиб борилиши, шунингдек, маҳсус маънавий–маърифий тадбирлар ўтказиш йўли билан ҳам талабаларга етказилиши мумкинdir.

Бўлғуси технологик таълим ўқитувчисини касбий компетентлигини оширишда асосий ургуни унинг касб-хунар эгаллаши, илм олишга ва маънавиятини оширишга қаратишнимиз лозимдир.

Шайх Саъдий дейдиларки:

Фақат жойнамоз-у тасбех-у хирқа

Ила ҳосил бўлмас экан тариқат.

*Тариқат, дегани билсанг, аё дўст,
Бу -халқقا хизматдур, хизматдур фақат!*

Хозирги талаба бу-бўлгуси ўқитувчидир. Ўқитувчи бу келажакимиз бунёдкорлари бўлган ёшларимизга билим, касб-хунар берадиган ва энг аввало, уларни инсон қилиб тарбиялайдиган зотdir. Шундай экан биз бўлғуси ўқитувчиларни тарбиялашга бор куч, тажрибамизни қаратмофимиз жоиз. Бу вазифаларни буюк аждоддларимиз қолдирган маънавий-маърифий меросимиз- ни ўрганмасдан бажариб бўлмайди.

Маълумки ўқитувчилик касби ўта маъсулиятли касб бўлиб, турли интеграцион билим ва кўникмаларни талаб этади. Технология фани ўқитувчиси келажакда ўқувчиларга билим бериш билан бирга уларда маълум касб-хунарга оид кўникмаларни шакллантиради. Бунда берилган буюмларни тайёрлашда ўқитувчи юкори малака ва касбий маҳоратга эга бўлмоғи керак. Ушбу натижага эришиш учун билим ва кўникмалардан ташқари ўқитувчининг ўз синалган услуби, таълим ва тарбия орқали ўқувчиларга таъсир ўтказа олиш қобилияти бўлиши лозим. Дарс жараённida ўқувчиларга билим бериш билан бирга уларда меҳнат қилиш кўникмаларини ўстириш ва меҳнат орқали тарбиялаш кўникмасига эга бўлишни талабаларга олий таълим муассасаларида шакллантириш лозимдир. Накшбандия тариқатида меҳнат тарбиясига, касб хунарнинг инсонни тарбиялашдаги ўрнига катта эътибор берилган.

Накшбандия таълимотида поклик, ҳалоллик, кўйл меҳнатини инсонни камолотга етказувчи омиллар сифатида қаралади. Ушбу сифатлар ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Барча соҳаларда ва шу жумладан ўқитувчилик касбida ҳам ҳалоллик, поклик каби сифатлар тарбияниши лозимдир, зоро ўқитувчи ўзи ҳалол бўлса у ўз ибрати билан ўқувчиларни ҳам тарбиялайди. Бунда энг яхши намуна сифатида нақшбандия тариқати намоёндаларининг хаёти ва бизгача етиб келган таълимотини мисол қила оламиз.

3.6. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВОСИТАСИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ АМАЛИЁТДА ТАТБИҚ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27-февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ни Карорида “таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш” вазифаси кўйилган. Шу жиҳатдан технологик таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда сифат ва амалий фаолият масалаларига эътибор бериш долзарб бўлиб турибди. Бу ўринда эътиборимизни Нақшбандия тариқати воситасида касбий компетентликни такомиллаштиришни амалиётга татбиқ этиш муаммоси таҳлилига тортганиз.

Касбий компетентликда назарий билим, амалий кўникма ва услубий малакаларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур масалада нақшбандия тариқатида ўзига хос йўналишлар мавжуд бўлиб, уларда технологик таълим йўналиши талабларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда дидактик имкониятлар мавжуд. Ушбу имкониятларнинг асосий жиҳатларини кўйидагилар ташкил этади:

1. Олий таълим муассасаларида ўқитилаётган “Технологик таълим практикум” фани доирасида нақшбандия тариқати каби амалиёт тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун, ушбу тариқатда ўз касбини чуқур билиш қоидаси қатъий кўйилган. Унга кўра, шахс бирор касбни тўлиқ эгалламасдан амалий фаолиятга киришмаган. Шу сабабли Нақшбандия тариқати вакиллари таълим бериш, дехқончилик, хунармандлик каби касбларни ҳалол хунарлар ҳисоблаб, уларнинг асосларини чуқур ўзлаштиргандан кейин амалий фаолиятга киришган. Бугунги кунда технологик таълим йўналиши талабалари ўз касби бўйича эгаллаган назарий билимларини амалиётга татбиқ этиш кўникмасини эгаллаши керак.

2. Олий таълим муассасаларида ўқитилаётган “Касбий компетентлик” ўкув фанини нақшбандия тариқатининг амалий асослари билан бойитиш имкониятлари мавжуд. Жумладан, мазкур тариқатдаги кўйидаги талаблар технологик таълим йўналиши талабала-

рининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади:

- замон талабларига мос билимларни эгаллаш;
- ёшларни муносаб вояга етказиш;
- халқ хизматида бўлиш.

Бу талаблар технологик таълим йўналиши бўлажак ўқитувчи-ларининг касбий фаол бўлиши асосларини ташкил этиши маълум. Шу сабабли “Касбий компетентлик” фанини Нақшбандия тариқати тажрибалари асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Умумтаълим мактабларида ўқитиладиган “Технология” фани мазмунини нақшбандия тариқатининг амалий асослари билан бойитишнинг дидактик тамойиллари мавжуд. Масалан, бу борада Нақшбандия тариқатининг қуидаги амалий талабларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ўқувчиларнинг лаёқатини муайян касб ёки хунарга йўналтириш;
- ўқувчилар онгига меҳнатсеварлик ва меҳнат эвазига яшаш қадриятини таркиб топтириш;
- ўзгаларнинг меҳнатини қадрлаш ва ўзгалар учун ҳамиша ёрдамга тайёр туриш ;
- ижтимоий ташаббускор ва фаоллик кўрсатиш.

Нақшбандия тариқатидаги бу талаблар технологик таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда амалий асос бўлиб хизмат қиласди.

Технологик таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Педагогик маҳорат” фанларини Нақшбандия тариқатининг амалий фаолиятга оид асосларидан фойдаланиш билан бойитиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу маънода мазкур фанлар доирасида “Нақшбандия тариқати асослари” маҳсус курсини ташкил этиш мумкин. Мазкур маҳсус курсда талабаларга қуидаги йўналишлар бўйича қисқа ва тезкор билим бериш кутилган самарани беради:

- Нақшбандия тариқатида таълим асослари;
- Нақшбандия тариқатида тарбия услублари;
- Нақшбандия тариқатида касбий тайёргарлик қоидалари;
- Нақшбандия тариқатида амалий фаолият омиллари.

Ушбу йўналишлар бўйича технологик таълим йўналиши талабаларига тушунча ва билим бериш уларни касбий компетентлик лаёкатини такомиллаштиришда амалий асос бўлиб хизмат қиласди. Чунки Накшбандия тариқатида таълим индивидуал асосларга эга бўлиб, у замонга мос касб эгаси бўлишга йўналтирилган. Бу тариқатда тарбия факат устоз воситасида амалга оширилиши билан самарали ҳисобланади. Шунингдек, тариқатда касбий тайёргарлик қоидалари сифатида ҳалоллик, ўз меҳнатини самарасини баҳолаш ва меҳнат эвазига фаровон яшаш кўйилган. Тариқатда амалий фаолият омиллари сифатида жамиятда фаолият кўрсатиш белгиланган. Буларнинг барчаси мазкур маҳсус курс воситасида технологик таълим йўналиши талабаларини амалий фаолиятга тайёрлашда ўзига хос тажрибалар сифатида хизмат қиласди.

Бу ўринда накшбандия тариқати воситасида касбий компетентликни такомиллаштиришни амалиётга татбиқ этиш асосларига эътиборингизни тортамиз.

1. Касбий компетентлик таркиби.

Педагог олимларнинг умумий фикрича, “касбий компетентлик-мутахассиснинг касбий вазифаларини бажаришга ва ўз касбий соҳасидаги фаолиятга тайёргарлиги”dir.[53] Бунда мутахассиснинг касбий тайёргарлиги ва ўз вазифасини бажариши билим компетенлигининг негизи ҳисобланади. Шу жиҳатдан компетентлик амалий қобилият ҳисобланади. ”Компетентлик-талаба томонидан алоҳида билим ва малакаларни эгаллашини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади”.[53] Мазкур ёндашувларнинг умумлашмасига кўра, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигига қўйидаги уч масала ўрин тутишини таъкидлаб ўтиш лозим:

- а) касбий вазифани билиш;
- б) касбий фаолиятга тайёргарлик;
- в) касбий амалиётга қобилиятлик;

Бу масалалар технологик таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳозирги замон педагогикасида ўқитувчининг қўйидаги касбий компетентлиги модели шакллантирилган:[52]



3.6.1 Ўқитувчининг касбий компетентлиги.

Бу ўзиги хос ёндашув бўлиб, умумпедагогик кадрлар компетентлиги асосларини ташкил этади. Айни пайтда, олий таълим муассасалари технологик таълим талабаларининг ўзига хос касбий компетентлик негизларини шакллантириш долзарб бўлиб туриди. Чунки мазкур талабалар келгусида технологик таълимни амалга оширади. Бизга замонавий тараққиётта мос равишда технологик таълим мазмуни, асослари ҳамда усуллари такомиллашиб, янгилашиб бораётганлиги маълум. Шу маънода бизнинг ёндашишимизга кўра, технологик таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлиги асосларини қўйидагича белгилаш мумкин:




3.6.2-расм. Технологик таълим ўқитувчининг қасбий компетентлиги таркиби.

Бундай ёндашув бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий компетентлигини шахс сифатида вояга етказиш имконини беради. Негаки бу компетенция бирликлари аниқлиги ва улар кейинчалик тажриба асосида бойитиб бориш хусусиятларига эгалиги билан амалий аҳамиятга эгадир.

2. Қасбий компетентликни тақомидлаштириш модели.

Олий таълим муассасалари технологик таълим йўналиши тала-
баларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришда нақш-
бандия тариқати тажрибаси муҳим ўрин тутади. Биз бу масалада
тадқиқотимизнинг назарий таҳлилларидан келиб чиқиб, қуйидаги
моделини ишлаб чиқдик:



3.6.3-расм. Технологик таълим ўқитувчиси касбий компетентлигини такомиллаштириш модели


Бундай модел технологик таълим жараённида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириша тажрибавий асос бўлиб хизмат қиласди. Чунки эътибор берилса, нақшбандия тариқати асослари функционал, профессионал ва перцептив хусусиятларга эгадир.

3. Касбий компетентликни такомиллаштириши моделини амалиётга татбиқ этишнинг дидактик имкониятлари.

Педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва уни бошқаришда инновацион ёндашувларга асосланиши, касбий ахамиятга эга бўлган шахсий сифатларга эга бўлиши, ихтиёрий вазиятларда ўзини-ўзи назорат қила олиши, шунингдек, таълим муассасасида хукм сурувчи тарбиявий муносабатларни эътиборга олган ҳолда фаолият олиб бориши, турли хил масалаларни ва муаммоларни ҳал этишда мавжуд ҳуқуқий-меърий мезонларга асосланиши зарур бўлиб, булар ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ифодалайди.

Нақшбандия тариқати асослари воситасида технологик таълим йўналиши талabalари касбий компетентлигини такомиллаштириш моделини амалиётга татбиқ этишнинг дидактик имкониятлари мавжуд. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

- а) педагогик туркумдаги фанларни нақшбандия тариқати асослари мавзуси билан бойитиш;
 - б) Касбий компетентликни такомиллаштиришда “Нақшбандия тариқатининг ўрни” маҳсус курсини ташкил этиш;
 - в) мустақил таълим воситасида талabalарнинг нақшбандия тариқати тўғрисида билим ва қўникмасини ошириш;
- Бундай ёндашув қуйидаги дастурий тузилмани шакллантириш имконини берди:



3.6.4-расм. Касбий компетентликни тақомиллаштириш процессини амалиёттага татбиқ этишининг дидактик имкониятлари

Мазкур дидактик имкониятлардан фойдаланиш технологик таълим йўналиши талабалари касбий компетентлигини такомиллаштиришни кутилган даражада амалиётга татбиқ этиш имконини беради. Бунинг натижасида қуидаги босқичларга амал қилиш лозим бўлади:



3.6.5-расм. Касбий компетентликни такомиллаштириш моделини амалиётга татбиқ этиш босқичлари.

Педагог олимлар касбий компетентликнинг шаклланганлигини паст ва юкори даражаларга бўлиб баҳолашни тавсия этишади.[53] Шу маънода Нақшбандия тариқати воситасида технологик таълим йўналиши талабалари касбий компетентликнинг такомиллашган даражасини баҳолашда қуидаги шкалага асосланиш мумкин:

Компетентлик даражалари		Билим, кўникма ва малака	
		Паст	Юкори
тахриба	паст	Паст билимли ва кам тажрибали	Юкори билимли ва кам тажрибали
	юкори	Паст билимли ва катта тажрибали	Юкори билимли ва катта тажрибали

3.6.1-жадвал. Касбий компетентликнинг такомиллашганини баҳолаш.

Шундай қилиб Накшбандия тариқати воситасида технологик таълим йўналиши талабаларида касбий компетентликни такомиллаштиришни амалиётга татбиқ этиш асослари мавжуд. Бунинг учун касбий компетентликни таркиби, уни такомиллаштириш модели, бу моделни амалиётга татбиқ этишининг дидактик имкониятлари ва касбий компетентликни такомиллашганини баҳолаш масалаларига дикқат қилиш кутилган самарани беради.

ХУЛОСА

Ёшлар — халқимизнинг асосий таянчи ва суюнчи. Кенг қўламли ислоҳот-ларимизни самарали амалга оширишда улар ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Айнан замонавий билим олган, илғор касб-хунарларни, инновацион технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз мамлакатимизни янада тараққий эттиришда етакчи ўрин тутади.

Маълумки, ёшлар янгича фикрлашга, янги-янги гояларни дадил ўртага ташлаб, уларни амалга оширишга, муаммоларни ижодий ва ностандарт ёндашувлар асосида ҳал этишга мойил бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ёш авлод вакилларининг билим олиши, илм-фан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъодод ва салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий хаётида фаол иштирок этиши учун барча шароитларни яратишга устувор аҳамият бермоқдамиз.

Имом Бухорий бобомиз тўплаган муборак ҳадислардан бирида: “**Ёшликда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабидир**”, деб айтилади.

Буюк алломаларимиз ана шундай ҳикматларга амал қилиб, илм-фан соҳасида буюк қашфиётларни амалга оширганлари ва умумбашарий тафаккур ривожига бекиёс ҳисса қўшганлари тарихдан яхши маълум.

Ана шундай кутлув анъаналарни давом эттириб, юртимизда янги Хораз-мийлар, Фарғонийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоийларни тарбиялаб етказиш — нафақат вазифамиз, балки тарих ва келажак олдидаги мукаддас бурчимиздир.

Шу сабабли юртимизнинг маънавий ва диний тафаккурини шакллантиришда жуда катта ҳисса қўшган азиз авлиёларимиздан бири Баҳоуддин Нақшбанд ва уларнинг давомчилари қолдирган бой маънавий-маърифий меросни ҳозирги кунда талабаларга етказиш ва шу орқали уларда касбий компетентликни шакллантириш мақсадида мазкур монографияни ёзиш зарурати туғилди.

“Педагогик таълимни ислоҳ қилиш нега шу қадар муҳим? Ўқитувчи шахси ҳар қандай таълим тизимида марказий бўғин ҳисобланади. У асосий роль ўйновчи шахсdir: ўқитувчи қандай бўлса, ўқувчилар ҳам (уларнинг билим, кўникмалари, қабул қилишла-

ри) шундай бўлади. Демак, давлат иқтисодиёти ҳам шунга қараб шаклланади. Улардан қай бири ОТМга кириши ёки жамиятимизда бир неча йилдан кейин келажакка ишонч билан бокувчи юқори маълумотли ва ҳеч нарсадан қўрқмайдиган авлод пайдо бўлиши ҳам айнан уларга боғлиқдир.”[48]

Юртимиизда бўлиб ўтган “З-Ренессанс буюк келажак пойдевори” номли конференцияда ҳам турли юртлардан келган меҳмонлар юртимиизнинг буюк тарихига ва мамлакатимизда туғилиб фақатгина юртимиизгина эмас, балки жаҳон цивилизациясининг ривожига улкан хисса кўшган аждодларимиз билан фаҳрланишимиз кераклигини тан олишди.

Уларнинг бизгача етиб келган бой маънавий-маърифий мероси ҳозирги кунда ҳам ўз тарбиявий ва педагогик аҳамиятини йўқотмади. Инсон онгига таъсир кўрсатиш унга ахлоқий тарбия бериш, тўғри йўлга бошлашнинг энг афзал йўли бу диний тарбия беришдир.

Шу сабабли ҳам биз талабаларимизга билим бериш, ҳунар ўргатиш билан бирга уларга иймон эътиқод, диний билимлар, жумладан тасаввуф илми ҳақидаги билимлар орқали маънавиятини шакллантиришимиз лозимдир. Ҳазрат Али розияллоҳу анху айтади: «Илм талабида бўлганни жаннат, гуноҳ ортидан юргурганни дўзах кутиб туради». Ушбу сўзларни ҳозирги кунимизга татбиқ этадиган бўлсак жаннатимиз ҳам дўзахимиз ҳам яшаётган ҳаётимиз- дир. Илм олсак ҳунар ўргансак ҳаётимиз гўзал ва фаровон бўлади. Буни аксини қилсак тўғри яшамасак, меҳнат қиласасак, бекорчиликда умримизни бесамар ўтказсак ҳаётимиз дўзах сингари бўлади.

Комил инсон ғояси инсониятнинг асрий орзузи бўлиб, уни комиллик даражасига етказиш учун қатор омиллар муҳим рол ўйнайди. Булар: ижтимоий мухит, таълим-тарбия, кишининг ички-туғма имкониятлари, одамнинг ўз фаоллиги кабилардир. Инсон руҳияти билан иш кўрганда, аввало, шахснинг таркибий қисмлари – тузилишини ўрганмок жоиз. Шахс тузилишида онгли, оқилона хусусиятларгина бўлмай, балки унда онгсиз, онг ости психик томонлар ҳам мавжуддир.

Бундай инсонга таъсир этувчи омилларни нақшбандия тариқати таълимотида топишимиз мумкин.

Юқоридаги барча фикрларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги

хүлосаларни бериш мумкин:

1. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда диний мерос ва мил-лий қадриятларни ўрганишга бўлган талаб ортиши ушбу мавзуни чуқурроқ таҳлил этишни тақозо этади;
2. Талабалар тарбиясида диний меросимиз, жумладан нақш-бандия тариқати илмий меросидан фойдаланиш ва ушбу меросни замонавий талқинда талабалар онгига етказиш усул ва услубла-рини ишлаб чиқиши заруратини келтириб чиқарди.
3. Ижтимоий-маданий ҳаётда диний мерос ва миллий ўзлиknи англашда буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодини талабалар-га етказишида соғлом диний маърифат тамойилларига амал қилиш лозим;
4. Дунёвий давлатда диний билимлар, жумладан нақшбандия тариқати илмий меросини ўргатиш, талабаларнинг маънавий ка-молот даражасини оширишга имконият яратади;
5. Талабалар маънавиятини ва касбий компетентлигини тако-миллаштиришда анъанавийлик ва замонавийликни уйғун ҳолда ривожланишига шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга;
6. Жамиятнинг маънавий янгиланишида аждодларимиз меро-сини таянч қилиш асрлар давомида шаклланган ўзлигимизни ан-глашнинг энг мақбул йўлидир;
7. Нақшбандия тариқатида касб-хунар эгаллашга бўлган даъ-ват Технологик таълим йўналиши талабаларининг хунар эгаллаш-га бўлган интилишларини кучайтириш, хунарнинг инсон ҳаётида нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини англатади;
8. Нақшбандия тариқатида барча ишда комилликка эришишга бўлган истак талабаларда касбий компетентликни тақомиллашти-ришда мотиватор вазифасини бажаради;
9. Шогирдни тариқатга ўргатиш уни руҳий тайёрлаш – кўни-тириш, тартиб-интизомга ўргатишдан бошланган. Талабаларга би-лим беришда ҳозирги кунда уларга руҳий таъсир ўтказиш тарбия орқали, шахсий намуна бўлиш, уларни тартиб-интизомга ўргатиш, меҳнат илиа қийинчликларга чидаш орқали ўз касбини устаси да-ражасига етишиш мукинлигини исботлайди;
10. Нақшбандия тариқати ва унда инсонни комиллика етакловчи куч сифатида ҳалол пок меҳнат билан кун кўриш, касб-хунар ўрга-ниш, барча шароитда ҳақгўй ва камтар бўлиш каби ҳислатларини

талабалар онгига сингдиришимиз лозимдир;

11. Нақшбандия тариқатида инсон барча ишда комилликка эришмоги фарз

саналади. Бу Аллоҳга бўлган кучли муҳаббат бўладими, ўз қасбига муҳаббатми барча ишда комилликка эришмок тариқатнинг асоси ҳисобланади.

Нақшбандия тариқати илоҳий билимлар, илмлар булогидир. Ундан баҳра олган инсон илоҳий ташналикини қондириб маънавий камолоттга етади. Унинг илоҳий нури инсон онгининг коронги бурчакларини ёритиб руҳини равшан этади. Ушбу билимлар ёмон инсонни яхши, яхши инсоннни мукаммал инсон даражасига қўтара олади.

Эркин фикрлайдиган, ўз фаолияти натижаларини қўра оладиган, динамик ўзгарувчан дунёда шахсни тарбиялайдиган педагогларни етиштириш учун биз албатта замонавий технологиялар билан бирга бой маънавий меросимиздан ҳам фойдаланишимиз лозим. Зеро малакали ва ўз ишининг устаси бўлган, ижодий фикрлайдиган, рақобатбардош кадрларга талаб ҳамиша кучли бўлади.

ИЛОВА

НАЖМИДДИН КОМИЛОВНИНГ ТАСАВВУФДАГИ АТАМАЛАР ШАРХИ

Тавба – қайтиш демак, яъни камолотга, олий ахлоқий сифатларга қайтиш. Тавбани бобул абвоб – эшикларнинг эшиги ҳам дейдилар, чунки тариқатга қадам қўйган одамнинг нияти ва моҳијати аввало шу тавбасида аёнлашади. Тавбанинг ҳақиқати шуки, солик Худога етишиш йўлига ғов бўладиган жамики нарсалардан қайтишга қасамёд этади, бутун интилиши, таважҷухини Оллоҳга қаратади, аввалги ҳаёт тарзидан бутунлай воз кечади. Тавба куфрдан, шариат манъ этган наҳий ва ёмон ишлардан қайташ, замима ахлоқдан ҳамида ахлоққа қайтиш, Ҳақнинг гайри бўлган нарсалардан қайтиш кабиларни ўз ичига олади. Тавбанинг моҳијати ўз нуқсонларини кўра билиш, ўзининг ахволини англаш, қабих ишлар, қабих феъл ва қабих фикрдан қайтиш, дунёнинг маънисизлиги, арзимаслигини англаб, зулм-у адолатсизликдан қайтиши ҳам билдиради. Кўркув тавбаси, гуноҳга икрор бўлиш – оддий одамларга хос. Сўфийлар тавбаси қалб истижоби, яъни – узилиш, ўзгариш тавбасидир.

Вараъ сўзининг маъноси парҳез, такво бўлиб, булғанишлардан, маънавий зарар келтирадиган шубҳалардан сақланиш демакдир. Шиблийнинг кўрсатишича, вараънинг уч кўриниши бор: тил вараъи, яъни тилни бемаъни гаплар учун ишлатмаслик, ғийбат-туҳматга берилмаслик; кўз вараъи – шубҳали нарсалардан сақланиш, ғализ шаклларга бокмаслик; қалб вараъи, яъни паст ҳимматни тарк этиш ва ноҳуш киликларни қилмаслик. Кўнгил манъ этган жамики нарсалардан парҳез килиш, тамаъдан сақланиш, маҳрумликдан кўркишдан ҳазар қилиш. Хуллас, тилга кўзга, кўлоққа ва оёққа банд солиш.

Зуҳд – вараънинг давоми ҳисобланади, бу ҳам парҳез қилиш демакдир. Аммо бунда таом ва ичимлиқдан сақланиш, ҳалол ва ҳаромни ажратишга алоҳида аҳамият берилади. Зуҳд сўфий учун дунё ва охират тарки, дунё молига эга бўламан деб интилмасликдир. Ҳадис: Кимки дунёдан парҳез этса, унинг қалби тажаллиёт нури кирадиган жойга айланади. Жунайд Бағдодий сўзи: «Зуҳд – қўлни

мулқдан холи тутиш, дилни эса Ҳақдан ўзга ҳар нарсадан пок сақлаш дамак». Имом Ғаззолий дейди: «Зуҳд дунёдан ихтиёрий равишда воз кечиш ва бунинг учун қайғурмаслиқдир».

Фақр – маъноси қашшоқлик, бенаволик. Сўфийлар наздида улуғвор илоҳий моҳият касб этиш бўлиб, Худога бандаликни сидкидилдан олий даражада бажо келтириш, бандаликдан шараф топиш, ниёзмандлик ва талабгорликда йўлдаги тупроқ мисол ном-у нишонасиз бўлиш, Илоҳ наздида ўзини зарра, балки заррадан ҳам кам деб ҳисоблаш. Ва шу мартабада комиллик рутбасини қозониш ҳам. Барча нарсалар, олам-у Оллоҳга тегишли, инсоннинг вужуди ҳам ўзиники эмас. Чунки у ҳам Яратганинг мулкидир. Фақрни ана шундай мазмунда англаган одам тасаввуф моҳиятига ҳам етиб боради.

Сабр – тоқат, чидам. Сўфийлар тилида қийинчиликлардан шикоят қилмаслик, айниқса, Худодан бошқага нола-илтижо қилмаслик. Сабр этувчи (собир) ўзини бало гирдобига солиб, балолардан кўркмайдиган одамдир. Рухий-маънавий мушкилликлар юз берганда, сабр қилган солик кушиш топади, янги манзилларни кашф этади. Сабр – иймоннинг ярми дейдилар, чунки сўфийнинг душмани бўлган нафс сабр орқали жиловланади, тоатдан ҳаловат топиш ҳам сабр билан бўлади.

Хавф – қалбнинг ишончдан, иймон амридан чиқиши, иккиланиш, таҳлика. Вақтинчалик шайтон найранги ҳам кўнгилга хавф-кўрув солади. Солик азобдан эмас, балки макрдан, нафс макридан кўрқади. Ваҳоланки, шайтон иймони мустаҳкам одамдан қўрқиши керак.

Ражо – умидворлик. Қалбнинг келажакда Маҳбуб васлига етишидан умидворлиги, хавфдан қутулиш умиди. Дилнинг соғинчи, интиқликлари ҳам шунга киради.

Таваккул – барча яхши-ёмон ҳодисалар, ишларни Худодан деб билиш, куллан Парвардигорга суюниш. Таваккул илоҳий файзга эътимодли кишининг иймонидир. Бу маърифат камолидан келадиган олиймакомдаги иймонидир. Барча ҳолларда ва амалларда Оллоҳга суюниш, ўзини бир фаолият асбоби ҳисоблаш, барчани Худога топшириб, Худодан ўзга нарсалар ҳам худодан эканига чуқур ишониш. Инсон жуда кўп нарсаларни қила олади, аммо бу ҳаракатларнинг бари Улуғ Оллоҳ құдрати туфайли, Құдратининг намоён бўлиши эканини англаш шарт. Худонинг иродаси бизнинг

иродамизга ҳоким. «Таваккул – иймон ҳақиқатидир» (Кошоний).

Ризо – қалбдан қабоҳат-кирларнинг кетиши, қазову қадар ҳукмига бўйсуниш, нафс розилигидан чиқиб, Ҳақ розилигига киришдир. Қазо амрига таслим бўлган қалбнинг суури. Лохижий: Ризо – банданинг ўз ризосидан чиқиб, Маҳбуб ризосига кириши, илоҳий қисматга зарра эътиroz қилмаслигидир. Соликда ушбу мақомда ҳеч нарсадан газаб, ҳаяжон, гина-кудрат ва хафаланиш бўлмайди... Бундай тўхтовсиз изланиш, руҳий изтироблар замирида кучли муҳаббат, мақсадга етишиш йўлидаги бемисл инсоний сидку вафо, фидойилик ётарди. Шундай пайтда истеъодли соликларнинг қалб кўзлари очилар, бешта ташқи ва бешта ички (хотира, ҳофиза, ақл, тахаййул, тасаввур) ҳислардан бошқа, яна ҳайратга солувчи зеҳний ва важдий (интиутив) қобилиятлар пайдо бўларди.

Унс – (дўстлашув) эса кўнизиш, Худо меҳрига, шафқатига одатланишини англатади.

Мужоҳида – нафсни маҳв этишга қатъий интилиш, танга машаққатни раво кўриб, маънавият учун жиҳод, яъни жангга кириш ва ғалаба қилиш демак. Мана шундай жидду жаҳд, шиддатли руҳий изтироблардан кейин солик Ҳақ жамолини мушоҳида эта бошлайди.

Мушоҳида (кўриш) эса ўз навбатида ғайб пардаларининг очилиб, илоҳий сирларнинг кашф этилишига йўл очади – мукошифа мартабаси ҳосил бўлади.

Албатта, бу мартаба – манзилларнинг кетма-кетлик тартибини шартли, деб билмоқ керак. Чунки бу ҳолатлар соликда навбатманавбат юз бериши ҳам ёйинки бирданига бир неча хислат соҳибига айланиши ҳам мумкин.

Жазба – бу инсондаги алоҳида илоҳсеварлик майли, руҳий ва тафаккурий-шуурий бир таважжуҳдир. Ҳазрати Баҳоуддин Накшбанддан бу мартабага қандай қилиб эришдингиз, деб сўраганларида, ул зот мана бу арабча жумла билан жавоб берган эканлар: «Жазбатун мин жазботил ҳаққи ювазил амалис сақлатаини», яъни: «Одамзот ва жин-парининг амали учун Ҳақнинг жазбалари –тортишларидан бир тортиш кифоя».

Демак, жазба – тортиш, Ҳақнинг бандаларига ва бандаларнинг Ҳаққа интилиши, иродани Илоҳга боғлайдиган дард. У кўнгилни бетоқат этиб, факру фано йўлига етаклайверади. Жазба қанча кучли бўлса, солик шунча тез тарикат одобини ўзлаштириб, қалб кўзи

очилади, ҳолга киради.

Сайр иллаллоҳ (Оллоҳ томонга сайр). Бу нафс манзилларидан равшан уфқларга етгунча бўлиб, қалб мақомидир ва илохий исмлар тажаллиётининг чиқадиган жойидир.

Сайр филлоҳ (Оллоҳ оламида сайр). Унинг сифатлари билан сифатланиш ва исмларига етишиш орқали олий даражаларни топиш, рух мақоми ва Воҳидият хузурининг нихоятини таниш.

СИЛСИЛАИ ШАРИФ

1. Сайиди коинот ҳазрат Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам.
2. Ҳазрати Абу Бакр Сиддик (розияллоҳу анху)
3. Ҳазрати Салмон Форсий (розииллоҳу анху).
4. Ҳазрати Қосим ибн Мұхаммад (розияллоҳу анху).
5. Ҳазрати Жағфари Содик (розияллоҳу анху).
6. Ҳазрати Боязид Бастомий (қуддиса сирруху).
7. Ҳазрати Абул Ҳасан Ҳараконий (қуддиса сирруху).
8. Ҳазрати Абу Али ал-Фармадий (қуддиса сирруху).
9. Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний (қуддиса сирруху).
10. Ҳазрати Абдухолик Ғиждувоний (қуддиса сирруху).
11. Ҳазрати Ориф ар Ревгари (қуддиса сирруху).
12. Ҳазрати Маҳмуд Анжир ал Ғағнавий (қуддиса сирруху).
- 13 Ҳазрати Али ар-Рометаний (қуддиса сирруху).
14. Ҳазрати Мұхаммад Бобойи Самосий (қуддиса сирруху).
15. Ҳазрати Мир Кулол (қуддиса сирруху).
16. Ҳазрати Шохи Нақшбанд Баҳоуддин Увайсий ал Бухорий (қуддиса сирруху).
17. Ҳазрати Алоуддин Аттор (қуддиса сирруху).
18. Ҳазрати Ёкуб ал-Чархий (қуддиса сирруху).
19. Ҳазрати Убайдуллоҳ Ахрор (қуддиса сирруху).
20. Ҳазрати Мұхаммад Зохид (қуддиса сирруху).
21. Ҳазрати Мұхаммад Дарвеш (қуддиса сирруху).
22. Ҳазрати Хўжайи ал-Амканагий (қуддиса сирруху).
23. Ҳазрати Мұхаммад Бокий (қуддиса сирруху).
24. Ҳазрати Имом Раббоний Мужааддин алфи соний Аҳмад Фаруҳ ас-Сарҳандий (қуддиса сирруху).
25. Ҳазрати Мұхаммад Масъум (қуддиса сирруху).
26. Ҳазрати Шайх Сайфуддин (қуддиса сирруху).
27. Ҳазрати Сайид Нури Мұхаммад ал-Бадвоний (қуддиса сирруху).
28. Ҳазрати Шамсуддин Жони Жонон Мазҳар (қуддиса сирруху).
29. Ҳазрати шайх Абдулла ад-Деҳлавий (қуддиса сирруху).
30. Ҳазрати Мавлоно Зиёвуддин Ҳолид ал-Бағдодий (қуддиса сирруху).

31. Ҳазрати Аҳмад ибн Сулаймон Холид Ҳасан ас-Сомий (қуддиса сирруху).
32. Ҳазрати Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушханавий (қуддиса сирруху).
33. Ҳазрати Ҳасан ал-Кастамоний (қуддиса сирруху).
34. Ҳазрати И smoил Нажотий ас-Сағфир ан болий (қуддиса сирруху).
35. Ҳазрати Умар Зиёуддин ад-Догистоний (қуддиса сирруху).
36. Ҳазрати Мустафо Файзий ибн Амрullo ат-Такфурдогий (қуддиса сирруху).
37. Ҳазрати Ҳасиб ас-Шерозии (қуддиса сирруху).
38. Ҳазрат Абдулазиз ал-Косоний (қуддиса сирруху).
39. Ҳазрат Мұхаммад Зохир ибн Иброҳим ал Бурсоний (қуддиса сирруху).

ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЎГИТЛАРИ

Биз истасак жазба, истасак сулук йўли билан тарбиялаймиз. Бу бизнинг ихтиёrimиздадир. Суҳбатимизга келганлар орасида баъзиларининг дилларида муҳаббат уруғи мавжуд, аммо дунёвий алоқалар туфайли ривожланмай, ўсмай қолган. Бизнинг вазифамиз уларнинг дилларидаги ўша алоқаларни мидириб ташлашдир. Баъзиларнинг қалбларида эса муҳаббат уруғи йўқ. Бизнинг ишимиз бу қалбларда муҳаббат уруғларини юзага келтирмоқдир.

Қалбларнинг буюклиги аслида бир. Лекин улардаги маърифатнинг буюклиги фарқли...

Орифнинг қалбидек кенг ва катта бўлган бошқа нарса йўқдир. Ер ва осмонлар Орифнинг қалбига нисбатан бир нуқта кабидир.

Йигирма йилдир рангим ва сифатим йўқдир. Ҳозир ҳам бирортаси мени билмоқни истаса, шу онда ҳам рангим, сифатим маълум эмас...

Биз суюклига еткаришга воситамиз. Йўлга кирганларга лозимдирки, оқибат биздан айрилиб, суюклига етишсинлар.

Бу йўлда менга фақирлик катта ёрдам қилди. Бизни фақирлигимиз туфайли бу эшиқдан ичкарига олдилар. Нимага эришган бўлсан, шу сифатим билан эришдим...

Сулук йўлига эндиғина қадам кўйганимда, одамларнинг сўзиға қулоқ солдим. Агар Аллоҳдан гапирётган бўлсалар, вужудим билан тинглар эдим, аксинча, ғам ва қадарга ботиб, одамлардан узоклашар эдим.

Мен Ҳакни излашда буюк сабот ва ирода қувватини ҳосил қилишни бир қиморбоз кишидан ўргандим. Қиморбоз бор-йўғи бой бергандан кейин ёнидаги дўсти унга насиҳат қилиб, қимордан воз кечишини илтимос қилган. У эса: “Қиморда бошимдан жудо бўлишими билсан ҳам ундан воз кечмайман”,—дебди. Қиморбознинг бу сўзи қалбимга шундай ғайрат солдики, хозиргача у ғайратни муҳофаза қилаяпман...

“Биз Аллоҳнинг лутфи билан (маънан) нимага эришган бўлсан, Қуръони карим оятлари ва ҳазрат пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларига амал қилганлигимиздандир. Бу амалдан бирон натижага эришмоқ учун такво қилиб, шариат қоидаларига азимат билан риоя қилмоқ, ахли сунна вал жамоа асосларига амал қилмоқ ҳамда бидъатлардан қочмоқ керак”.

Тавҳид сирига эришмоқ мумкин эмас, маърифат сирига эришмоқ

мумкин.

“Даст ба кору дил ба Ёр, тан дар бозору дил ба Ёр” – қўлинг ишда, кўнгил Аллоҳда бўлсин, тан бозорда бўлса ҳам кўнгил Ёрда бўлсин”.

Бизнинг йўлимииз сухбатdir. Хилватда шухрат, шухратда эса оғат бордир. Хайр жамоат биландир.

Зоҳиринг бегона, ботинда бўл огоҳ ҳар нафас,

Бул каби озода рафторга жаҳон қилгай ҳавас.

Зоҳирда ҳалқ билан, ҳақиқатда эса Ҳақ билан.

Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишила, ўзинг эса қоронгида бўл, “Ҳою ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолат (адашув)дан иборатdir. Ишларда ниятни тўғри килиш энг муҳим нарсадир”, “Киши ўзининг нафсига тухмат килиши керак.

Кимки Ҳақ субҳонаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг ҳийла-найрангини англаған бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади. Бу йўлдан юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзларидан деб билиш ҳоллари кўп бўлади...

Мусулмонлик — бу иложи борича ҳукмларга бўйсуниш, тақвога риоя қилиш, амални бажаришга интилиш ва бекорликдан узок бўлиб, буларнинг ҳаммаси нури сафо ва раҳмат ҳамда валоят даражасига етишиш воситасидир. Авлиёларнинг азиз манзили ва мақомларига мана шу сифат ва парвариш орқали етилади...

Бизнинг тариқамиз жаҳрия зикри-ю, рақс эмас, бизнинг тариқамиз, анжуманда хилват (хилват дар анжуман), ватанда сафар (сафар дар ватандир. Хилватда шухрат бор, шухрат эса оғатdir.

Жамъиятда хайрият бўлади, жамъият эса сухбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гурухи бир-бировлари билан ҳамсуҳбат бўлсалар, бу сухбатда хайру барака кўп бўлади. Умид борки, бу ишга доимо амал қилинса, охири ҳақиқий иймон билан якунланади...

Кимки ана шу одобни ушласа, уни балоғат аҳлининг балоғатига етказади. Адаб бу – хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир.

Хизмат одоби улуғ баҳтдан яхшироқ, унинг белгиси — амалнинг қабули, туғён эса амалнинг бузуқлигидир. Адабни сақлаш-муҳабbat самараси, яна муҳабbat дарахти, яна муҳабbat уруғи ҳамдир...

Сухбатимизга етишадиган гуруҳлардан баъзилари шундайки, уларнинг кўнгилларида муҳабbat уруғи бор,ammo ҳалақит берувчи хасу ҳашаклар туфайли ўсолмайди, бизга эса уни поклаш лозим.

Баъзиларида мухаббат уруғи йўқ, бизга эса уни пайдо қилиш лозим...

Муршид толибнинг ўтган, ҳозирги ва келажак каби уч ҳолидан боҳабар бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади”; “Толиб амал қилиши зарур бўлган шартлардан бири шуки, у Ҳақ Таоло дўстларидан бири бўлган дўст билан ҳамсұхбат бўлиб, ўз ҳолидан вokiф бўлиши зарур. Сұхбат замонини ўзининг ўтмиш замони билан солиштириб кўрсин, нуқсондан камол сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг сұхбатида мулизаматда бўлишни ўзи учун фарзи айн ҳисобласин...

Биз Аллоҳнинг лутфи билан (маънан) нимага эришган бўлсак, Қуръони карим оятлари ва ҳазрат пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларига амал қилганлигимиздандир. Бу амалдан бирон натижага эришмоқ учун такво қилиб, шариат қоидаларига азимат билан риоя қилмоқ, ахли сунна вал жамоа асосларига амал қилмоқ ҳамда бидъатлардан қочмоқ керак...

Устоз олдида таълим бериш вазифаси туради. Таълим бериш учун, у ўз шогирдларининг ўй-ташвишлари-ю қатъий муддаоларини ҳисобга олиши керак. Чунончи, у бухороликлар билан сұхбатлашайтганида, Бухоро тилини қўллаши, Бағдодда эса Бағдод тилида сўзлаши керак.

Илм йўлида агар мени босиб ўтиш лозим бўлса-ю бу ишни қилмасангиз, сиздан рози эмасман.

Ҳеч нарсамиз йўғу ҳеч нарса ҳам кам эмас,
Ҳеч нарсанинг йўқлиги бизга vale ғам эмас.
Жандамиз елкамизда, ортимизда гўристон,
Агар ўлсак ногаҳон бизга ҳеч мотам эмас.
Ул хуни жигардин кўздаги нам яхши,
Ул айшу тарабдин меҳнату ғам яхши.
Бир лахза хузури дил Худо олдида ул,
Бор салтанати мулки жаҳондин яхши.
Илм баҳрига кирмай, соҳилда қолган инсон,
Денгиз ичи — фароғат, соҳил — баҳтсизлик, ионон.
Денгизнинг мавжларига маҳлиё бўлма мутлок,
Бир нафас ғофил бўлмай, денгиздан олгин баҳрон.

ИЗОҲЛАР

Муҳамад алайҳиссалом (570—632) — Сарвари Коинот, пайғамбар, Маккада туғилиб, Мадинада марҳум бўлгандар.

Абу Бакр Сиддиқ (572—634) — халифа рошидин.

Салмони Форсий — 655 йил вафот қилган, пайғамбар алайҳиссалом саҳобалари.

Қосим ибн Муҳаммад — 634 йил вафот қилган.

Жаъфари Содик — 700—765 йил.

Боязид Бастомий — вафоти 961 йил вафот қилган, исми Тайфур ибн Исо.

Абул Ҳасан Харақоний — вафоти 1033 йил.

Юсуф Ҳамадоний — вафоти 1140 йил. Юсуф Ҳамадонийдан Ҳасан Андоқий, Абдулло Барқий, Аҳмад Яссавий, Абдухолик Фиждувоний таълим олган.

Абдухолик Фиждувоний (1103—1179) — Фиждувонда туғилиб, шу ерда вафот қилган. Мозори Фиждувонда машхур зиёратгоҳdir. «Рисолан соҳибия», «Рисолаи шайхуш шуййух Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний», «Макомоти Хўжа Юсуф Ҳамадонний» номли китоблар муаллифи ҳисобланади.

Ориф ар-Ревгарий (XII—XIII аср) — Шофирконда туғилган, қабри Шофиркондадир. Ҳожа Ориф Моҳя Тобон номи билан машхур.

Махмуд Анжир ал-Фағнавий (XII—XIII аср) — вобкентлик. Қабри Вобкентдаги Анжир Фағнавий мавзеида.

Хўжа Али Рометаний (XIII—XIV аср) — Ҳожаи Азизон номи билан машхур. Рометанлик, қабри Рометандадир.

Муҳаммад Бобойи Самосий — 1354 йил вафот қилган. Мозори Рометаннинг Самос (Симос) қишлоғида.

Сайид Мир Кулол (XIV аср) — Сухор қишлоғида туғилган. Сухорда дағн қилинган (Бухородаги Қоғон туманида).

Баҳоуудин Накшбанд (1318—1389) — Бухоро яқинидаги Қасри Орифонда туғилган (Қоғон тумани), мозори шу ердадир.

Алоуддин Аттор — 1400 йил вафот қилган. Ҳазрат Баҳоуддиннинг биринчн ҳалифа (ўринбосар)идир. Алоуддин Атторнинг исми Муҳаммад иби Муҳаммад ал-Бухорийдир. Бу зоти шарифнинг қабри Ҳисори шодмон (Душанбе) вилояти, Чагониён тумани,

Даҳинав қишлоғида.

Хўжа Порсо (1345—1419) — Ҳазрат Баҳоуддиннинг иккинчи халифаси. «Анис ат толибин», «Рисолаи қудсия», «Таъруф» ва бошқа китобларнинг муаллифи. Бу зоти шарифнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорийдир. Мозори Мадинада.

Саъдуддин Қошгари—1456 йил вафот қиласан.

Кусам Шайх (XIV аср) — турк машойихи, қабри Қаршида.

Халил Ота (XVI аср) — турк машойихи, мозори Қашқадарёнинг Нахшаб тумани, Дехая Шуллуконида.

Яъкуб Чархий - 1447 йил вафот қиласанлар. Афғонистонлик. Кабри Душанбеда. Мавлоно номи билан машҳур. Шоуллоҳ Аҳрор (1400-1448)-қабри Самарқандда.

Муҳаммад Бокий Кобулий-1605 йил вафот этган, Хўжайи Боқибулло номи билан машҳур.

Имоми Раббоний Мужоуддин алфи Соний Аҳмад Фарруҳ ас-Саҳиндий 1563-1625 й.

НАҚШБАНДИЙЛАРНИНГ ҲИҚМАТЛАРИ

Бирбарий: Икки қалбнинг бевосита мулоқоти –Тариқат сирларидан воқиф бўлишнинг туб воситасидир.

Хамадоний: Инсониятга хизмат қилиш хаётни тузатиш учунгина фойдали эмас. Ана шу хизмат воситасида билим сақланиб қолиши, жамланиши ва келажакка етказилиши мумкин.

Андоқий: Замон, Макон, Ихвансиз - яъни, муайян вакт, муайян жой, муайян шахс бўлмас экан, жаҳднинг ўзи самарасиздир.

Аҳмад Содик: Етишган (хаққа етган) одамнинг белгиси шундан иборатки, у маозийни аниқ деб ёки аён нарсани рамзий деб қабул қилмайди.

Фағнавий: Бизнинг фанимиз дунёдан эмас, дунёлардан вужудга келган.

Ревгарий: Тентаклик – бу зехни паст кимса излаганини топишдан умидвор бўлган жойдан нималарнидир қидиришдан иборатдир. Гап шундаки, қидирилаётган нарса хамма ерда мавжуддир, сиз уни топа олишга қодир бўлсангиз бас.

Самосий: Инсон кўп нарса хақида ўйлайди. У, мен ягонаман, деб билади. Аслида эса у бир неча бирликларга бўлинади. Токи шу йўсинда ягона бўлиб етишгунча, у ким эканлигини тўғри тасаввур этишга қодир бўлолмайди.

Нақшбанд: Одамлар «Йиғла», дер эканлар, «Хамиша йиғла», деган фикрни кўзда тутмайдилар. Улар: «Қичқирма», дер эканлар, сизнинг муттасил қичқиришингизни назарда тутмайдилар.

Хожа Ахрор: Ҳар қандай ёлғон ёки хаёлотнинг орқасида унинг тимсоли бўлган қандайдир аниқ нарса ётади.

Ал-Лоҳий: Биз Шарқда хам яшамаймиз, Ғарбда хам, биз Шимолда хам ўқитмаймиз, Жанубда хам ўқитмаймиз. Бизга шартшароитларнинг дахли йўқ, лекин шу руҳда гапиришга мажбур бўлишимиз мумкин.

Ал-Бухорий: Тариқат бир катра сувда мужассам бўлиши мумкин. Шунингдек, у мураккаб амри маъруфда хам акс этса эҳтимол.

Самарқандий (Аминий): Хамонки, замон ва маконда экансан, замон ва макондан хориж бўл-да, бошқа дунёларга йўл ол. Насабимиз ўша ёқлардан бошланади.

Сархиндий: Тўргт йўл хақида ёки етмиш икки йўл хақида ёхуд «Инсонларнинг руҳлари қадар кўпдан-кўп йўллар» хақида гапирма. Бунинг ўрнига, Тариқот ва самара хақида гапир. Барча нарса шунга тобеъдир.

Жони Жонон: Инсон Бақода иштирок этиши мумкин. Аммо бу зинхор ўзини Бақо хақида ўйлашга қодир деб хисоблаши туфайлигина юз бермайди.

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Тасаввуф илми хақида нима биласиз?
2. Тариқат сўзининг маъноси нима?
3. Ислом оламидаги машхур тариқатларни санаб ўтинг.
4. Хожа Абдухолик Фиждувоний қачон ва қаерда туғилган?
5. Фиждувонийнинг устозлари ким?
6. Фиждувоний хикматларидан айтиб беринг?
- 7.Хожагонлик тариқатининг Фиждувоний томонидан яратилган қонун қоидаларини санаб беринг?
8. Фиждувоний кароматларидан айтиб беринг?
9. Фиждувоний ҳақидаги асарларни биласизми, санаб беринг?
10. Хожа Абдухолик Фиждувоний қачон ва қаерда вафот этганлар?
11. Баҳоуддин Нақшбанд қачон ва қаерда туғилган?
12. Баҳоуддин Нақшбанднинг увайсий пиrlари ким бўлган?
13. Баҳоуддин Нақшбанднинг устозлари ким бўлган?
14. Баҳоуддин Нақшбанднинг муридлари кимлар?
15. Нақшбанднинг устозлари ким бўлган?
16. Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги асарларни биласизми, санаб беринг?
17. Баҳоуддин Нақшбанд қачон ва қаерда вафот этганлар?
18. Нақшбандия тариқати қайси тариқат асосида вужудга келди?
19. Нақшбандия тариқати дунёнинг қайси мамлакатларига тарқалган?
20. Қайси адабиётнинг йирик намояндалари Нақшбандия йўлини танлаганлар?
21. Нақшбандия тариқатини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиша кимнинг хизматлари катта бўлди?
22. Нақшбандия тариқатининг бошқа тариқатлардан фарқи нимада?
23. Хожа Ахрор қаламига мансуб нечта рисола бизгача етиб келган?
24. Хожа Ахрор қачон вафот этди?
25. Маҳдуми Аъзам нақшбандия тариқатида қандай хизмат кўрсатган ?
26. Маҳдуми Аъзам нечта рисола ёзган?
27. Нақшбандия тариқати неча рашҳадан иборат?

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Баҳоуддин Нақшбанд қачон ва қаерда таваллуд топган?

- А) 1328 йилда Бухоро ёнидаги қасри Ҳиндуён қишлоғида туғилди;
- Б) 1318 йилда Бухоро ёнидаги қасри Ҳиндуён қишлоғида туғилди;
- С) 1315 йилда Бухоро ёнидаги Рометон қишлоғида туғилди;
- Д) 1318 йилда Бухоро ёнидаги Рометон қишлоғида туғилди;

2. Баҳоуддин Нақшбандни ким ўзига маънавий фарзандликка қабул қилган?

- А) Ҳожа Муҳаммад Бобои Самосий;
- Б) Сайид Мир Кулол;
- С) Абдухолик Ғиждувоний;
- Д) Ҳожа Алоуддин Аттор;

3. Баҳоуддин Нақшбандга ким тариқат сулуки (йўли) ва одобни, зикр талқинини ўргатган?

- А) Ҳожа Муҳаммад Бобои Самосий;
- Б) Сайид Мир Кулол;
- С) Абдухолик Ғиждувоний;
- Д) Ҳожа Алоуддин Аттор;

4. Баҳоуддин Нақшбанднинг увайсий пири ким бўлган?

- А) Ҳожа Муҳаммад Бобои Самосий;
- Б) Сайид Мир Кулол;
- С) Абдухолик Ғиждувоний;
- Д) Ҳожа Алоуддин Аттор;

5. Нақшбандия тариқати неча рашҳадан иборат?

- А) 11;
- Б) 10;
- С) 8;
- Д) 12;

6. Нақшбандия таълимоти кимнинг ғояларига асосланган?

- А) Ҳамдун Қассор;

- В) Ҳамза Абу Ҳафс Умар Насафий;
- С) Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолик Ғиждувоний;
- Д) Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор;

**7. Нақшбандия тариқатидаги рашҳаларнинг қайсилари
Бахоуддин Нақшбандга тегишли?**

- А) Хуш дар дам, Назар бар қадам;
- В) Ёдкард, Бозгашт, Нигоҳдош, Ёддошт;
- С) Вуқуфи замоний, Вуқуфи ададий, Вуқуфи қалбий;
- Д) Хилват дар анжуман, Сафар дар ватан;

8. Тариқатни нима деб таърифлайдилар?

- А) Сўфий маъносини билдиради;
- В) Ҳақиқат илми;
- С) Тасаввувф илми;
- Д) Тариқат тасаввувнинг амалий қисми;

9. Ўз фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва объектив баҳолашга хизмат қилувчи кўникмаларга қандай кўникмалар киради?

- А) рефлексив кўникмалар;
- В) педагогик услубларидан оқилона фойдаланиш кўникмаси.
- С) олдиндан кўриш кўникмалари;
- Д) фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаси;

10. Ўз фаолияти ва ўзаро муносабатлар жараёнидаги хатти-харакатларининг натижаларини ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнига тайёргарлигини хис этишини ифодаловчи кўникмаларга қандай кўникмалар киради?

- А) рефлексив кўникмалар;
- В) олдиндан кўриш кўникмалари;
- С) фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаси;
- Д) педагогик услубларидан оқилона фойдаланиш кўникмаси.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

2.“Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар кенг имкониятлар ва амалий имкониятлар мамлакатига айланмоқда ” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистон газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари.

3.Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси”. 25.01.2020.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.09.2018 й. ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

5.Комилов Н. Тасаввуб. 1-китоб. –Т.: «Ёзувчи», 1997.

6.Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ”Тасаввуб ҳакида тасаввур” “HIOL-NASHR” нашриёти, Тошкент-2019 йил. 36-376б

7.Садриддин Салим Бухорий «ДИЛДА ЁР» (Хазрат Баҳоуддин Нақшбанд) Бадиа. Тошкент-Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти-1993

8.Qodirov Davronbek Hoshimovich “АЛ-МАВОХИБ УС-АРМАДИЯ” АСАРИ ВА УНДА ҚЕЛТИРИЛГАН НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИГА ДОИР МАНБАЛАР. The Light of Islam Volume 2020 Issue 1

9.Махмуд Асьад Жўшон “Юнус Эмро ва Тасаввуб” Тошкент-“-Фан”- нашриёти 2001 йил 26 бет.

10. Фахриддин Али Сафий «Рашаҳот». -Т.:Абу Али Ибн Сино, 2003.

11. А.Абдуллаев “Тасаввуб ва унинг намоёндалари” Илмий омабоп рисола. www.ziyouz.com/kutubxonasi. 67-68 бб

12. Мирзаева M. Тасаввуб илми ва унинг тарихи 2019-10-24

13..Гулчехра Наврӯзова.Манба:»Бухоро мавжлари» журнали, 2008/4

14. Г.Н.Наврӯзова ” Баҳоуддин Нақшбанд АВРОД” ”Sano-standart”-2019
15. Нажмиддин Комилов “БАҲОУДДИН НАҚШБАНД” ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАВАЛЛУДИНИНГ 700 ЙИЛЛИГИ-ГА БАҒИШЛАНАДИ. 23.11.2018
16. Наврӯзова, Г.” Нақшбандий тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси” Фалс.ф.докт. дисс... Тошкент– 2002.
17. Жаъфар Мұхаммад ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО ВА УНИНГ “ФАСЛ УЛ-ХИТОБ” АСАРИ 18.А.Навоий. ”Тўла асарлар тўплами”. Ўнинчи жилд.-Т.Ф.Фулом номидаги НМИУ. 2011й.
19. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.
20. Ўзбекистон миллый энциклопедияси.
21. Маҳдуми Аъзам Даҳбедий илмий меросида пиру-murшидлик ва инсон камолоти анъаналарининг уйғунлиги *Б.К.Бойжигитов, Тошкент молия институти талабаси З.К.Бойжигитова, мустақил изланувчи*
22. А.Зоҳидий. Маҳдуми Аъзам. Сийрати ва мероси. Т. “Адолат” 1996 йил 49 бет
23. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 17- том. -Т., 2001. -Б. 279.
24. Ҳалимов Фирдавс. Хожа Аҳрор Валий ва унинг «Рисолалар тўплами». -Самарқанд, 2004. -Б. 7.
25. Ҳайит, Тўлқин. Улугбекнинг ўлдирилишида Хўжа Аҳрорнинг кўли борми? («Ғойиблар хайлидан ёнган чироклар» маколалар тўплами). Т.: «Ўзбекистон». 1994. Б. 250.
26. Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор Валий ва Темурийлар (Илмий-амалий анжуман маъruzalari тезислари).Т., 2004. Б. 10. 11
27. Каттаев К. «Гулистон» журнали. №3, 1991 йил март.
28. Жомий, Абдураҳмон. Нафаҳот ул-унс. Лакҳнав-Ҳиндистон нашри, 1910. -364 б.
29. Навоий, Алишер. Мажолис ун-нафоис. -Т.:Фан, 1961. –Б.153.
- 30 Ҳофиз Таниш Бухорий. Шарафномаи шоҳи-Абдулланома, Т., «Фан». 1966 йил, 107 б.
31. Олимшайх Азизон. Ламаҳот. Т., Фулом Ҳусайн чопхонаси, 1327/1908. Б. 87-88.
32. Доро Шукуҳ. Сафинатул-авлиё, Лакҳнав-Ҳиндистон чопаси, 1900. Б.80-81.

33. Бухорий Носируддин. Тухфатуз-зоъирин. Бухоро чопаси, 1909. Б. 59-60.
34. Мерос (тўплам). Т., «Камалак», 1991. Б. 49.
35. Муҳаммад қози. Силсилат ул-орифин. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг 4452/1 рақамли қўлёзмаси, в.68б).
36. Исломилов С. Нақшбандия тариқатининг баъзи бир илдизлари хусусида.—Мустақил Ўзбекистон.: Фалсафа фанининг долзарб муаммолари. 1-жилд. —Т.: б-17 10
37. ЎзФА Шарқшунослик институти, 4245 рақамли қўлёзма.-Б. 201.
- 38 Валихўжаев Б. Хожа Ахрор тарихи. -Т.:Ёзувчи, 1994. -Б. 70; Яна қаранг: Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Табаррук рисолалар / Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний,Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. -Т.:Адолат,2004. -Б. 169.
39. Исломилов С.Т ” Нақшбандия тариқатининг тасаввуф тараккиётидаги ўрни”
Тошкент – 2008
40. Шайх Эшон Зухриддин Қори Накшбандий Шахрихоний ”ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИДА ҲУФИЯ ЗИКР ОДОБЛАРИ” 2003 йил.
- 41.Najmuddin Komilov. Tasavvuf & Najmuddin Komilov bilan suhabatlar
Muallif Adib: Tasavvuf tarixi, va adabiyoti. 25.04.2018 йил.
- 42..Шайх Эшон Шахрихоний “Хожагон Накшбандия тариқатида ҳуфия зикр одоблари” Тошкент: Моварауннахр-2005.
- 43.Наврўзова, Г.” Накшбандий тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси” Фалс.ф.докт. дисс...Тошкент– 2002.
44. Д.Абдуқодиров, Имом Фахриддин ар Розий “ТАР УСТОЗ РОЗИ-ТАНГРИ РОЗИДИР”<http://diyonat.uz/index.php/765-agar-ustoz-rozi-tangri-rozidur> 08.10.2017.
45. Қиличева К.Ю. Олий таълим тизимида тасаввуф таълимоти воситасида талабалар маънавиятини шакллантириш. П.ф.докт. дисс... – Тошкент: 2009.
46. А.Ғиждувоний. «Одоби тариқат»
47. Фуломиддин Холбоев “Устозлар хизмати – буюк шараф “. Ўзбекистон мусулмонлар идораси Фатво бўлими мутахассиси ва Тошкент ислом институти ўқитувчиси muslim.uz Окт 04, 2018

- 48 Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Форс тилидан Нажмиддин Комилов таржимаси. Тошкент-Маънавият 1997
49. Қурбонова Г.А. “Замонавий ўқитувчининг педагогик маҳорати ва педагогик бурчи” Замонавий таълим / Современное образование 2017, 12
50. Абу Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али “Бахоуддин Балогардон” Т-1993
51. Султонмурод ОЛИМ “Нақшбандия” журнали бош муҳаррири “Дил-ба ёру, даст-ба кор”лик моҳияти 01.10.2018 16:30:35
52. Ф.УЖуманова...”Умумий педагогика асослари”-Т;2020й, 184бет.
- 53.Н.А.Муслимов...”Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” Т:”Fan va texnologiya”-2013й. 8бет.
54. Ориф Усмон. Баҳовуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Тошкент: Университет. 1993. – 36 б., 6-б.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
I БОБ. ТАСАВВУФ ВА УНИНГ ТАРИХИ. ТАРИҚАТЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ.....	7
1.1. ТАСАВВУФ ИЛМИ УНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖИ.....	7
1.2. ТАСАВВУФ ТАЪРИФИ ВА МОҲИЯТИ	10
1.3. ТАРИҚАТЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ	13
II БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВА УНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ	19
2.1. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИДА АБДУХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙНИНГ ЎРНИ	19
2.2.БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲАЁТИ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШI	22
2.3. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ	27
III БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	31
3.1 ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТАРИҚАТ НАМОЁНДАЛАРИ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ	31
3.2 НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ЎН БИР ҚОИДАСИНИ ҲОЗИРГИ ДАВРДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЛИГИНИ ОШИРИШГА ТАТБИҚ ЭТИШ	43
3.3 НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВОСИТАСИДА ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ЎҶУВ ЖАРАЁНИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ	47
3.4 НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВОСИТАСИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ	53
3.5. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИДА КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШГА Даъват.....	62

3.6. НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВОСИТАСИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ	
АМАЛИЁТДА ТАТБИҚ ЭТИШ.....	68
ХУЛОСА	78
ИЛОВА.....	82
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	97

ХАЛМУХАМЕДОВА МАХБУБА АСЛАНОВНА

**НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ
ВОСИТАСИДА ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Монография

Мухаррир: Х. Тахиров

Техник мухаррир: Т. Рахматуллаев

Мусаххих: Н. Исматова

Саҳифаловчи: А. Мухаммад

Нашр. лиц № 2244. 25.08.2020 й.

Босишга рухсат этилди 18.02.2022 й.

Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози. “Times New Roman”

гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоги. 6,5.

Адади 100 дона. Буюртма № 39.

«MALIK PRINT CO» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, Амир Темур кўчаси.